

Дилмурод ҚУРОНОВ

# ЗАВҚИМДАН БИР ШИНГИЛ

Тошкент  
«Akademnashr»  
2012

УДК: 821.512.133  
КБК: 76.01  
Қ-80

Қ-80

**Қуронов, Дилмурод.**

Завқимдан бир шингил / Д.Қуронов. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 64 б.

ISBN 978-9943-389-98-4

УДК: 821.512.133  
КБК: 76.01

*Китобда адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Дилмурод Қуроновнинг илмий, адабий-танқидий мақолалари ҳамда суҳбатлари жамланган. Янгича қарашлар, дадил фикрлар, теран мулоҳазалар мутахассислар ва адабиёт ихлосмандларининг эътиборини жалб этиши шубҳасиз.*

ISBN 978-9943-389-98-4

© Дилмурод Қуронов  
«Завқимдан бир шингил».  
© «Akademnashr», 2012 йил.

## РОМАН ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Устоз У.Норматов роман ҳақида: «Ҳар бир миллат адабиётининг бўй-бастаи, даражаси, аввало, шу жанр камолотига қараб белгиланади десам, буни ҳеч ким муболағага йўймайди», – деб ёзадилар. Дарҳақиқат, шундай. Бироқ бу – бугуннинг гапи. Ўз вақтида эса романга муносабат, дейлик, ҳозирги кун дидли ўқувчисининг оммавий адабиётга, «сариқ матбуот» саҳифаларида эълон қилинадиган битикларга муносабати янглиф бўлган. Шу сабаб ҳам, масалан, итальян адабиётшуноси Антонио Минтурно бундан қарийб уч юз эллик йиллар аввал: «Менга қолса, ким ёзганидан қатъи назар, муҳокамаси ғўр авом суйиб ардоқлайдиган барча романлардан кўра Петраканинг битта сонети дидимга кўпроқ хўбдир», – дейди. Негаки, «романларда Аристотель ва Гораційлар амал қилишни уқтирган, Гомер ва Вергилийлар амал қилган шакл ва тартиб йўқ», яъни улар мумтоз санъат талабларига жавоб бермайди, демак, «на поэзиянинг нелигини, на шоирнинг баркамоллиги нимадалигини билмайдиган авом»гина уларни севиб ўқиши мумкин. Минтурнонинг асосий хулосаси шуки, «роман – варварлар ихтироси», у чинакам поэзияга дахлдор бўлолмайди.

Романни санъатдан – поэзиядан ташқаридаги ҳодиса сифатида тушуниш, уни антиэстетизмда айблаш то XVIII аср ўрталарига қадар ҳам давом этган. Жумладан, классицизм назариётчиси Н.Буало ҳаётлик чоғида эълон қилмаган бўлса-да, киборлар салонларида қўлма-қўл ўқилган «Роман қаҳрамонлари» (1713 йилда чоп этилган) асарида романнависларни услуб жимжимадорлиги, тарихни англаёлмаслик, қадимият ва замона белгиларини кулгили даражада қориштириб юборишда, бир сўз билан айтганда, дидсизликда айблайди. Давр ижтимоий тафаккурига ғоят кучли таъсир ўтказган Вольтер эса романни атиги «енгилтабиат ҳавойи ёшлар кўнгилхушлиги» деб билади ва ўзини ҳурмат қилган адиблар ундан нафратланмоғи лозим деб уқтиради. Айтиш керакки, Вольтер романга қўяётган мазкур айблов янгилик бўлмасдан, балки анча аввалдан кузатилиб келувчи айбловларнинг юмшоқроқ ифодаланиши эди, холос. Хусусан, Жан Расиннинг устозларидан саналувчи Пьер Николь 1665 йилдаёқ гуноҳқорона ҳисларни тасвирловчи роман ва пьесалар муаллифларини «қалбларни булғовчилар» деб атаган. Ёки хонимқизлар тарбияси ҳақида қайғурган маркиза де Ламбер романлар мутолааси ёш қизлар қалби ва шуурига парокандалик олиб киришию ҳаё пардасини кўтариб, кўнгилларда иллатли интилишларни кучайтиришидан огоҳлантиради. Иш шу даражага бориб етадики, 1736 йилда иезуит Шарль Поре «Авом роман деб атовчи китоблар тўғрисида...» мавзуида ваъз қилади ва ҳукуматни беҳад урчиб кетганидан бошқа ада-

бий жанрларни бўғиб, маънавиятга путур етказаётган романга нисбатан қатъий чора кўришга чақиради. Оқибатда кўп ўтмай, 1737 йилда Франция қироли фармон беради, унга биноан энди қироллик ҳудудида янги романлар фақат махсус рухсат билангина чоп этилиши мумкин бўлади.

Романга бунақа салбий муносабатнинг турли омиллари мавжуд бўлса-да, барибир, энг аввал ижтимоий омилни назарга олишимизга тўғри келади. Юқорида кўрдикки, А.Минтурно роман авом орасидагина машҳурлигини қайд этади, уни «варварлар ихтироси» дейди, хуллас, романга беписанд қарайди. Дарҳақиқат, роман киборлар ва руҳонийлар авом деб атовчи «учинчи қатлам» – буржуа орасида оммалашган (бизда «буржуа», «буржуазия» сўзларига салбий, сиёсий тус берилган, аслан уларнинг ўзаги «шаҳарликлар» деган маънони беради). Зеро, романлар уларнинг она тилида – жонли тилда яратилган, мазмунан эса ўзлари қайнаб турган ҳаётга яқин бўлган. Аксинча, киборлар ва руҳонийлар поэзия тили сифатида фақат лотин тилини, бадий асар деб эса антик адабиёт андозаларига мос келувчи асарларнигина тан олганлар. Хуллас, романга салбий муносабат муайян ижтимоий-тарихий шароитда шаклланган эстетик дидлар зиддияти натижасидир. Ижтимоий ҳаётда буржуазия мавқеининг орта бориши ва бунга акс таъсир ўлароқ монархик тартиботларни сақлаб қолишга интилиш мазкур зиддиятни кучайтирди. Классицизм шу интилишнинг адабиётдаги кўриниши бўлиб, унинг мазмун-моҳияти монархик тузумни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Шунинг учун бу адабиёт шакл (антик адабиёт қоидалари) ва мазмун (улуғвор воқеа ва қаҳрамонлар, қиролликка садоқат ва фидойилик, қатъий ахлоқий меъёрлар) эътибори билан консерватив характерда бўлиб, «завқ бериш орқали фойда келтириш» ақидасига қурилгандир. Аксинча, буржуа муҳитида оммалашган романда реалистик тенденциялар кучли келиб, у ҳар қандай чекловлардан холи, ҳаётнинг ўзидаги каби ранг-баранг ва ажабтовур воқеаларни қаламга олишга мойил. Яъни нозиктаб киборлар юксак поэзия тарафдори, омманинг диди ва эҳтиёжига мос романда эса поэзиядан анча йироқ кундалик ҳаёт қайнайди. Худди шу ҳолатни назарда тутиб кейинча Гегель ўзининг роман назариясини қадимги дунёнинг поэтик табиати ва замонанинг прозаиклигини қарши қўйиш асосига қургани бежиз эмас эди.

Албатта, юксак поэзияни дахлсиз сақлаб қолиш истаги нечоғлик улкан, шунга бел боғлаган руҳонийларнинг ваъзалари қанчалик ўтли бўлмасин, шу мақсад йўлида қироллик академиялари қанча фаол ишлаб, фармони олийлар чиқарилмасин, барибир, тарих чархи ўз билганича айланаверади. Тарихий истиқбол эса ўша «авом»ники, бас, романнинг эътироф этилиши ва вақти келиб «ҳар бир миллат адабиётининг бўй-басти, даражаси»ни белгилайдиган мақомга эришиши ҳам табиий

ва қонуний эди. Шунга қарамай, кўриб ўтганимиздек, янги жанрнинг поэзия мулкида фуқаролик олиши осон кечмаган. Дарвоқе, роман янгимида ўзи? Йўқ, албатта. Аслида, романнинг илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади. Романга бағишланган илк махсус тадқиқотлардан бири – «Романларнинг пайдо бўлиши ҳақида рисола» (1666)нинг муаллифи Пьер-Даниэль Юэ жанрнинг ибтидосини Прованс ё Италиядан излаш хатолигини, унинг илдизларини жуда қадимдан, узоқ ўлкалардан қидириш кераклигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, роман антик даврларда юзага келган ва узоқ асрлар давомидаги ривожланиш жараёнида ҳозирги ҳолига келган. Масалага тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан қарагани учун ҳам Юэ ўз даврига келиб «роман жанри» тушунчаси ўзгарганини назарда тутди ва эндиликда роман деганда «ўқувчиларга завқ бериш орқали насихат қилиш мақсадида тўқиб чиқарилган севги тарихини насрда маҳорат билан тасвирлаган» асар тушунилишини таъкидлайди. «Роман ўқиш – вақтни беҳуда совуриш» қабилдаги қарашга қарши ўлароқ, Юэ «романнинг бош мақсади <...> ҳар вақт эзгуликнинг тақдирланиши, ёвузликнинг жазоланишини кўрсатиш орқали ўқувчига сабоқ бериш» деб билади. Шунингдек, романни «поэзия»дан, роман-нависларни «поэт»ликдан нари қилиш урф бўлган бир шароитда Юэ киши: «...шён тўқигани учун эмас, балки яратган образлари учун поэт деб аталади», шунга кўра «романнависларни ҳам поэтлар қаторига кiritиш мумкин», – дейди.

Юэнинг асари романга юқоридагича муносабат устувор бўлган бир вақтда яратилган. Бу шундан далолат берадики, романнинг адабий жанр, сўз санъатининг тўлақонли вакили сифатида қабул қилиниши нечоғлик оғир кечмасин, уни тарихан шаклланиб келаётган объектив ҳодиса деб тушуниш ҳам тобора кучайиб борган. Зеро, ўз навбатида роман ҳам сўз санъатига тобора шиддат билан кириб бориб, мавжуд жанрларнинг хусусиятларини ювғич мисоли шимиб, уларни ҳам ўзига ўхшата ва етакчилик мақомига интила борган. Албатта, айна шароитда романга қизиқишнинг кучайиши, уни назарий жиҳатдан англашга интилишнинг бошланиши ҳам табиий эди. Ижод амалиётининг назариядан ҳамиша ўзиб юриши табиий ва қонуний ҳол, зеро, назария ўз қонун-қоидаларини ижод амалиёти натижаларига таяниб, уларни умумлаштириш асосида ишлаб чиқади. Бироқ романга келганда бу ўзиш янада сезиларли бўлди, негаки, роман табиатан ўзгариш, янгиланишга мойил ва қобил жанрдир. Дейлик, Юэ ўзигача ва ўз замонида ёзилган романлардан келиб чиқиб, «тўқиб чиқарилган севги тарихини насрда маҳорат билан тасвирлаган» асарни роман деб айтади. Орадан бир аср ўтиб-ўтмай мазкур таъриф Европа романчилигига татбиқан яроқсиз бўлиб қолди, чунки унда структурасида севги тарихи ёрдамчи вазифани

Ўтовчи тарбия романи, психологик роман сингари жанр кўринишлари вужудга келди. Дарвоқе, бизнингча, шунга ўхшаш жараён гоят интенсив тарзда ўзбек романчилигида ҳам кузатилади. Илк ўзбек романи «Ўткан кунлар» структурасида «севги тарихи» белгиловчи аҳамият касб этади. Муаллифнинг романга ёзган сўзбошисида «халқимизни шу замоннинг Тоҳир-Зухралари ... билан танишдиришқа ўзимизда мажбурият ҳис этамиз» дея таъкидлаб ўтиши ҳам шундан. Албатта, «севги тарихи» романда бошқа муаммоларни бадиий талқин қилиш учун восита бўлган, бироқ унинг ўз ҳолича ҳам катта бадиий-эстетик аҳамият касб этгани шак-шубҳасиз (асарнинг хорижий тиллардан бирида «Тошкентлик ошиқлар» номи билан чоп этилгани бежиз эмас). Ўн беш йиллар кейин дунёга келган «Кеча ва кундуз»да «севги тарихи» деярли мавжуд эмас; «Сароб», «Қутлуг қон» романларида эса «севги тарихи»нинг восита эканлиги яққол сезилиб туради.

Юэ таърифидаги мазмун билан боғлиқ иккинчи муҳим жиҳат – «тўқиб чиқарилганлик». Ўз таърифига изоҳ бераркан, Юэ «тўқима» дейишдан мурод романни тарихдан ажратиш эканлигини айтади. Ҳақиқат ва тўқима нисбати – Юэ учун роман билан тарихни фарқловчи асос. Яъни тарихда ҳам тўқима бор, лекин, яхлит олганда, у ҳақиқатдир; романда ҳам ҳақиқат бор, лекин, яхлит олганда, у тўқимадир. Масаланинг бу тарзда қўйилиши бежиз эмас. Негаки, Юэ назарда тутган тарих – Геродот, Ктесий, Филострат, Симеон Метафраст кабиларнинг асарлари моҳиятан адабиётнинг бир узви, аслида, улар худди адабий асар каби ўқилган. Зеро, уларда асосий мақсад тарихни тадқиқ этиш эмас, балки ўтмиш воқеалари (ҳарбий юришлар, подшоҳлар тарихи, буюклар ҳаёти)ни ўқишли тарзда ҳикоя қилиш бўлган. Бизнингча, бу гаплар Шарқ адабиётига нисбатан – Фирдавсий «Шоҳнома»сидан тортиб Оғахий тарихларига-ча, халқ ичида қўлма-қўл ўқилган жангномалару маноқибларга нисбатан ҳам бемалол айтилиши мумкин. Шу ўринда, мавриди келиб қолди, айрим мулоҳазаларни ўртага ташлашга жазм этаман. Маълумки, ўзбек адабиётида роман жанридаги илк тажрибалар – «Янги саодат» ва «Бефарзанд Очилдибой» асарлари муваффақият топмаган. Албатта, улар ёзилган вақтда ҳали янги ўзбек насри ҳам, муаллифлар ҳам етарли тажрибага эга бўлмагани бор гап. Бироқ муваффақиятсизликнинг сабабини шунинг ўзи билангина изоҳлаб бўлмайди. Фикримизни ойдинлаштириш учун бизнингча, «Ўткан кунлар»нинг муваффақиятини таъмин этган омилларни эслаш жоиз. Романнинг тез шуҳрат топиб қўлма-қўл ўқилишига сабаб бўлган бош омил, бизнингча, унинг том маънода миллий адабий аънаналар заминида турганидир. Албатта, роман ғарб адабиёти ҳодисаси эканидангина келиб чиқилса, бу фикримиз зиддиятли кўриниши мумкин. Бироқ, шуниси ҳам аёнки, агар адабий аънанала-

римиз замини романнинг илдиз отиши учун қулай бўлмаганида, ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек романининг пайдо бўлиши ҳам маҳол эди. Бизда илдизлари минг йиллардан нарига бориб тақалувчи халқ достонлари, қиссалар, турфа халқ китоблари, мумтоз шоирларимиз маснавий йўлида битган достонлар, хуллас, бой эпик анъана мавжуд эди. Илк романимизнинг қатор хусусиятлари (образлар тизими, сюжет мотивлари, мактублар ва ҳ.к.) фольклор ва мумтоз достончилик анъаналари заминида етишгани шундоқ кўзга ташланадики, бу унинг ғарб адабиёти йўлидаги тажриба бўлишдан ҳам аввалроқ миллий адабиётимиз вакили эканлигидан далолат. Яна шуки, роман ёзилган давр кишиларининг бадиий дид ва эҳтиёжлари достону қиссалар қатори кўхна тарихлару жангномаларни ҳам ўқиб шаклланган эди. Шундан бўлса керак, «Ўткан кунлар»нинг кўп ўринларида аниқ саналар кўрсатилади, адиб ҳикоя қилаётганлари шунчаки ўзи тўқиган чўпчак эмас, балки тарихда айнан юз берган воқеалар дея тақдим этади. Эҳтимол, бу шунчаки бир бадиий приём (ривоя мотивировкаси) эмасми дея эътироз қилиниши мумкиндир. Лекин А.Қодирий учун бу шунчаки приём эмас, балки, «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар»ида ёзганидек, «жўрттага, халқимизнинг савиясини эътиборга олиб» танланган ифода йўсини. Негаки, адиб «бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср достон ва ҳикоялари билан озиқланиб келаётганини» яхши билади. Адиб бу ўринда тарихларни алоҳида тилга олмасе-да, юртдошлари узун қиш тунларини танча атрофида тариху жангномалар ўқиш билан қисқартиришларини ҳам яхши билгани шубҳасиз. Шу боис ҳам мавжуд шароитда энг мақбул йўлни топа олди: «омманинг шу ҳолини» назарга олган ҳолда унинг дидига мос ривоя, тасвир ва ифода йўсинидан борди. Натижада, анъанавийликнинг устуворлиги сабаб аксарият ўқувчилар «рўмон» атамаси билан чоп этилганига қарамай «Ўткан кунлар»ни ўзлари мутолаа қилиб ўрганган китобларидек қабул қилаверган. Жумладан, улар учун ўқиганлари асло чўпчак эмас, балки тарихлардаги каби айна ҳақиқат, шу боис ўзларини Отабекка дўст тутиб, Кумушни суйибу ғанимларига зимдан муштларини тугиб ўқиганлар...

Айтмоқчимизки, «Ўткан кунлар» бу жиҳати билан ҳам эски ва янги адабиёт орасидаги кўприк вазифасини ортиғи билан уддалаган. Яъни ўзидан кейин яратилган «Кеча ва кундуз», «Сароб», «Қутлуғ қон» романларида ифода тарзининг тамом янгича бўлишига замин яратган. Улардан фарқли ўлароқ, «Янги саодат», «Бефарзанд Очилдибой» асарлари учун бундай замин мавжуд бўлмаган. Гап шундаки, уларнинг иккиси ҳам замонавий мавзуда ёзилган бўлиб, бизнингча, худди шу нарса омманинг эстетик дидига мувофиқ келмас эди. Ҳолбуки, М.Бахтин романнинг «тугалланмаган ҳозир» билан боғлиқлиги уни эпосдан

фарқловчи муҳим хусусият деб кўрсатганини ёдга олсак, иккала асар ҳам жанрнинг бу талабига мос эди. Шу ўринда яна А.Қодирийнинг «бизнинг омма то шу кунгача ўрта аср дoston ва ҳикоялари билан озиқланиб келадир» деганини эслатамиз. Табиийки, ўқувчи омма ўша асарларни «эпик ўтмиш» («мутлақ ўтмиш») сифатида идрок этиб, ўзи билан уларда тасвирланган воқеалар орасида ҳаммиша «эпик масофа»ни ҳис қилиб ўрганган. Яъни, бу жиҳатдан ҳам, А.Қодирий айтмоқчи, «бармоқ билан санарлик беш-ўнтагина (улар ҳам ўз хунарларида нўноқлардир) ёшларимиз» истисно қилинса, аксарият омма «Янги саодат», «Бефарзанд Очилдибой» типигаги асарларни эстетик идрок қилишга тайёр эмас эди. Мазкур шароитда «Ўткан кунлар»нинг муваффақиятини таъминлаган энг муҳим омил, бизнингча, унинг тарихий мавзуда ёзилганидир. Айни шу туфайли ўқувчи билан асарда тасвирланган воқеалар орасида «эпик масофа» йўқолди, уларни «тугалланмаган ҳозир» сифатида қабул қилиш осонлашди. Хўш, бунинг асоси, руҳий омиллари нимада? Юқорида давр ўқувчисининг тариху жангномалар ўқиганини урғулаб айтганимиз бежиз эмас. Зеро, ўша ўқувчи тарихларни, А.Қодирий айтган «ўрта аср дoston ва ҳикоялари»дан фарқли ўлароқ, ўзига алоқадор бўлмаган «мутлақ ўтмиш» деб эмас, балки муайян бир вақтда содир бўлган ва ўзи яшаб турган даврга алоқадор «тарихий ўтмиш», узлуксиз кечаётган ЗАМОНнинг бир бўлаги сифатида идрок этган. Айтмоқчимизки, аксарият омма «Ўткан кунлар»га аввало тарих каби ёндашган ва шу боис ҳам ҳеч бир зўриқишсиз, ўзи ҳам сезмаган ҳолда асар бадий оламига кириб қолган – янгича бадииятга ошно бўлган. Дарвоқе, кўпчиликка яхши маълумки, шунга ўхшаш ҳол аввалроқ араб адабиётида ҳам кузатилади: XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган араб романчилигининг қалдирғочлари тарихий мавзуда ёзилган. Бу эса юқоридаги мулоҳазаларимиз нафақат ўзбек, балки бошқа Шарқ халқлари адабиётларига ҳам тааллуқли бўлиши мумкинлигини кўрсатиб, бунда муайян қонуният амал қилаётир деган фикрга бошлайди. Фикримизча, мазкур масаланинг махсус ўрганилиши бир қатор муаммоларни ойдинлаштириб, муҳим назарий хулосалар чиқариш имконини беради.

Асосий масалага қайтсак, ЮЭ роман билан тарихни тўқима ва ҳақиқат нисбатига асосан фарқлаганига келиб тўхтагандик. Қизиги, унинг ўзи ҳам танлаган фарқлаш асоси етарли эмаслигини ҳис қилиб туради. Чунки роман «тўқиб чиқарилган воқеа» асосига қурилади дегани билан тарихий мавзудаги романлар борлигини инкор қилолмайди. Шу боис буюк шахслар (подшоҳлар, саркардалар) ҳаёти қаламга олинган романларда тўқима салмоғи учинчи қатлам кишилари ҳақидаги романларга нисбатан камроқ бўлишини ҳам айтиб ўтади. Яъни роман билан тарих кескин фарқланмаяптики, бунинг сабаларига қуйироқда тўхтала-



миз. Ҳозирча «тўқиб чиқарилган воқеа» асосига қурилади дейиш билан бу ўринда ҳам унинг, худди роман асосида севги тарихи ётади дегани каби, романни мазмун жиҳатидан тавсифлаётганини қайд этамиз.

Кўряпмизки, ЮЭ замонида роман мазмун жиҳатидан фарқланган бўлса, тарихий тараққиёт давомида бу фарқлар йўққа чиққан. Худди ғазал каби: аввалига аёл мадҳига бағишланган шеърки «ғазал» дейилган – шу мазмун ифодаси учун энг мақбул бўлмиш биз билган «ғазал» шакли оммалашган – айна шаклда бошқа мавзудаги шеърлар ҳам битила бошлаган, хуллас, мазмун шаклга ўтган. Лекин шуниси борки, ғазалдан фарқли ўлароқ, шакл жиҳатидан ҳам романнинг қатъий белгиларини ажратиш мушкул. Жумладан, ЮЭ илгари шеърый йўлда ёзилган асарлар ҳам «роман» деб аталаверганини айтиб, замонавий романга берган таърифида насрда ёзилганликни асосий белги сифатида таъкидлайди. Қизиғи шундаки, жанр тараққиётининг кейинги босқичларида яна «шеърый роман»лар ёзилди. Шунга ўхшаш, кейинги даврларда роман таърифларида тилга олинувчи қатор шаклий белгилар: «йирик ҳажмли воқеабанд асар», «кўп планли мураккаб сюжет», «ҳаётни кенг кўламда тасвирлаш», «мураккаб образлар системасини ташкил этувчи кўп сонли персонажлар», «қаҳрамон ҳаётининг катта бир даврини қаламга олиш» ва шу кабилар мутахассисларни бот-бот «аммо баъзан истиснолар ҳам бўлади, масалан...» қабилдаги изоҳларни қайд этишга мажбур қилади. Негаки, ижод амалиёти қайсидир жиҳати билан бу қоидаларга тушмайдиган романларни пайдо қилаверади ва шу ҳол романнинг барча кўринишлари учун умумий бўлган шаклий белгиларни аниқлаш имконини бермайди.

Мазкур ҳолни назарга олган ҳолда немис файласуфи Ф.Шлегель роман моҳиятини «мангу шаклланишда бўлиш ва ҳеч қачон тугалланмасликда» кўриб, ҳеч бир назария романни тўла қамраб ололмаслигини таъкидлайди. М.Бахтин ҳам романни ўрганишдаги қийинчиликлар сабабини айна шунда кўради. Зеро, аллақачон бадиий тажрибани куйиш мумкин бўлган тайёр қолип ҳолига келган бошқа жанрлардан фарқли ўлароқ, роман «шаклланаётган ва ҳали тайёр ҳолга келмаган ягона жанр»дир. Балки бирмунча кескин туюлар, лекин, фикримизча, Шлегелнинг қатъий ҳукми ҳақиқатга анча яқин, «мангу шаклланишда бўлиш ва ҳеч қачон тугалланмаслик» романнинг қисмати кўринади. Ахир, ЮЭнинг асари романга бағишланган илк тадқиқотлардан бири бўлса, орада ўтган вақт давомида яна минглаб тадқиқотлар яратилди. Бироқ романга ҳар жиҳатдан мукамал – барчани бирдек қониқтирадиган ва шу жанрга мансуб этилувчи барча асрларга мувофиқ келадиган таъриф берилганича йўқ, берилмайди ҳам. Зеро, ҳар бир роман, бир томондан, сўз санъатида узоқ асрлар давомида кечган изланишлар маҳсули – у ўзи

дан олдинги романлар (шунингдек, бошқа хил асарлар) билан генетик алоқада. Иккинчи томондан, ҳар бир роман бугуннинг ижтимоий-бадий тафаккури ҳосиласи, у бугуннинг эстетик диди, ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига жавоб беради. Бу эса романга тарихий аспектда қаралса бир, замонавий аспектда қаралса бошқа бир манзара ҳосил бўлиши табиий ва қонуний деганидир. Шу боис ҳам, масалан, кўпчилик томонидан эътироф этилган концепциялардан бирининг муаллифи Гегель роман хусусидаги фикр-мулоҳазаларини «энг янги романлар», «ҳозирги маънодаги роман», «буржуа эпопеяси сифатидаги роман» каби андишаларини қайд этган ҳолда баён қилади. Зеро, у назарда тутган роман билан Юэ назарда тутган роман, яъни ҳар икки олимнинг назарий хулосаларига асос бўлган материал бошқа-бошқадир. Шуни назарда тутган ҳолда П.А.Гринцер «роман доирасида анъанавий ва янги роман ҳақида гапириш ўринли бўлади» дея таъкидлайдики, бунга қўшилиш керак.

Анъанавийларини қўя турайлик, янги роман, яъни «буржуа эпопеяси» сифатидаги роман назариясига асос солган Гегель жанрнинг моҳиятини «қалб поэзияси билан турмушдаги муносабатлар прозаси», ўз «идеаллари ва қалб амри»га биноан яшётган одам билан муҳит зиддиятида кўради. Гегель қарашларини ривожлантирган мутахассислар роман асосий эътиборни ўз ҳолича бутун бир олам бўлмиш одамга қаратади деган мавқеда собитлар. Жумладан, роман қаҳрамонининг тақдир ва эгаллаган мавқеи унинг ўзига номувофиқлиги (М.Бахтин) ёки «муҳит билан, унинг меъёр ва талаблари билан келиша олмаслиги»га (Г.Поспелов), романда «шахс ҳаёти билан ижтимоий ҳаёт нисбий мустақил стихиялар» (В.Богданов) сифатида тасвирланишию асосида «шахснинг интилишлари билан умум қабул қилинган меъёрлар зиддияти» (А.Михайлов) ётишига урғу берилади. Шундан келиб чиқиб, «у ёки бу тарзда ўзи яшаётган ижтимоий муҳитга қарши турган шахснинг руҳий олами» (Е.Мелетинский), унинг «эски дунёнинг тасаввур ва ақидалари билан тўқнашувда маънавий ва ақлий ривожланиши», «ижтимоий характерининг шаклланиши» (Г.Поспелов) романнинг асосий муаммоси эканлиги эътироф этилади. Профессор Қ.Йўлдошевнинг ҳозирги миллий романичилигимиз ҳақида тўхталиб, унинг «воқеа ҳам, ғоя ҳам эмас, балки биринчи навбатда, бетакрор шахс руҳиятидаги товланишлар тасвиридир» деганига ҳам шуларнинг давоми сифатида қараш мумкин. Ушбу фикрнинг биринчи қисми, яъни «воқеа ҳам, ғоя ҳам эмас» дейилгани замонавий романдаги силжишларни ифода этаётгандек бўлса-да, иккинчи қисми, яъни жанр моҳиятининг «бетакрор шахс руҳиятидаги товланишлар тасвири» билан боғлаб қўйилаётгани, бизнингча, жанр моҳиятини тор тушунишга олиб боради. Негаки, биринчидан, бу таъриф романнинг биргина кўриниши – психологик романга нисбатан кўпроқ мос келади;

иккинчидан, шахснинг муҳит билан зиддиятию руҳиятидаги шу билан боғлиқ товланишларни тасвирашнинг ўзи тугал мақсад бўлолмайди. Камина билан Қ.Йўлдошев қарашларидаги фарқловчи чизиқ айти шу нуқтадан ўтадики, биз романда қаҳрамон (унинг муҳит билан зиддиятлари, руҳияти) ҳам, воқеа ҳам восита деб ҳисоблаймиз. Зеро, масалан, ўзбек романчилигининг сара намуналари – «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Қутлуғ қон», «Полазор», «Мувозанат» кабилар, Қ.Йўлдошев айтмоқчи, «муаллифлари персонажлар шахсиятига хос қирраларни роман жанри миқёсида очишни бадиий ният қилганлари» учун роман ёки улар Отабек, Мирёқуб, Йўлчи, Яхшибоев, Юсуф отлик «бетакор шахслар руҳиятидаги товланишларни» тасвираш учунгина яратилган десак, адибларнинг бадиий ниятларини чала англаган бўлиб чиқамиз. Негаки, гарчи гап ният ҳақида бораётган эса-да, асли ҳар икки ҳолда ҳам асар бадиий воқелигидангина келиб чиқилаётган, унинг ортида турган ижодкор субъекти эътибордан четда қолаётган бўлади. Яъни, бошқача айтсак, гап саналган асарларнинг яратилиш сабабига, уларнинг ёзилишини эҳтиёжга айлантирган омилга бориб тақалмоқда. Шу маънода, Қ.Йўлдошев «романнинг жанрини белгилашда муаллиф нияти ҳал қилувчи кўрсаткич қилиб олинса, тўғри бўлади» деганида тўла ҳақ. Фақат бу ўринда ўша ниятнинг ўзини аниқлаб олиш зарур бўлади. Испан адабиётшуноси А.Прието «роман қониқмаслик ёки ишончу умидларда алданишдан келиб чиқувчи исён натижасида дунёга келади» деб айтади. Фикримизча, юқоридаги романларнинг бари айти шундай «исён» – муайян бир ижтимоий-тарихий шароитда етилган маънавий-руҳий эҳтиёж маҳсулидирки, бизнингча, ҳозир буни асослашга алоҳида тўхталиб ўтиришга зарурат бўлмаса керак. Шунингдек, уларнинг барида замонни, жамиятнинг жорий ҳолатини идрок этишга интилиш борлиги, муаллифлари учун ўзлари яратган бадиий воқелик олам ва одам моҳиятини англаш учун бир калит, ўзлари англаган ҳақиқатни яхлит бадиий концепция тарзида ифодалаш воситаси эканлиги ҳам шубҳа уйғотмайди. Зеро, булар – Гегель назарда тутган «буржуа эпопеяси» сифатидаги янги романнинг адабиётимиздаги эталонларидир. Бундай романда эса, ушбу жанр назарияси борасида Гегель таълимотининг давомчиси бўлмиш Г.Лукач фикрича, дунёнинг яхлитлигию бутунлигини, мавжудликнинг туб моҳиятини англаш – бош муаммо, қаҳрамоннинг дунё билан зиддияти ўша муаммони ҳал қилиш воситасидир. Шунақа экан, «муаллифнинг персонажлар шахсиятига хос қирраларни роман жанри миқёсида очишни бадиий ният қилганлигининг ўзи роман жанрини белгилайдиган асосий омил дейиш мумкин» (Қ.Йўлдошев) деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Зеро, акс ҳолда воситани мақсад деб тушунилган бўлади.

Таъкидлаш керакки, юқоридаги фикрларимиз ҳозирда «роман» деб юритилаётган барча асарларга эмас, балки замона бадиий тафаккурида эпоснинг вориси бўлиб турган романларга тааллуқлидир. Шу нуқтада «Эпоснинг вориси деганда нимани назарда тутамиз?» деган саволнинг қалқиб чиқиши табиий, демак, фикримизни изоҳлаш зарур.

Роман назариясига оид ишларда эпос билан романнинг ўзаро муносабати, улардаги умумий ва фарқли томонларга жиддий эътибор бериб келиниши маълум. Жумладан, роман генезиси ҳақида гап борганда, унинг эпосдан ўсиб чиққани, тараққиётининг муайян даврларида ўзида эпосга хос хусусиятларни кўпроқ сақлаб келгани, шундан сўнггина «замонавий эпос» мақомини олгани таъкидланади. Эпос билан романни фарқлашда турлича асосларга таянилади: эпоснинг асосий тамойили – бутунлик, романники – тарқоқлик; эпосда жамоавийлик, романда индивидуаллик устувор; эпос монологик, роман диалогик тафаккур асосига қурилади қабилдаги фарқлар мутахассислар томонидан атрофлича асослаб берилган. Бироқ ҳозир бизни фарқлар эмас, иккиси учун умумий бир нуқта кўпроқ қизиқтирадики, қуйида шунга мухтасар тўхталамиз.

Инсон томонидан яратилган нарса борки, маълум бир эҳтиёж туфайли дунёга келади ва муайян бир вазифани бажаради. Образли тафаккур асосида яралган асарлар ҳам бундан истисно эмас ва бу жиҳатдан қадимиятдаги асарларни, бизнингча, учта типга ажратиш мумкин: 1) олам тартиботини англашга қаратилган миф; 2) олам бағридаги одамни, унинг бутун олам билан бирлигини идрок этишга қаратилган эпос; 3) конкрет ҳаётий ҳолатлар идрокига қаратилган ва амалий-таъбиқий характердаги масал, эртак, ривоят, ҳикоят, латифа қабилар. Тўғри, миф адабиёт эмас, бироқ адабиётни ундирган замин экани ҳам шубҳасиз, антик даврда миф ва адабиётнинг қоришиқ яшагани ҳам шундан. Масалан, «Илиада» ёхуд «Одиссея»да шундай қоришиқлик кузатилади. Дарвоқе, мутахассисларнинг «Илиада»дан «Одиссея»га ўтишда романга хос унсурлар кўзга ташланишини таъкидлашлари бежиз эмас: марказида алоҳида шахс – Одиссей тургани, унинг имконлари худолар белгилаб қўйган тақдирдан кенглиги шундай дейишга муайян асос беради ҳам. Лекин бизни бу ўринда бошқа нарса кўпроқ қизиқтиради. Демак, агар миф билан қоришиқ эпосга роман унсурлари кириб келган экан, вазифа нуқтаи назаридан уларда умумийлик бўлиши табиий. Айтмоқчимизки, ўз вақтида мифнинг вазифасини эпос зиммасига олган бўлса, кейинча, Европа халқлари тарихида янги давр бошлангач, бу иккисининг вазифасини «буржуа эпоси» сифатида майдонга чиққан «янги роман» ўз зиммасига олди. Энди у, Вольтер айтмоқчи, «енгилтабиат ҳавойи ёшлар кўнгилхушлиги» учун яратилмай, балки жамиятнинг жорий

ҳолатини ва шу орқали оламу одам мавжудлигининг моҳиятини бадиий идрок этиш мақсадига сафарбар этилди.

Ҳозирги ўзбек адабий-танқидий тафаккурида Фарб «янги романи» андозасида олинган роман назарияси устувор. Бу табиий ҳам. Зеро, ўзбек романчилиги шаклланган пайтга келиб Фарбда «янги роман» икки асрдан зиёд ривожланиш йўлини босиб ўтган, адибларимиз учун тайёр ижодий тажриба, адабиётшунослар учун тайёр назарий ишланмалар мавжуд эдики, бундай шароитда бадиий ҳам танқидий тафаккуримизнинг изма-из бориши табиий ва қонуний ҳолдир. Бироқ, юқорида айтилганидек, ҳозирда «роман» деб юритилаётган асарларнинг ҳаммаси ҳам мазкур талабларга тушмайди. Мавжуд турфалик туфайли «бунинг нимаси роман?» дея ҳайрон бўлишлар, «роман талабларига жавоб бермайди, чунки...» дея даъвони турли йўллар билан асослашга интилишларга бот-бот дуч келаемиз. Ҳолбуки, бу ҳам, аввало, романнинг ўзгарувчан табиати, иккинчидан, унинг жорий адабий жараёндаги янгиликларни ўзига сингдиришга қобил ва мойиллиги, учинчидан, жанрнинг турли кўринишлари турли илдизлардан сув ичиши билан изоҳланувчи табиий ва қонуний бир ҳолдир.

Романнинг мудом ўзгаришда яшаши даврнинг эстетик диди, ижтимоий ва маънавий-руҳий эҳтиёжларига жавоб беришга интилиш билан изоҳланади. Масалан, Европа янги романида аввалига қаҳрамоннинг ижтимоий-маънавий изланишлари воқеаларнинг изчил тасвири орқали кўрсатилган, бу рицарлик романлари таъсирида шаклланган дидга мос эди. Жамиятда рационализмдан безиб, инсон ҳис-туйғуларига эътибор кучайиши билан романда ҳам инсон ички олами тасвирининг салмоғи ортиб боради. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб «қалб диалектикаси» (Толстой), инсон онгидаги зиддиятли изланишлар тасвири (Достоевский) устуворлик касб этса, XX аср бошларида «онг оқими» (Жойс) майдонга чиқади. Шунга ўхшаш, «Ўткан кунлар»да персонажлар руҳияти кўпроқ воқеалар тасвирида очиладики, бунинг сабабини юқорида омманинг диди билан изоҳладик. Яқин тарихимиздаги энг зиддиятли давр идрокига қаратилган «Кеча ва кундуз»да эса қаҳрамон (Мирёқуб) онгидаги зиддиятларнинг бевосита тасвири муҳим аҳамият касб этади. Ёки жамият ҳаётида яна бир бурилиш нуқтаси етилган паллада ёзилган «Полазор»да яқин ўтмиш Яхшибоев онгию қалбидан ўтказиб сарҳисоб этилса, «Мувозанат»да ўтиш даврининг мураккабликалари Юсуфнинг онгию қалбида аксланади. Яъни саналган романларнинг ҳар бири услуби, ифода тарзига кўра нечоғлик ўзига хос бўлмасин, даврни – инсон воситасида жамиятнинг жорий ҳолатини идрок этишга қаратилгани уларни бирлаштиради, битта жанрга мансуб этади.

Юқорида айтдикки, Гегель ўз қарашлари «энг янги романлар»га та-

аллуқли эканлигини таъкидлаган, шундан келиб чиқиб матнда уни шу чоққача «янги роман» деб келялмиз. Ҳолбуки, қарийб уч юз йил давомида унинг янгилиги қолмаган, аксинча, аллақачон «классик тушунчадаги» ёхуд «анъанавий» сифатлари билан белгилана бошлаган. Бу ҳам табиий. Зеро, кишилик жамияти тарихининг Гегель таърифидаги «янги роман»ни майдонга чиқарган босқичи боқий эмас. XX аср адоғига яқинлашган сари башарият ўз тараққиётининг янги босқичига киргани тобора равшанлашиб борди. Эҳтимол, турли сабабларга кўра қай бир эллар буни эртароқ, қай бирлари бирмунча кечроқ ҳис этгандир, лекин ихтиёримиздан ташқаридаги объектив янгилиниш жараёни инсонни ўзгартираётгани шубҳасиз. Глобаллашув шароитида – оламнинг бирлигию Одам авлодининг тақдирини туташлигини ва айни чоғда ўзаро муносабатларда меҳр-оқибат кўтарилаётганини теран ҳис этиб; ўз кудратига маҳлиё бўлгани ҳолда ич-ичидан ожизлигини туйиб, турфа маданиятлар алоқаси ўта тифизлашганидан бир-бирига сингиб бораётган маконда, замон шиддатига мос маромда муттасил шошиб яшаётган инсоннинг диди, маънавий-руҳий эҳтиёжлари ҳам шуларга мос равишда ўзгармоқда. Албатта, табиатан ўзгаришга мойил ва мудом шаклланишдаги романда ҳам давр билан ҳамқадам янгилиниш жараёни кечди. Шу маънода, ўтган асрнинг ўрталарида бир гуруҳ француз адибларининг роман бобидаги ижодий тажрибалари «янги роман» номи билан умумлаштирилгани бежиз эмас, зеро, янги давр яна «янги роман»ни майдонга чиқара бошлаганди.

Ўтган аср адоғидан бошлаб бундай изланишлар ўзбек романчилигида ҳам кузатиладики, О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Рустамов, У.Ҳамдам, И.Султон каби қатор ёзувчиларнинг ижодий тажрибалари сабаб ҳозирги танқидчилик «анъанавий роман» – «модернистик роман» айирмаларини фаол қўллашга зарурат сезмоқда. Негаки, энди «янги роман» анъанавий деб қарала бошланган эски «янги роман»дан жиддий фарқ қилиши тобора яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, анъанавий романда реалистик тенденциялар кучлиликдан ҳақиқатга монанд манзаралар тасвирланса, янгисида ҳаёт билан ҳаёлот қоришиб кетади («Кўзгу қаршисидаги одам», «Тепалиқдаги хароба»); аввалгисида автологик образлар устувор бўлса, кейингисида рамзий-мажозий ифода устунлик қилади («Бозор»); бирини ўқиганингда реал хронотопни ҳис этиб турсанг, бошқасида ҳақиқатга монанддек туюлувчи замон ҳам, макон ҳам аслида шартли эканини қабул қилишинг даркор («Исён ва итоат»); бири бир-бирига узвий боғлиқ воқеалар асосига қурилса, иккинчиси турли макон ва замонда кечувчи фрагментлардан бир бутунлик ҳосил қилишга интилади («Боқий дарбадар») ва ҳоказо. Табиийки, биз «янги роман»нинг фақат айрим жиҳатларини санадик, аслида улар шунчалик ранг-барангки, беихтиёр шошиблар қолади киши.

Хўш, бунчалар турфаликни умумлаштирувчи нуқта қайси? Қайси жиҳат уларнинг барини битта жанрга – романга мансуб этади? Ахир, «қаҳрамон ва муҳит зиддияти» десак, масалан, «Боқий дарбадар»да қаҳрамоннинг ўзи йўқ (балки шу ҳол кемтик бўлиб кўринганидандир, ҳатто янгиликларни теран ҳис этувчи ва табиатан уларга хайрихоҳ Қ.Йўлдошев ҳам «Назаримизда, профессор Зиёнинг ўғли образи табиати бир қадар кенгроқ тасвирланиши, асосланиши ва такомилга етказилиши лозим эди» деган истак-тавсияни беради. Ҳолбуки, агар шундай қилинганда, айна шу образ бош қаҳрамон мақомига тортиб қолар, асар структурасининг эса аънавий роман андозаларига мос ҳолда тубдан ўзгариши даркор бўлур эди). Ёки «бетакрор шахс руҳиятидаги товланишлар тасвири» демоқчи бўлсак, масалан, «Кўзгу қаршисидаги одам» ёхуд «Тепаликдаги хароба»да аънавий тушунчадаги психологик тасвир йўқ-да?! Фикримизча, буларни умумлаштирувчи битта жиҳат бор: уларда яратилган бадий воқелик – у хоҳ ҳақиқатга монанддек туюлсин ва хоҳ мутлақо хаёлий, майли, гоҳ эртаққа, гоҳи мифга тортиб кетсину гоҳ ҳужжатли асосга эгадек кўринсин – булардан қатъи назар, муаллифлари учун жамиятнинг жорий ҳолатини бадий идрок этиш ва шу асосда оламу одам мавжудлигининг моҳияти ҳақидаги ўз қарашларини тизим ҳолида, яхлит бадий фалсафа тарзида ифодалаш учун бир воситадир. Айна шу нарса уларни аънавий романинг ворисига, унинг бугунги кундаги кўринишига айлантиради. Сирасини айтганда, аънавий роман учун муҳим саналган «қаҳрамон ва муҳит конфликти», «қаҳрамоннинг маънавий-руҳий изланишлари» каби тушунчалар «янги роман»да исзис йўқолгани ҳам йўқ, улар ижодкор субъекти томон силжиди (албатта, силжиш даражаси турлича), холос. Зеро, янги романдаги бадий воқелик ортида ҳамиша ўзининг муҳит билан зиддиятидан юзага келган муаммоларни идрок этаётган муаллиф қалби, унинг шу йўлдаги маънавий-руҳий изланишлари суратланади. Сабаби, аънавий романда объективлаштирилган тасвирга мойиллик, янги романда эса ичдан ўтказилган реаллик туғдирган ўй-ҳисларга мос бадий воқелик яратиш мақсади устувор. Шу боис аънавий роман ўз мақсадига етиш учун реалистик тасвирга эҳтиёж сезади, янги роман эса бу ички мажбуриятдан фориғдир.

Нихоят, ҳозирда роман деб юритилувчи асарларнинг бениҳоя хилма-хил эканига келдик. Юқорида бундай турфалик романинг ўзгарувчанлиги, турли услубий-жанрий хусусиятларни ўзига сингдиришга қобиллиги ва жанр кўринишларининг ҳар бири ўз илдизларидан сув ичиши билан изоҳланишини айтиб ўтдик. Агар шу ҳол эътиборга олинса, бизнингча, роман ҳақидаги баҳслар ҳам тўғри ўзанга тушган бўлур эди. Зеро, танқидчилик амалиётида кўпинча эпоснинг вориси бўлмиш роман-



га кўйилувчи талабларни жанрнинг барча кўринишларига бирдек татбиқ этмоқчи бўламизки, бу нотўғри ёндашувдир. Масалан, ўтмиш воқеаларини ўқишли ҳикоя қилувчи тариху жангномалар вориси бўлган тарихий романларни олайлик. Уларда тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш асосида ўтмишни ва у орқали замонанинг айрим муаммоларини идрок этиш, ўтмиш сабоқларини замона учун ибрат қилиш мақсадлари кузатилади. Тарихий ҳақиқатга содиқлик талаби ёзувчини чеклайди, шу боис унда, эпос давомчиси бўлган роман муаллифидан фарқли ўлароқ, жамиятнинг жорий ҳолатини идрок этиш имкони камроқ, метафорик йўсинда замонага муносабат билдириш билан кифояланишга мажбур. Лекин, барибир, романнинг бу хили эпоснинг вориси бўлган романга бошқаларига қараганда яқинроқ туради, чунки унда ҳам аксар ўтмиш материали асосида оламу одам моҳиятини англашга интилиш кузатилади. Маноқиб ва ҳолотлар давомчиси бўлган тарихий-биографик романда бирмунча ўзгача ҳол кузатилади, зеро, унинг бош мақсади тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятини ёритиш бўлиб, бошқа ҳаммаси шундан ўстириб чиқарилади. Тарихий-биографик романда, ўз вақтида ЮЭ айтганидек, бадиий тўқима имкони кам, шу боис унда кўпроқ қаҳрамон ҳаётини ибрат намунаси сифатида тасвирлаш, у тушган ҳаётини ҳолатлардан ҳикमतлар чиқаришу унинг ҳаёт фалсафасини ифодалаш билан чекланилади. Мазкур фикрларнинг қай даражада асослилиги ҳақида «Улуғбек хазинаси» билан «Юлдузли тунлар» романларини қиёсий мушоҳада этиш билан етарли тасаввур ҳосил қилиш мумкин, шуни ўйлаб бу борадаги гапни мухтасар қиламиз.

Юқорида образли тафаккур асосида яралган асарларнинг учинчи типи амалий-татбиқий характерда бўлишини айтдикки, фикримизча, ҳозирги романларнинг бир туркуми генетик жиҳатдан шу типдаги асарлар билан боғланади. Татбиқий-амалий характерда деганимиз шуки, инсон биргина билиш эҳтиёжи билан яшамайди, унинг учун, масалан: вақтичоглик қилиш, ҳайратланиш, завқланиш, ҳазил-мутойиба кабилар ҳам табиий эҳтиёждир. Ўз вақтида турли-туман эртактару ривоятлар, ҳикояту латифалар айна шу эҳтиёжларни қондиришга ҳам хизмат қилган. Маълумки, адабиётшуносликда рицарлик романларининг сеҳрли эртактар билан генетик алоқаси атрофлича асослаб берилган (А.Михайлов, Е.Мелетинский). Бироқ, биринчидан, эртақ ҳудуди сеҳрли эртактар билангина чекланмайди, иккинчи томондан, мазмуни ва қурилиши жиҳатидан эртақ, афсона, ривоят, ҳикоят, латифа кабилар бир-бирига жуда яқин, ораларидаги фарқлар доим ҳам яққол кўринмайди. Шуни эътиборга олган ҳолда уларнинг барини шартли равишда «эртақ» дея турайлик-да, машҳур «Минг бир кеча» эртактарини ёдга олайлик. Ундаги кўпгина эртактар саргузаштли сюжет асосига қурилган; баъзисид



ҳаётнинг реал манзаралари акс этса, бошқасида фантастик мавжудотларга дуч келинади; бириси саёҳат тафсилотлари, тагин бири қаҳрамоннинг шумлиги ё қувлиги, бошқа бири жиноят сирининг очилишидан ҳикоя қилади, бир туркуми эса ишқий-эротик мазмунда. Хуллас, зийрак ўқувчи бу эртақларда омма маъқул қилиб турган роман (саргузашт, детектив, фантастик, ишқий-эротик, қўрқинч ва б.) илдизларини кўра олади. Яъни оммавий адабиёт деганимиз энди пайдо бўлган эмас, балки азалдан мавжуд эдики, унинг мавжудлиги инсоннинг турли эҳтиёжлари билан боғлиқдир. Демак, ҳозирги кунда оммавий адабиёт вакили бўлган романларнинг урчиб бораётгани, аввало, шунга яраша дид ва эҳтиёжлар мавжудлиги билан изоҳланади.

Кўряпмизки, роман масаласи турли даврларда ва турли муносабатлар билан бот-бот қалқиб чиқаверадиган «адабиёт надир?» саволи каби мангу муаммолар сирасига киради. Негаки, роман ҳар бир даврнинг эстетик диди ва маънавий-руҳий эҳтиёжларига мослашиб, адабиётдаги янгиликларни зудлик билан ўзига сингдирган ҳолда мудом шаклланишда яшовчи жанрдир. Албатта, масалага ёндашишда энг аввал «роман» истилоҳи қайси маънода қўлланаётганини аниқлаб олмақ зарур. Ҳозирда адабиётшунослару қалам аҳли томонидан роман истилоҳи «эпик тур жанри» маъносида ҳам, «катта ҳажмли воқеабанд асар» маъносида ҳам ишлатилмоқда. Ҳолбуки, роман деб юритилаётган асарлар бир-биридан фарқланади. Шунга кўра, бизнингча, истилоҳ «жанр» маъносида қўлланганида, юқорида таърифланган эпоснинг во-риси сифатидаги романнинг назарда тутилгани мақсадга мувофиқдир.

2010

## ЛИРИК ҚАҲРАМОН ТЕРМИНИ ҲАҚИДА

Лириканинг назарий масалаларини атрофлича ўрганган Л.Гинзбург бундан қарийб ярим асрлар муқаддам «лирик қаҳрамон» термини ўзининг терминлик хусусиятини йўқотганини таъкидлаган эди. Олиманинг фикрича, бунинг сабаби терминнинг суиистеъмол қилингани, лирик асарда автор онгини ифодалашнинг турли шакллари «лирик қаҳрамон» термини билан аталаверилгани билан боғлиқдир. Кейинроқ адабиётшунос Б.Корман олиманинг мазкур фикрларини қувватлаб, лирик қаҳрамон термини «оммавий адабиётшунослик» мулкига айланиб қолганини айтади. Яъни бу ўринда Б.Корман лирик қаҳрамон ўзининг илмий категория сифатидаги хусусиятини, фақат аниқ бир тушунчани ифодалаш хусусиятини йўқотганини назарда тутди.

Аслида лирик «қаҳрамон термини» илмий муомалага ўтган асрнинг

20-йилларида адабиётшунос Ю.Тинянов томонидан рус шоири А.Блок ижодига татбиқан киритилган бўлиб, бунда шоирнинг лирик ижоди (ёки шеърый туркуми) бағридан ўсиб чиқувчи образ, тасаввур қилинадиган шахс назарда тутилади. Яъни бу маънода «лирик қаҳрамон» тушунчаси маълум даражада шартли бўлиб, уни алоҳида олинган шеърга нисбатан эмас, балки шоирнинг бутун ижоди, ижодининг бирон-бир даври ёки яратган бирон-бир туркумига нисбатан қўллаш мумкин бўлади. Масалан, А.Ориповнинг 1964 – 1967 йилларда ёзилган «Юзма-юз», «Ўйларим», «Баҳор», «Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси», «Чол ва коммунизм қиссаси» каби шеърларини олиб қарайлик. Уларни ўқиганда, болалик ва ўсмирлик йиллари шаклланган қарашлари катта ҳаёт билан тўқнаш келганида парокандага учраган, энди ўша қарашларини аёвсиз тафтиш қилиб, ўзини қуршаган ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини англашга, ўзининг ҳаётдаги мавқеини белгилаб олишга интилаётган изтиробли маънавий-руҳий изланишлар бағридаги кишини тасаввур этамиз. Ёки Э.Воҳидовнинг «Донишқишлоқ латифалари» туркумига кирган шеърлари ортида ҳаётдаги тескариликларни мушоҳада қилиб, уларнинг устидан кўз ёши аралаш кулаётган донишманд бир шахс намоён бўлади. Яъни иккала ҳолда ҳам шеърлар ортида турган кечинма эгаси бир қадар бутунлик (мавзу-муаммолар доираси, ўй-қарашлар бирлиги, барқарор руҳий-психологик белгилар, биографик чизгилар) касб этадики, ўқувчи алоҳида бир шахс (қалб)ни муайян даражада яхлит ҳолда тасаввур эта олади.

Фикримизча, қўйилган масалага ёндашишда энг аввал терминнинг маъно томонига эътибор бериш тўғри бўлур эди. Равшанки, «қаҳрамон» дейлиши муайян даражада объективлашувни тақозо этадики, бунда ўша қаҳрамонни реал мавжуд нарса мисоли «кўриш» имкони бўлиши керак. Ҳолбуки, субъектнинг ноластик образини яратиши лириканинг адабий тур сифатидаги белгилувчи хусусиятларидан бири дея эътироф этилади. Кўриб турганимиздек, «лирик қаҳрамон» атамасининг маъно томони билан лириканинг табиати ўртасида манتيқий зиддият юзага келмоқда. Зеро, лирик қаҳрамон эпос ёки драмадаги характер сингари объектга айланмайди, у воқеликка нисбатан ҳам, ўзига нисбатан ҳам ҳамиша субъектлигича қолади.

Юқоридагилардан аён бўладиги, аслида, алоҳида олинган шеър доирасида лирик қаҳрамон ҳақида гапириш тўғри бўлмайди. Шунга қарамай, ўзбек адабиётшунослигида бу одатий ҳолга айланган: исталган битта шеър ҳақида фикр юрита туриб «шеърнинг лирик қаҳрамони» бирикмасини қўллаш бизда аллақачон меъёрга айланган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзбек адабиётшунослигида ҳам, Л. Гинзбург рус адабиётшунослигини назарда тутиб айтгани каби, «лирик қаҳрамон» бирикмаси ўзининг терминлик хусусиятини йўқотгандир.

Шунинг учун ҳам ҳозирда лирик асардаги ҳар қандай кечинма эгаси – лирик субъект «лирик қаҳрамон» деб аталади. Ўз-ўзидан савол туғилади: терминдаги маъно силжишининг сабаби нимада? Албатта, бунда адабиётшуносликка оид тадқиқотлар, айниқса, адабий танқидий чиқишларда терминологик аниқлик доим ҳам етишмаслигининг ҳиссаси йўқ деб бўлмайди. Иккинчи томондан, Б.Корман айтмоқчи, «оммавий адабиётшунослик» – кенг ўқувчилар оммасига қаратилган адабий танқидий чиқишларда ўқувчи учун қулай ва тушунарли бўлган «лирик қаҳрамон» терминидан фойдаланиш мақбулроқ кўрилганини ҳам тушуниш мумкин. Лекин, бизнингча, терминдаги маъно силжишининг сабаби шунинг ўзи билангина изоҳланса тўғри бўлмайди. Зеро, ҳақиқатда бу силжиш адабий-назарий тафаккурдаги янгиланишлар билан муқобил равишда юз берган.

Маълумки, бадийий характер, характер ва конфликт муаммола-ри ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб собиқ Иттифоқ адабиёт-шунослигида марказий ўринни эгаллаган эди. Албатта, характер ва конфликт муаммоси ҳар қандай адабий асарга ҳам тааллуқли. Бироқ шуниси борки, мазкур категорияларнинг аҳамиятини барча адабий турлар учун бирдек деб бўлмайди. Масалан, характер бадийий проза учун ҳал қилувчи аҳамият касб этса, драматик асар учун конфликт шундай аҳамиятга эга. Яъни бу ўринда таҳлил қилинаётган асар табиати билан боғлиқ ҳолда улардан бири (албатта, бошқаларини инкор қилмаган ҳолда) устувор мавқега эгаллигини эътиборда тутиш лозим. Шундайликка шундайку-я, лекин муайян давр илмий тадқиқотларида бирон-бир «мода»нинг ҳукм суриши мумкинлиги ҳам сир эмас. Айтмоқчимизки, ярим асрлар илгари бадийий характер, характер ва конфликт масалаларини ўрганиш кенг урф бўлган, жумладан, улар лирикага татбиқан ҳам кенг қўйилган эди.

Айни шу урф таъсирида бўлса керак, икки жилдлик «Адабиёт назарияси» муаллифлари лирикани адабий тур сифатида тавсифлашга бағишланган бўлимга «Лирикада характер, конфликт ва қаҳрамон» номли фаслни киритганлар. Жумладан, унда қуйидагиларни ўқиймиз: «Лирик характер ўзига хос лирик конфликт кўзгусида намоён бўларкан, албатта, муаллақ тарзда гавдаланмайди, унинг ортида, тўғрироғи, унинг замирида муайян шахс нафас олади, яшайди, ҳаракат қилади. Гап лирикада қаҳрамон масаласига бориб тақалаётир».<sup>1</sup> Кўриб турганимиздек, бунда лирик асар табиати эпик ёхуд драматик асарларга монанд талқин қилинмоқда. Хусусан, муайян конфликтларда намоён

---

<sup>1</sup> Корман Б.О. Избранные труды по теории и истории литературы. – Ижевск, 1992. – С.87.

бўлаётган характер ва шу характер эгаси бўлган қаҳрамоннинг алоҳида категориялар сифатида кўрсатилаётгани шундай дейишга асос беради. Ҳолбуки, лирикада характер яратилмайди, бунда характерга хос айрим қирраларнинг оний лаҳзалар имкон берган даражада намоён этилиши ҳақида гапириш мумкин, холос. Зеро, лирика шахснинг оний лаҳзалардаги кечинмаларини ифодалаш билан чекланади. Иккинчи муҳим нуқта шуки, лирикада конфликт аксарият ҳолларда асардан ташқарида қолади, конфликт фақат ҳис қилинади, англанади. Модомики шундай экан, лириканинг табиатини ёритиш учун мазкур категорияларни марказга чиқариш, бизнингча, мақбул эмас.

«Адабиёт назарияси»да лирик қаҳрамон тавсифи қуйидагича давом эттирилади: «Лирик қаҳрамон масаласи лирик шеърятда ҳаётни тасвир этиш спецификаси масаласидир. Лирик қаҳрамон характери ўзига хос марказ бўлиб, объектив воқелик лавҳалари, кишиларнинг ўзига хос образлари ана шу марказ атрофига уюшади. Ҳамма гап унинг оригиналлиги, индивидуаллиги, жонлилиги ва жўшқинлиги даражасидадир. Ўқувчи ҳар бир янги шеърни қўлга олар экан, унда қандай янги мазмун тажассум топгани ва қандай янги ғоя олға сурилганини билишга интилиш билан чекланиб қолмайди, балки ана шу мазмун ва ғоя қандай ҳаётий характер призмасидан ўтиб келганлиги билан ҳам қизиқади».<sup>2</sup> Аввало, бу кўчирмада ҳам лирикага ёндашишда ўзга адабий турлар мезонлари асос қилиб олинаётганини қайд этиш лозим. Зеро, биринчидан, «ҳаётни тасвир этиш» лириканинг спецификаси эмас; иккинчидан, характернинг оригиналлиги, индивидуаллиги ҳақида эпик ё драматик асарларга татбиқан гапириш мумкин: «ўқувчи қўлга олган ҳар бир янги шеърда» – лирик асарда тўлақонли характер намоён бўлмайди. Хўш, унда бу ўринда гап нима ҳақида бораётир? Эътибор берилса, кўчирмадаги «лирик қаҳрамон характери» бирикмаси лирик субъект, яъни шеърдаги лирик кечинма эгаси маъносида қўлланаётганини кўриш қийин эмас. Чунки лирик асар марказида лирик субъект туради. Лирик субъект ҳақиқатан ҳам ўзига хос марказ, фақат у «объектив воқелик лавҳалари»ни уюштилади дейилишига қўшилиш қийин (биз бу ўринда «лавҳа» сўзи «эпизод» маъносида тушунилиши мумкинлигидан келиб чиқмоқдамиз). Лирик асарда объектив воқелик лавҳалари эмас, балки унинг лирик субъект кечинмаларига туртки берган ёхуд уларни ифодалаш учун зарур парчаларигина иштирок этади.

Юқоридагилардан аён бўляптики, лирик қаҳрамон терминидagi маъно силжиши ва унинг терминлик хусусиятини йўқотиши кенг оммага мўлжалланган адабий танқидий чиқишлар таъсиридагина юз берган

---

<sup>2</sup> Ўша жойда.

эмас. Бунда адабиёт назарияси соҳасида амалга оширилган ишларда давр илмий изланишларидаги «мода»га берилиш ҳамда тадқиқотларда терминологик аниқлик талабига қатъий амал қилмасликнинг ҳам каттагина ҳиссаси бор.

2012 йил

## ЯНА ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Маълумки, мустақилликка қадар адабиётшунослигимизда ва шундан келиб чиқиб адабиёт ўқитишда даврлаштириш муаммоси гўё «узил-кесил ҳал қилинган», дарслик ва қўлланмаларда иккита: «Ўзбек адабиёти тарихи» ва «Ўзбек совет адабиёти» даврлари ажратилар эди, вассалом. Албатта, нафақат адабиёт, балки умуман инсоният тарихига «инқилобгача – инқилобдан кейин» қолипиди қараган шўро фанининг бир узви бўлмиш адабиётшунослик учун бу айна илмий ҳақиқат саналган. Зеро, ўтган аср бошларидаги қизғин адабий жараённи гўё бўлмагандай назардан соқит қилган ва асли жадид адабиёти намояндаси бўлмиш Ҳамзадан «Ўзбек совет адабиётининг асосчиси»ни ясаган ҳолда адабиётшунослик буни мафкурага мақбул «илмий ҳақиқат»га айлантирди. Натижада эса адабиёт тарихи ҳам шўроча талқиндаги ижтимоий тарихга мосланди, яъни «феодализмдан капитализмни четлаб социализмга сакраб ўтилган»и каби, мумтоз адабиётдан тўппа-тўғри шўро адабиётига ўтилди. Мустақиллик арафаларидан эътиборан даврлаштиришдаги бу сохтакорлик кескин танқид қилина бошлаб, тез орада ундан тамом воз кечилди. Сўнги йилларда бир қатор олимларимиз, жумладан, У.Норматов, Н.Каримов, А.Расулов, Қ.Йўлдошевлар томонидан масалага етарлича ойдинлик киритилдики, бундай қараганда, унга яна қайтишнинг зарурати ҳам йўқдай туюлади. Бироқ, масалан, «Адабиётшунослик» магистратура мутахассислиги ўқув режасига кўзингиз тушса, беихтиёр бундай тасаввур янглиш эмасмикан деган андишага бориб қоласиз.

Гап шундаки, мазкур ўқув режасида «XX – XXI аср ўзбек адабиёти» курсини ўқитиш кўзда тутилган. Тўғри, курснинг номи ўқув материалининг даврий чегараларини аниқ белгилаб турибди. Эҳтимол, тузувчилар худди шу мақсадни кўзлаган ҳам чиқар. Бироқ шуниси борки, адабиёт тарихини даврлаштириш натижаси ўлароқ ҳосил бўлган босқич номлари адабиётшунослик фани доирасида термин мақомига эга саналади. Зеро, ушбу ном (термин)ларнинг ҳар бири адабиётимиз тарихидаги ўзининг аниқ даврий чегаралари ва ўзига хос хусусиятларга эга бир босқични англатади.

Маълумки, даврлаштиришда «адабий давр», «адабий аср» ва «ада-

бий авлод» терминлари қўлланади: адабий давр ичида адабий асрлар, ўз навбатида, адабий аср ичида адабий авлодлар фарқланади. Иигирма йиллар муқаддам, 1993 йилда ёзилган бир мақоласида Қ.Йўлдошев «энг қадимги замонлардан бугунги кунгача бўлган оралиқда яратилган ўзбек адабиёти бир-биридан кескин фарқ қиладиган уч даврни бошидан кечиргани»ни таъкидлаб, уларни қуйидагича номлашни тавсия этган эди:

1. Исломгача бўлган даврдаги адабиёт.
2. Ислом таъсиридаги адабиёт.
3. Жаҳоний таъсирлар даври ўзбек адабиёти.

Дарҳақиқат, шундай. Адабиётимиз тарихидаги мазкур даврлар аниқ-равшан кўзга ташланади, шу боис уларни ажратиш масаласида мутахассислар орасида ихтилоф йўқ. Бироқ, уларнинг номланиши, шунингдек, даврий чегараларини белгилашда муайян фарқлар мавжуд. Эътибор берилса, Қ.Йўлдошев номлашда ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бирини асос қилиб олаётганини кўриш мумкин. Албатта, адабиётимиз ривожиди IX – X асрлардан бошлаб ислом дини, XX аср бошларидан эса Европа адабиёти таъсири жуда кучли бўлган. Шунга қарамай, бизнингча, катта бир даврни унга хос битта хусусият (ҳатто унинг доминантлиги шубҳасиз бўлганида ҳам) билан номлаш мақбул эмас кўринади. Зеро, биринчидан, адабиётимизнинг катта бир даврида исломий дунёқараш белгилловчи бўлгани шубҳасиз, бироқ шу хусусиятнинг ўзини даврларни фарқлаш асоси қилиб олсак, дунёвий илм мавқеидан чекинган бўламиз. Иккинчи томондан, «жаҳоний таъсирлар даври»да адабиётимиз ислом дини, исломий дунёқараш таъсиридан мутлақо холи эди дейиш ҳам ҳақиқатга хилоф бўлади. Ниҳоят, XX аср ўзбек адабиётига Ғарб таъсири нечоғлик кучли бўлмасин, барибир, у бой адабий аъналар заминиди турибди, бас, юқоридагича номлаш буни инкор қилиш, ўз-ўзини камситиш, маломат қилишдек бўлиб қолмайдими?! Шу ва шунга ўхшаш андишаларни назарга олган ҳолда таъкидлаш мумкинки, адабий даврни умумийроқ тарзда номлаб, сўнг унга хос хусусиятларни даражалаган ҳолда санаб қайд этиш илмий жиҳатдан тўғри ва объективроқ бўлади. Шу қарашдан келиб чиқиб юқоридаги учта даврни, бизнингча, қуйидагича номлаш мумкин:

1. Қадимги туркий адабиёт.
2. Ўзбек мумтоз адабиёти.
3. Янги ўзбек адабиёти.

Айтиш кераки, ўзининг қайдига кўра орадан ўн йиллар (ҳақиқатда эса бирмунча кўпроқ бўлса керак) ўтгач ёзилган салмоқли мақоласида Қ.Йўлдошев ҳам учинчи даврни «Янги ўзбек адабиёти» деб атаиди ва «ушбу атама миллат адабий тафаккуридаги тамомила ўзига хос хусу-

сиятларга эга бўлган янги даврни ифода этиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бугунги кунларимизгача бўлган замоний оралиқда яратилган миллий адабиёт намуналарини англатади» (171) дейди. Бу эса олимнинг даврлаштириш борасида юқоридаги илк таклифлари тақдим этилган пайтдаги руҳ-кайфият таъсиридан холи бўлгани ва масалага теран илмий ёндашганини кўрсатади. Иккинчи томондан, бу пайтга келиб «янги ўзбек адабиёти» термини истеъмолда анча фаоллашган, хусусан, олий таълим учун ўқув режаларида ҳам шу ном қўллана бошлаган эди. Ёдингизда бўлса, мустақилликнинг илк йилларида адабиётимиз тарихининг мазкур даври олий таълим учун ўқув режаларида «Ҳозирги ўзбек адабиёти», «XX аср ўзбек адабиёти» номлари билан юритилган, илмий муомалада эса буларга қўшимча ўлароқ «Замонавий ўзбек адабиёти», «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти» каби атамалар ҳам қўлланган эди. Шу боис ҳам Қ.Йўлдошев: «Янги ўзбек адабиёти» атамаси бизда баъзан «XX аср адабиёти» истилоҳининг синоними, баъзида «жадид адабиёти» атамасининг муқобили тарзида қўлланилади» (171), – деркан, терминологияда мавжуд беқарорликни маъқулламайди ва бу ўринда тўла ҳақ. Албатта, бундай беқарорликнинг юзага келиш сабаби тушунарли: аввалига «Ўзбек совет адабиёти» зудлик билан «XX аср ўзбек адабиёти»га ўзгартирилди, лекин аср оёқлаб қолгани учун тездаёқ «Ҳозирги ўзбек адабиёти» дейиш маъқул кўрилди; табиий, атамадаги «ҳозирги» сўзининг маъноси аталаётган предмет моҳиятга у қадар мос эмасдек туюлади, «замонавий» ёки «ҳозирги замон» сифатлари ҳам худди шундай... ниҳоят, «янги ўзбек адабиёти» дейиш ҳар жиҳатдан маъқул кўрилди. Негаки, бу атама предметга, яъни XX аср тонгидан бошлаб ғоявий-мазмуний ва поэтик хусусиятларига кўра ЯНГИЛАНГАН адабиётимизга ҳар жиҳатдан мосдир. Янгиланиш қандай кечгани, унинг омилларини белгилари ҳақида кўп ёзилди, шу ва мақсадимизга кирмагани боис бунга тўхталмаймиз. Фақат ўтган аср бошларидан адабиётимиз ўз тараққиётининг янги босқичига – янги адабий даврга киргани ва ҳозир ҳам шунинг доирасида эканини таъкидлаймиз. Модомики шундай экан, ўқув режасида уни «XX – XXI аср ўзбек адабиёти» деб юритиш тўғри эмас. Зеро, адабиёт ўқитиш илмий асосга қурилиши, адабиётшунослик эришган ютуқларга таяниши лозимдир.

Энди масаланинг иккинчи ва, фикримизча, анча нозик ҳам баҳсли томонига келдик: янги ўзбек адабиётининг даврий чегараларини қандай белгилаш керак? Ҳозирда кўпроқ оммалашган қарашга кўра, янги ўзбек адабиёти даврини XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳисобланади. Ўз вақтида устоз Н.Каримов бу ҳолга муносабат билдириб: «Янги ўзбек адабиётини маърифатпарварлик адабиёти билан бошлаш тарафдорлари ҳам борки, улар ўз «ғоя»ларини умумтаълим мактаб-

ларининг адабиёт дастурларига киритишга улгурдилар. Бизнингча, бу хато йўл»<sup>3</sup>, – дея куйиниб ёзганди. Афсуски, давр адабиёти буйича йирик мутахассиснинг фикри инобатга олинмади: ҳозирда мазкур «ғоя» нафақат умумтаълим мактаблари, балки олий таълим дастурларига ҳам кирган. Албатта, масала баҳсли экан, уни илмий доираларда бир томонга ҳал қилиб, сўнгра ўқув жараёнига татбиқ этилса тўғрироқ бўларди. Бироқ, назаримда, ушбу масаланинг ҳал қилинишида илмий далиллардан кўра кўпроқ бошқа омиллар – алоҳида шахсларнинг обрўси ва имкони устувор аҳамият касб этиб қолди. Сирасини айтганда, ЎзМУда «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедрасининг ташкил қилингани, бакалаврият босқичи ўқув режасига шу номдаги ўқув фанининг киритилгани, тез фурсатда дарслик яратилгани – ҳаммасида кейинги омилнинг ҳиссаси катта. Очиғи, шу гапни ёздим-у, кимнингдир: «Мустақиллик адабиётимиз тарихини, айниқса, ўтган аср бошларидаги адабий жараённи ўрганишни долзарб вазифага айлантриб қўйган эди, бу ишлар шуни уддалаш йўлидаги фидокорона ҳаракат-ку!» – дея эътироз қилиши, бошқа бировнинг каминани нохолисликда, ҳатто бир оз «ичиқоралик»да ҳам айблаши мумкинлигини ич-ичимдан сезиб турибман. Шу боис муҳолифлардан ўтиниб сўрайманки, айбладан аввал яхшилаб холисона ўйлаб кўринг: ахир, кафедра дегани маълум миқдор ўқув соатларию штат бирликларини тақозо этса... жадид адабиётининг ўзидан етарли соат чиқмаса... Шундай вазиятда масалани илмий ёки бошқа йўл билан ҳал қилишнинг аҳамияти қоладими?! Устозлар маъзур тутсинлар-у, ҳаммамиз ҳам бандамиз, ахир, бунақа вазиятда «қозончида ихтиёр, қайдан кулоқ чиқарса» қабилида йўл тутилса нима қипти?! Боз устига, режадаги қилинажак ишлар хайрли, эзгу бўлса... Хуллас, мавжуд ҳолатни долзарблик билан кейинги омиллар – обрў ва имкон бир нуқтада кесишганининг натижаси деб қараш тўғрироқ. Дарвоқе, ўз муҳофазамга яна бир далил келтирсам ҳам бўлади. Ёдингизда бўлса, мазкур ҳолатдан бир оз аввалроқ долзарблигу обрў ва имкон йирик туркийшунос аллома тимсолида жамулжам бўлганди. Қизиқ, ўшанда ҳам туркология кафедраси ташкил қилинган, ўзбек филологияси йўналиши ўқув режасига «Туркологияга кириш», «Турк тили», «Турк адабиёти» каби янги фанлар киритилган эди. Демак, ажабланишга ҳожат йўқ: тарих қайтарилган экан, холос...

Мавзуга қайтсак, Н.Каримов «...маърифатпарварлик адабиёти билан Беҳбудийлар бошлаб берган жадид адабиёти мутлақо бошқа-бошқа ҳодисалардир» деб ҳисоблайди. Олим тўла ҳақ, фақат, бизнингча,

---

<sup>3</sup> Йўлдошев Қ. Таҳлил машаққатлари. // Ёниқ сўз. – Тошкент, 2006. – Б.12 – 13; кейинги ўринларда қавс ичида саҳифа кўрсатилади.



бу ўринда масалани ўзгачароқ тарзда қўйиш тўғрироқ бўлади. Яъни «маърифатчилик адабиёти» юқорида қайд этилган «ўзбек мумтоз адабиёти» даврига кирадими ё «янги ўзбек адабиёти» давригами? Агар уни янги ўзбек адабиётига киритсак, у ҳолда ўзбек мумтоз адабиёти XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ўз даврини яшаб бўлган чиқади. Ҳолбуки, ўша Комил, Аваз, Муқимий ва Фурқатлар ижодида мумтоз адабиётга хос ғоявий ва поэтик хусусиятлар устувор экани равшан. Яъни, уларнинг қатор асарларида маърифатпарварлик ғоялари акс этса-да, **биринчидан**, ушбу ғоялар мумтоз адабиёт поэтик тизими (жанр, поэтик образлар, тил ва услуб) доирасида ифодаланган; **иккинчидан**, улар қолдирган ижодий мероснинг салмоқли қисмини ғоявий-бадий жиҳатларига кўра мумтоз адабиёт анъанасидаги асарлар ташкил этади; **учинчидан**, маърифатпарварлик ғоялари ифода этилганининг ўзи давр адабиётига «янги» сифатини бериш учун асос бўлолмайди, бундай ғоялар Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакийлардан бошлаб кузатилади, яъни мумтоз адабиётимизда ушбу ғоялар азалдан ифодаланиб келган. Зеро, маърифат ғояси адабиётнинг фитратидаги ибтидолардан бири, жавҳардир.

Н.Каримов «маърифатпарварлик адабиёти» деб атаётган босқич «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарслигида «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг илк босқичи» деб номланиб, чегараси 1865 – 1905 йиллар қилиб белгиланган. Қ.Йўлдошев эса айни босқични «Ўзбек маърифатчилик адабиёти» деб атайди. Шу ўринда «маърифатпарварлик» ва «маърифатчилик» тушунчалари бир-бирдан фарқли эканини эслатиш жоиз кўринади. Маълумки, «маърифатпарвар» сўзи шахсга хос сифатни, «маърифатчи» сўзи эса муайян фаолият билан шуғулланувчи шахсни билдиради, бас, шу икки сўздан ясалган отлар ҳам маъно жиҳатидан фарқлидир. Яъни, бу босқични «маърифатпарварлик адабиёти» деса бўлар, бироқ «маърифатчилик адабиёти» дейиш ҳақиқатга мос эмас, ушбу номга жадид адабиётининг илк босқичи муносиброқдир. Дарслик ва ўқув дастурида бу давр адабиётига хос «янгича маърифатпарварлик»ка ургу берилганки, бу, чамаси, юқоридагича эътирозлар зидди учун бўлса керак. Дарсликда ўқиймиз: «Русия Қўқон хонлиги ҳудудларини босиб олиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ўз вассалига айлантирганидан бошлаб ўлка ижтимоий-маданий ҳаётида баъзи янгиликлар ҳам рўй берган эди. Шулардан бири бутун Марказий Осиёда Комил, Сатторхон, Фурқат, Сайидрасул Азизий, Рожий Марғилоний каби илғор зиёлилар томонидан асос солинган янгича маърифатпарварлик йўналиши ва адабиёти эди. Бу зиёлилар рус илм-фани, тили ва маданиятини эгаллаш, шу орқали, биринчидан, ўзликни англашга ва тиклашга уриниш, иккинчидан, замона талабларига жавоб берадиган миллат авлодини етказиш йўлини тутдилар. Бу соҳада буюк омил

мактаб, матбуот, адабиёт эди. Матбуот йўқ эди. Мактаб ва адабиёт эса тамом эскирган эди. Мана шундай нозик шароит ва буюк орзу Комил ҳамда унинг бир қатор маслақдошларини машҳур миссионер Н.Остроумовнинг чор ҳукумати сиёсатини ўрнига қўйиб келаётган «Туркистон вилоятининг газети» билан ҳамкорлик қилишга мажбур этди» (56). Кўчирма чўзилиб кетди, узр, фикрдаги ички зиддиятни кўрсатиш учун шундай қилиш зарур. Эътибор берилса, бу ўринда жадид маърифатчиларига хос хусусиятларни маърифатпарварларга кўчириб қўйилаётгандек таассурот қолади. Асли, айна шу нуқтада маърифатпарварлар билан жадид маърифатчилари орасидаги фарқ кўзга ташланади. Зеро, «матбуот йўқ, мактаб ва адабиёт эса тамом эскирган» шароитда жадид маърифатчилари матбуотни бор қилиш, мактаб ва адабиётни янгилаш ҳаракатига киришганлар, салафлар эса машҳур миссионер Остроумов билан ҳамкорлик йўлини тутганлар. Шунақа экан, «буюк орзу» ҳақидаги гаплар ҳам шубҳа остига тушиб қолмайдими?! Комилнинг «янгича маърифатпарварлик йўналишидаги» асарларига мисол тариқасида дарсликда «Икки шўх» ғазали тўлиқ келтирилган. Ғазал, дарсликда айтилишича, ўша Остроумовнинг икки қизи фортепьяно жўрлигида ижро этган ҳароратли бал рақси томошасидан олинган завқ натижаси. Қизиғи – «... байтда фортепьяно иборасининг ишлатилиши, Европа турмуш тарзига хос рақснинг бунчалар маҳорат билан тасвирланиши Комил шеърияти учунгина эмас, балки бутун кўп асрлик шарқ шеърияти учун янгилик эди» дейилгани. Гарчи ғазал новаторона асар сифатида тақдим этилса-да, агар «фортепьяно» сўзининг ишлатилганини айтмасак, мумтоз шеъриятда кўплаб учровчи гўзал васфига бағишланган шеърлардан фарқ қилмайди. Боз устига, унда «Европа рақси тасвирланган» эмас, эҳтимол, тасаввурга зўр берилсагина ҳайрат тўла васфлар ортида рақс борлигини ҳис қилиш мумкин ҳамдир. Буни ҳам майли, мумтоз шеърият анъанасидаги тавсифий ғазал экан, васф объектининг ўзгаргани, дейлик, рақсни европалик хонимлар ижро этаётгани учунгина шеър новаторона бўлиб қоладими?! Хуллас, бунда янгиликдан кўра шундай дея тақдим этиш истаги борлиги ҳақиқатга яқинроқ кўринади.

Агар янгича маърифатпарварлик шу бўлса, демак, унинг моҳияти Русия илм-фани, техникаси, рус маданияти ва турмуш тарзини тарғиб этиш экан-да?! Тўғри, қолоқликда қолган Туркистон учун Ғарбнинг ютуқларидан мақбулларини ўзлаштириш ғоят муҳим эди, шу жиҳатдан қаралса, «коляска аробадан яхши», «танчаю ўчоқдан кўра печка қулай» мазмунидаги шеърлар ҳам маърифатпарварлик миссиясини ўтагани шубҳасиз. Бироқ миссионер Остроумов дил тубида ардоқлаган «Туркистонни руслаштириш» орзусига етиш воситаси ҳам шу – рус маданияти ва турмуш тарзини тарғиб этиш эмасмиди?! Шундай, Остроумовлар ўз

газеталарида «Гимназия», «Виставка хусусида», «Нағма базми хусусида» каби шеърлар чоп этилишидан манфаатдор эдилар. Зеро, уларнинг муаллифи, дарсликда айтилганидек, «дастлаб рус илм-фанига, Европага мўъжизадай боқди. Рус зиёлиларининг Туркистондаги вакилларига халоскордек қаради. Буларнинг орқасида ўз устунликларини намойиш қилиш ва у орқали забт этилган юртни иқтисодий ва маънавий асоратда сақлаш мақсади ётганлигини бирданига англаб етмади. Бу мумкин ҳам эмасди. Бироқ юрт фожиалари, тақдирнинг беаёв зарбалари аста-секинлик билан бўлса-да, Русиянинг Туркистондаги сиёсатининг асл моҳиятини англади» (31). Қизиги, сал кейинроқ дарсликда бунга зид фикр баён қилинади: «Табиийки, Н.Остроумов Фурқатнинг шеърларини ўзи муҳаррирлик қилган газетада эълон қилишдан рус давлатининг қудратини тарғиб этиш мақсадини кўзлаган. Фурқат эса тамомила бошқа ниятда бўлган: шоирнинг «Ўз нафъимиз учун Русия умурига мулоҳаза қилсоқ лозимдур» деган фикри бунга далил. Демак, у Европа ва рус маданиятини ўз фойдамызга хизмат қилдиришимиз зарур, деган хулосага келди. Мазкур асарларни шу мақсадда ёзди» (116). Кўриб турганимиздек, кейинги кўчирмада Фурқат манзумалари аниқ бир мақсад билан ёзилган деган фикр ўтказилмоқда. Бироқ, бизнингча, бундай ҳукм-хулоса учун асос етарли эмас. Негаки, биринчидан, то ўттизида Тошкентга келгунига қадар ижодида бундай мотивлар бўлмаган; иккинчидан, иқтидорли шоирга Остроумовнинг қизиқиб қолишию уни рус маданияти билан таништиришга ғайрат қилиши бежиз эмас: миссионерлик фаолияти тақозоси билан инсон психологиясини жуда яхши билган бу устакор завқи баланд шоирни ҳайратлантириб, оҳорли таассуротларини газетасида эълон қилиш пайида бўлгани ҳақиқатга яқинроқ. Шу боис ҳам манзумаларни ўқиганда, уларда ҳайрат ва қойил қолиш ҳисси бошқа ҳар нени босиб кетишига амин бўламиз. Яъни, айтмоқчимизки, бу ўринда юкорида келтирилган биринчи кўчирмадаги талқин, шоирнинг «рус илм-фанига, Европага мўъжизадай боққани», ўзи таниган рус зиёлиларига «халоскордек қарагани» тўғрироқ, моҳиятни англаш учун эса муайян вақт, шу вақт ичида орттирилган ҳаётий тажриба зарур.

Фикримизча, худди шу гапни умуман маърифатпарварлик адабиётига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Зеро, маърифатпарварлик адабиёти ҳам аввалига нисбатан илғорда бўлган рус илм-фани, техникаси, маданияти, таълим тизими... кабиларга ҳавасланди, ўз юртида ҳам шундай бўлишини орзу қилди. Айни чоғда, бу адабиёт вакиллари рус истилосининг бевосита шоҳидлари экани, кўнгилларидаги мағлубият алами ҳали оҳорли бўлганини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Бироқ аламлари нечоғлик кучли бўлмасин, фикрли кишилар сифатида мағлубият сабабларини мушоҳада қилиш ва, афсуски, бу-

нинг боиси ўзимизнинг қолақлигимизда эканини тан олиб, мавжуд ҳолатга кўниб яшашга мажбур эдилар. Мазкур шароитда рус истилоси билан юртга кириб келган мақбул янгиликларни маъқуллашнинг ўзи прогрессив ҳодиса эдики, бу янгиликлар уларда юртнинг қолақлик домидан чиқишига умид уйғотганди. Табиийки, маърифатпарварлар юртимизнинг Русия қудрати қаршисида ожизлигини тегран англаганлар, мавжуд шароитда орзулари фақат унинг қўл остидагина рўёбга чиқиши мумкин деб билганлар. Уларнинг, масалан, Дукчи эшон кўзғолонига нисбатан тутган мақелари ҳам шу билан изоҳланади. Хуллас, мустамлака сиёсатининг чин моҳияти унинг юртимиз истиқболи учун беҳайрлиги, чинакам тараққий туб ислохотлар орқали воқе бўлишию бу мақсад йўлида маърифатга таяниб ҳаракат қилиш заруратининг англаниши учун бир йигит умри – қирқ йиллар атрофида вақт сарфланди. Яъни, айтмоқчимизки, маърифатпарварлик адабиётини «миллий уйғониш» ҳодисаси дея талқин қилишда зўракилик бор. Сирасини айтганда, дарслик муаллифлари ҳам буни ҳис қилган, аниқроғи, ўзлари сезиб ё сезмасдан эътироф этиб қўйганлар. Хусусан, атама маъноси ҳақида дарсликда: «Ўзбек адабиётида «миллат» тушунчаси этнос маъносида Навоидан бошлаб ишлатилгани кузатилади. Лекин унинг бугунги маъносини касб этиши жади́дчилик даври билан боғлиқ»(5), – дейилиши шундай хулосага асос беради. Зеро, агар миллат тушунчасининг «бугунги маъносини касб этиши жади́дчилик даври билан боғлиқ» экан, XIX асрнинг иккинчи ярмини «миллий уйғониш даври» деб аташ ҳам, бу даврдаги маърифатпарварлик адабиётини «миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг илк босқичи» санаш ҳам мантиққа хилофдир. Ахир, бундай десак, «Русия истилоси туфайли ўзимизни миллат сифатида англай бошладик дегандай эшитилмайдими?! Ё худди яқин ўтмишда «Аврора» крейсери тўпларининг садоси пролетариатни асрий уйқудан уйғотди» дея ўқтирилгани каби «рус замбараклари садоси Туркистон халқларини уйғотди» дейишимиз қолдимиз энди?! Миллий ғурур оғринади-да...

Юқоридагиларни хулосалаб айтиш мумкинки, маърифатпарварлик адабиёти биз юқорида «Ўзбек мумтоз адабиёти» деб номлаган адабий даврнинг охириги босқичи, шунга кўра «Янги ўзбек адабиёти» даври XX аср тонгидан, жади́д адабиёти билан бошланади. Маълумки, адабиёт тарихи – узлуксиз жараён, демакки, ҳар бир янги босқичга хос хусусиятлар ўзидан аввалги босқичда ниш урган ёки куртак ҳолида мавжуд бўлади. Яъни янги ўзбек адабиётига хос айрим жиҳатларнинг маърифатпарварлик адабиётида юз кўрсатгани ҳам табиий ва қонуний ҳолдир. Демак, бир адабий даврнинг охириги ва иккинчи адабий даврнинг

илк босқичини «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» номи остида бирлаштириш илмий жиҳатдан асосли эмас. Боз устига, даврлаштириш масаласига бундай ёндашув чалкашликлар келтириб чиқарадики, буни бакалаврият босқичи адабиёт дастурлари мисолида кўриш мумкин.

«Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» ва «Янги ўзбек адабиёти» фанларидан намунавий ўқув дастурлари ЎзМУ мутахассислик кафедраларида ишлаб чиқилган, 2006 йилда тегишли тартибда тасдиқланиб, мамлакат олий ўқув юртларидаги филология (ўзбек филологияси) таълим йўналишлари ўқув жараёнига татбиқ этилган.

«Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» фанидан дастурда бу давр адабиёти «**уч босқичга бўлиб ўрганилади: илк босқич (1865 – 1905), жадидчилик даври (1905 – 1917), ижтимоий-сиёсий ҳамда мафкуравий курашлар даври (1917 – 1929)**» дейилган. «Янги ўзбек адабиёти» фанидан дастурда эса янги ўзбек адабиёти тараққиётининг бешта асосий босқичи кўрсатилиб, дастлабки икки босқич қуйдагича тавсифланган:

### **МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ЁКИ ЖАДИД АДАБИЁТИ**

Бу босқич XX аср бошларидан 1916 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиши. Унда жадидизм гоъларининг устунлиги. Бу даврда нодир бадий кашфиётлар вужудга келмаганлиги.

### **ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА РЕАЛИЗМ БОСҚИЧИ**

Бу давр 1916 йилдан 1932 йилгача давом этиши. Реализм ҳақида маълумот. Реализмнинг ўзбек адабиётидаги дастлабки намуналари.

Авалло, адабиётимиз тарихидаги битта босқичнинг иккита ўқув фани доирасида ўрганилиш тўғри эмас, бу ўринсиз такрор. Иккинчидан, давр адабиёти босқичларининг номланиши ва хронологик чегаралари турлича, бу эса ўқитиш ишларида ноқулай бўлиш билан бирга талабаларни чалғитади. Худди шундай ҳол алоҳида ижодкорлар ҳаёти ва ижодини ўрганишда ҳам кузатилади. Хусусан, иккала дастурда ҳам Фитрат, А.Қодирий ва Чўлпон ижодини ўрганиш кўзда тутилганки, бу ҳам ўринсиз такрордир. Қиёсланг:

«Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» фани дастурида:

«**Чўлпон (1897 – 1938)**. Таржимаи ҳоли. Жадидчилик ва Чўлпон шеърляти. Шоирнинг ўзбек шеър тизимидаги ислохотлари. Ҳикоялари. Драмалари. «Кеча ва кундуз» романи. Романнинг ўзбек реалистик насли шаклланиши ва тараққиётидаги аҳамияти».

«Янги ўзбек адабиёти» фани дастурида:

«**Чўлпон ЛИРИКАСИ**. Адиб биографияси ва илк ҳикоялари. Чўлпоннинг XX аср 20-йиллар шеърляти. Унинг 30-йиллар лирикасида мурасозлик оҳанглари».

Ўйлайманки, битта ижодкор фаолиятининг иккита ўқув фани доирасида «бўлиб» (ё «бўлишиб» десам тўғри бўладими?) ўрганилиши ҳам на илмий, на методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини асослаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Афсусланарли томони шуки, ушбу дастурлар битта факультет қошидаги иккита кафедрада ишлаб чиқилган. Наҳотки, бутун мамлакат миқёсида татбиқ этилувчи дастурларни бир-галикда атрофлича муҳокама қилиш мумкин бўлмаса?! Мумкин, албатта. Бироқ гап шундаки, иккала кафедранинг даврлаштириш масаласида тутган илмий мавқеи фарқли. Демак, ҳамма иллат баҳсли муаммони бир томонга ҳал қилмасдан турибоқ ўқув режаларига ўзгаришлар киритилганидан келиб чиқар экан. Ҳолбуки, юқоридаги мулоҳазаларимиз «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» ўқув фанини киритишга зарурат йўқлигини, унинг бир қисмини «Ўзбек мумтоз адабиёти», бошқа қисмини «Янги ўзбек адабиёти» ўқув фанлари доирасида ўқитиш илмий ва методик жиҳатлардан тўғри бўлишини кўрсатади.

2012 йил

### **ЗАВҚИМДАН БИР ШИНГИЛ...**

Аҳмад Аъзамнинг ижодий изланишлари каминани ҳамиша, нима десам экан, ҳайратга солиб, аниқроғи, шошириб келган. Мундай қарасанг, ёзганлари оддий нарсалар-у, нимасидир биз кўниккан нарсаларга ўхшамайдигандек, онгимизда муқимлашган назарий қоидаларга кўпам мос келмайдигандек туюлаверади. Ҳозир, ёзувчининг «Ҳали ҳаёт бор» китобини ўқиб туриб, шу туйғу яна янгиланди...

...адашмасам, бу туйғу дастлаб «Одамнинг оласи» ҳикоясини ўқиш асноси пайдо бўлганди, шекилли. Сабаби, унда мазмун янгича эди: оддий бир одамнинг оддий бир куни, қаҳрамони ҳам ғалатироқми-ей... мақтайин десанг, биз мақтаб ўрганган қаҳрамонларнинг ҳақи кетиб қолади, ёмонлай десанг – бунинг. Ҳаммадан ҳам унинг ўша чоғлар биз асири бўлиб юрган севги ҳақида айтганлари: аввал хўп ғашингга тегади-ю, китобий-стереотип қарашларингни бирдан парчалаб юборганини сезмай қоласан... бир кулгинг, бир йиғлагинг келади. Ўйлаб қарасам, ўшанда Шерқўзининг гапларини беихтиёр «ўғил бўлиб» эшитганман, чоғи: «Ҳе, содда болам! Хотин деб ўлиб-тирилиб пул йиғасан, тушириб ҳам оласан. Тўйдан кейин уч-тўрт ҳафта, чилланг чиққунча яшинмачоқ ўйнаб, қувлашиб ҳам юрасан. Кейин... бошланади – рўзгорнинг униси кам, буниси кам. Бир вақт қарабсанки, севги дегани донга қўнган чумчуқдек пир-р этиб учиб кетибди...» Қизиқ, ҳозир «Одамнинг оласи»га бугуннинг назари билан қарай олмаяпман, ҳарчанд уринмай, ўттиз йил

наридаги таассурот босиб кетаётгандек... афсуски, ўша таассурот энди яхлит эмас, парчаланиб кетган – уни ўртоқлашиш имкондан ташқарида. Илож қанча, бошқача айтолмаганим боис «ёзувчининг маҳорати шундаки, ўқувчи тасвирланаётган воқеага бефарқ қарай олмайди, беихтиёр унинг иштирокчисига айланади» қабилдаги навбатчи, навбатчи бўлсам рост гаплар билан чекланаман, маъзур тутинг.

...ёдингиздадир, 80-йилларнинг охирларида кўп қатори Аҳмад Аъзам ҳам ғоят фаоллашди: «Бу куннинг давоми», «Асқартоғ томонларда», «Ўзим билан ўзим» – бари шунинг маҳсули. Шу ўринда муҳим бир нуқтани айрича таъкидламоқ керак: кўпчиликдан фарқли, ААъзамда публицистиклик эмас, таҳлилий нигоҳ кучайди ва у жамиятда мавжуд ҳолат моҳиятига қаратилди. Муҳими – турли ракурслардан: «Бу куннинг давоми»да ўқувчи исмсиз қаҳрамон – У(н)га четдан назар солди, «Асқартоғ томонларда»да воқеликни Маҳдининг нигоҳи орқали кузатди, ниҳоят, «Ўзим билан ўзим»да беихтиёр «мен» мавқеидан туриб қарай бошлади. Яъни ёзувчи гўё «том устига том босиб» боради: қаламга олинган ижтимоий дардга ўқувчини босқичма-босқич яқинлаштириб, ўзига сездирмайгина шахсий дардига айлантиради.

Балки, айтганларимдан «нуқтаи назар билан боғлиқ мазкур усуллар атайин, муайян мақсадни кўзлаб қўлланган, бу эса ёзувчининг маҳоратидан дарак» деган фикр келиб чиқар. Албатта, шундай дейишга асос етарли. Лекин мен буни маҳоратдан кўра бошқа нарсага – самимиятга йўйган бўлардим. Зеро, бу асарлар, улардаги образлар ёзувчи фикрларини ифодалаш учун иллюстрация эмас, йўқ, унинг учун шуларни яратиш жараёнининг ўзи – изланиш, моҳиятга яқинлашишдир. Айни шу нарса – ёзувчининг ижод онларидаги маънавий-руҳий изланишлари жараён сифатида акс эттирилади, натижада ўқувчи сабоқ олувчи эмас, балки изланишларнинг бевосита иштирокчисига айланади – икки ўртада ҳамфикрлик, ҳамдардлик асосидаги самимий мулоқот, кўнгил ошнолиги юзага келади. Дарвоқе, ушбу асарлар яратилган 80-йилларнинг адоғи фикр аҳли учун чинакам маънавий-руҳий изланишлар даври эди. Ҳаммасидан ҳам қандайдир беш-олти йил давомида тафаккуримизда юз берган ўзгаришлар шиддатини айтинг! Назаримда, А.Аъзам шу учала асарда ўзгаришлар шиддати ва моҳиятини муҳрлаб қўйишга улгургандек:

биринчисида У «бундай яшаб бўлмайди» деган қарорга келади;

иккинчисида Маҳди «одам бир нарсани тубдан ўйлаб олса-ю, ҳеч нарсани ўзгартирмаса, яна шундай яшайверса... Йўқ, мумкин эмас» дея эртадан ҳаракат бошлашга чоғланади;

учинчисида эса ўзгаришни ўзидан бошлаган, «кўнглини худди уй кўтаргандек» саришта қилиб, «кўнглимнинг тубидан шунақа туйғула-



рим топилаётирки!.. Шунчалар бадавлат эканимни ўзим билмай, қашшоқ-бенаво юраверган эканман» дея хайрон турган, энди ўзини дунёни кўнглига мувофиқ ўзгартиришга қодир ҳис қилаётган одамни кўрамиз... Эҳтимол, жоиз эмас кўринар, шундай бўлса ҳам айтгим келди: мазкур фикрлар А.Аъзам асарлари эълон қилиниши билан пешма-пеш ўқилганда туғилган. Ўшанда «Бу кун... ва унинг давоми» номли бир мақола ёзган ва унда учала асарда аслида бир одамнинг ижтимоий тафаккурда шиддатли ўзгаришлар кечган қисқа бир даврдаги маънавий-руҳий тадрижи кузатилган, деган фикрни ўтказишга ҳаракат қилгандим. У пайт таассуротларим ҳали оҳорли бўлганига ё қаҳрамонларнинг маънавий-руҳий изланишлари кўнглимга ёт эмаслиги билан, ҳар туғул, наздимда дурустгина мақола чиққан ва юқоридаги фикр етарли асослангандек эди. Лекин таҳририятлар фикри ўзгачароқ бўлди, чоғи, умид билан жўнатган қўлёмалар бедарак кетди, аксига олиб, ўзимда нусхаси сақланмаган... «Йўқолган пичоқнинг сопи олтин» дейдилар, шунданми, ўша мақолам ҳануз жуда бўлакча ёзилгандек туюлаверади-да...)

...энди оҳорли таассуротларга келсак. «Ҳали ҳаёт бор» қиссасини ўқиркан беихтиёр Гоголнинг «Ревизор»и ёдга келади. Унда ҳам ҳамма гап битта воқеа – нашриётнинг оддий бир ходими Аъламнинг марказкўмдан йўқланиши атрофида айланади. Шу биргина воқеа ва ўша воқеага нашриёт ходимларининг муносабати... «Ахир, қисса дегани бундай бўлмасди-да! – беихтиёр назарий бисотимни титкилай бошлайман. – Қиссада бир-бирига боғлиқ воқеалар занжирдек тизилгучи... бу воқеаларнинг бари асосий қаҳрамон билан боғлиқ... улар ўша қаҳрамон характери очиқ беришга хизмат қилгучи... яъни қиссадаги воқеалар восита, пировард мақсад қаҳрамон бўлгучи эди...» Хуллас, назарий қоидалардан келиб чиқсак, бу қисса эмасдек. Лекин... маза қилиб ўқиганимни ҳам инкор қилолмайсан-да, одам! Э-э, шу, адабиётшунос деган номинг бор, ўрганиб қоларкан, маза қилиб ўқиганимни бир ён суриб, йўл излайверасан экан: ҳикоями, қиссами?.. Яна, ҳақиқатдан узокроқ бўлсаям эҳтимоли йўқ эмас, эртами-индин «қисса дегани мундоқ бўлур...» дея ҳижжалаб тушунтирганимда, бирон талабанинг «фалон қисса-чи?» деб қолиши ҳам бор...

(Фаҳмлагандирсиз, ҳануз танқидий асарни кенг омма ўқийди деб ўйлаб юрганымдан бўлса керак, буларни «олимона гаплар кимгаям керак, асар ҳақидаги гапингни айт-да қўймайсанми!» деган эътироз дафъига узрхоҳлик мақсадида айтаётирман.)

...ҳолат шундайки, жанрни белгилаб олиш чиндан ҳам зарур экан. Фикримча, «Ҳали ҳаёт бор» асари – қиссанинг насримиздаги янги бир кўриниши, унда ҳикоя ва драмага хос поэтик хусусиятлар уйғунлашгани ҳолда қисса проблематикаси етакчилик қилади. Ҳикоядаги каби унда



битта воқеа қаламга олинган, воқеа ўз ҳолича эстетик қиммат касб этади (яъни, қиссадан фарқ қилароқ, воқеа қаҳрамонга нисбатан восита эмас). Драмадаги каби унда битта воқеа – Аъламнинг марказқўмдан йўқланиши драматик конфликтли ҳолатни юзага келтиради: барча персонажларнинг хатти-ҳаракатлари шу билан боғлиқ, воқеанинг изчил ривожидан кўра у юзага келтирган ҳолат муҳимроқ. Яъни воқеанинг изчил ривожидан эмас, ҳолатнинг ички ривожидан устувор. Шунга кўра, сюжет эпизодлар – драмадаги каби алмашиб туривчи кўринишлардан таркиб топган. Ҳар бир кўринишда муайян персонажлар иштирок этади, уларнинг қиёфаси драматик ҳолат билан бевосита боғлиқ ҳолда очилиб боради. Тўғри, ушбу эпизодларни қаҳрамон – Аълам билан боғлиқ сюжет чизиги бирлаштиради. Бироқ, гарчи сюжет ўзагини ташкил қилса-да, Аълам чизиги ғоят ихчам: ҳовлисида кўмир ташиётганида хабарчи боради – ишга келиб нима гаплигини аниқлайди – ариза бериб ишдан кетади. Яъни асар структурасида бу чизиқнинг ёрдамчи функцияда экани атайин таъкидлангандек. Ҳолбуки, мабодо бадиий ният ижросида, муаллиф концепциясини ифодалашда шу чизиқ доминантлик қилганида, назарий қоидаларга тўла мувофиқ ҳикоя яратилган бўлур эди. Ният эса бошқа, яъни бутун бошли бир жамоа – жамиятнинг бир ҳалқаси қиёфасини, маънавий қиёфасини чизиш, худди шу нарса асарни ҳикоя жанри доирасидан чиқаради. Зеро, асар қаҳрамони Аълам деганимиз билан, у фақат структура нуқтаи назаридангина ушбу мавқени эгаллаган, концепция нуқтаи назаридан эса ЖАМОА қаҳрамон бўлиб чиқади. Айни шу жиҳатлар «Ҳали ҳаёт бор»ни қиссанинг ўзига хос янги бир кўриниши дейишимизга асос беради.

Аслида-ку, қисса асосида оддийгина воқеа ётади, ҳаётда бунга ўхшаш воқеаларга кўплаб дуч келинади ва кейинча шунчаки латифа мисоли эслаб кулиб юрилади. Дейлик, агар нашриёт раҳбарига сим қоққан Гулимоҳ Юлдузовна: «Камолов Аълам ҳали ҳам сизда ишляптими?» – деб сўраган маҳал столидаги бошқа телефон жиринглаб қолмаганида (шундай бўлиши мумкин ва табиий, ахир, балки унга ҳам юқоридан сим қоқишгандир, балки уйдан, балки бошқа – аҳамияти йўқ!), нашриёт ари уясидек тўзиб кетмаган, қиссада ўқиганимиз машмашалар ҳам йўқ эди. Мантиқан қараганда, Гулимоҳ Юлдузовна муддаосини айтмасдан «Кейин гаплашамиз!» дея гўшакни қўйган экан, бунчалик хавотирга ўрин бўлмаслиги керак эди. Бироқ қиссада тасвирланган муҳит (давр) шундайки, ундан доим ҳам мантиққа ростликни излаш бефойда. Зеро, бу муҳитда «юқори – ҳаммавақт ҳақ», у қуйидагиларни хоҳлаган кўйга солиши мумкин; қуйи «Ўйнашмагин арбоб билан...» нақлини дастуриламал билади, юқори қаршисида «қўл боғлаб» туриш одат, мутелик ҳамманинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боис ҳам нашриёт директори

учун йўқлов табиий ҳол эмас, шўрлик «бир иши бордир, сўрагандир, ҳали айтар» деб қўяқолишга ожиз, калтакнинг бир учи ўзига тегишидан хавотирда. Ажабланишга ҳеч ўрин йўқ: муте инсон ўзини ҳаммиша айбдор ҳис қилади (исталган вақтда айбдор қилиниши мумкин-да!), чунки у юқори қаршисида гўё онадан туғилгандек бир алфозда – иштонсиз, чўпдан ҳадик олиб яшашга мажбур. Шу жиҳатдан қаралса, директор ва озми-кўпми «масъул»лиги бор бошқа ходимларнинг ўзларини муҳофаза қилишга қаратилган (ва бизга нотабиий кўринган) ҳаракатлари улар учун табиий зарурат бўлиб чиқади. Демак, шу ҳолни келтириб чиқарган муҳитнинг ўзи норасо. Афсус, нашриёт (муҳит)да ҳамма шунга кўнган: бирлари кўнгангина эмас, мавжуд ҳолат ва ундаги ўз ўрнини сақлаб қолиш учун андишани бир четга суриб қўйиб жон-жаҳди билан тиришади; бошқа бирлари лоқайд томошабин бўлиб туради. Таъкидлаш жоиз, ёзувчи персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларини четдан туриб, гўё бетараф тасвирласа-да, уларнинг руҳияти ўқувчи кўз олдида шаффоф ҳолда намоён бўлади. Шу боис ҳам ёзувчининг айтиши шарт эмас, ўқувчи «бундай яшаш бўлмайди, бундай яшаш инсонлик шаънига нораво!» деган фикрни уқиб олаверади. Сираси, бу Аҳмад Аъзамга хос маҳорат қирраси... (Дарвоқе, биргина одам, кўнглида эркинлик туйғуси ўлмаган Аъламгина мавжуд аҳволга кўнмайди – ариза ёзиб ишдан кетади. Тўғри, бу қаҳрамонлик эмас, муҳими, ёзувчи ҳам буни қаҳрамонлик дея талқин қилиш фикридан йироқ. Зеро, ҳақиқатда бу ўзини инсон ўлароқ ҳис этган, тириклик маъноси тирикчиликкина эмаслигини англаган киши борки қилишга бурчли ҳаракатдир. Фикримча, қисса қаҳрамонининг орқа планда қолдирилиши ҳам шу фикрни таъкидлашга хизмат қилади) ... айтмасданоқ ифодалаш маҳорати.

«Қатағон йили» ҳикоясини ўқиб, «Аъламнинг ҳаракати қаҳрамонлик эмас» дея ҳукм чиқарганда бир оз шошмадиммикан деган андиша туғилади кишида. Ҳикояни ўқиркан, беихтиёр яқин ўтмишдаги «пахта кампания»лари эсга келади: қулф осилган идораю муассаса эшикларидидаги «ҳамма пахтада» ёзувлари... ёпилган бозорлар... тўхтатиб қўйилган автобус йўловчиларининг «йўл ҳақи» учун пахтазорга ёйилиши... шанба-бозор кунларидаги кўчаларни тўлдирган автобус карвонлари... – айтиб нима қилдик, булар кўпчиликнинг ёдида ҳали. Хуллас, 1982 йил ноябрь ойидаги зарбдор кунлардан бири, «Далаларда яккам-дуккам бирчигит қолган, совхоз октябрь оyi ўрталарида планни дўндириб бажарган-у, элу юрт ҳали-ҳамон шу бажариқни тўлдиролмай жонҳалак, бўл-ҳа-бўл ҳиқилдоққа келган». Асаблар таранг, бунинг устига кеч куз изғирини ачитиб турган бир пайт оиласи билан уйига – Тошкентга қайтиш учун улов пойлаб турган ҳикоячи билан милиционер ўртасидаги даҳанаки жанг қаламга олинган ҳикояда, шу холос.

Юқоридан «одамлар юрмасин кўчада» деган топшириқ берилган – ҳамма пахта ҳосили учун курашиши шарт! Яхши эслайсиз: шўро даврида «план»дан кейин «мажбурият» дегани бўларди. Ўшанда «мажбурият» деб юраверган эканмиз-у, сўзнинг моҳиятга нақадар мослигига эътибор қилмас эканмизми-ей?! Чинданам «мажбурият» дегани кўпроқ турли даражадаги «бюро» ва «штаб»лардаги дўқ-пўписалар, раису биргатларнинг зуғумлари, мелисанинг ҳайбати билан бажарилмасмиди?! Ё ҳар қадамда илинган қизил матодаги шиорлар, радио-телевидениедан янграган чорловлар шунчалар кучли... Ҳай, майли, бу бошқа масала. Хуллас, мелисага «одамларнинг кўчада эмас, далада бўлиши»ни таъминлаш юклатилган. Шўрлик қуюшқондан чиқилаётганини билади, лекин ўзига юклатилган вазифани сўзсиз бажаради: «Энди... ишимиз шу-да. Бажар, деса – бажарамиз. Топшириқ қаттиқ». Мундай қарасанг, мелиса юқорининг топшириғини оғишмай бажаради, пахта сиёсати ҳаммага тенг дея барчадан итоат талаб қилади, дағдағалари қўрққулик; одамлар ҳам унинг талабини бажараётгандек, айна чоғда, у билан сичқон-мушук ўйнаётган мисоли эвини қилиб тирикчилик юмушига ҳам уйнайдилар.

Сираси, Саид бово «эшонбовомизнинг уллари» билан кўришишга жаҳд қилмаганида, ўз навбатида, «таваррик одамнинг боласи» ҳам чолнинг гапига кулмай қўяқолса, олам гулистон эди – ҳаётнинг «сичқон-мушук» ўйинига монанд оқими давом этаверарди. Лекин бундай бўлмади: Саид бово ниятидан қайтмади, ҳикоячимиз эса кулиб юборди-да! Худди шу нуқтада мелиса йигитнинг битта қиёфаси кўз олдимизда мукамал суратланади:

### ***«Бу ерда мен рухсат берсам куласиз!»***

Кўрпачисизми, қаршимизда энди шунчаки бир милиция нозири эмас, балки нақ ҳокими мутлақ турибди: кўйиб берсанг «Мен рухсат берсам нафас оласан!» дейишдан ҳам тоймайдиган алпози бор. Шўро замони ҳақида гапира туриб «мустабид тузум-мустабид тузум» дея нолиймиз-у, асли тузум дегани шунчаки мавҳумот эканлигини кўпда ўйламаймиз. Ҳолбуки, мустабид тузум ҳам мен, сен ва у – биздан ташкил топади. Унда яшаган ҳар биримиз қай даражада муте бўлсак, шу даражада мустабид ҳам эдик, зеро, мутелик билан мустабидлик бир-бирини тақозо этувчи эгизак тушунчалардир. Қаранг, мелиса йигит марказий газета мухбири (яъни ўз тушунчасида юқорининг вакили) балан гаплашаётганини англаши биланоқ вужудидаги мустабид изсиз йўқолди: «Бошдан шуни айтмайсизми?» – дея ўзини оқлашга, узрхоҳлик қилишга ўтади. Ана энди унинг додини тингланг: «Мана, кечаги бозор, қор уриб турибди. Одамлар инсофинг борми, картишка-партишка олиб олайлик, бир

соатгина оч, деб чуввос ёпишишди менга. Қор-ку, эрталаб бўлса, шу ҳавода ким ҳам далага чиқарди, дебман. Майли, ярим соат муҳлат, бозорларингизни қилиб олинглар, лекин хафачилик йўқ дедим». Ҳа, мелиса йигит бир лаҳзагина ҳамқишлоқларига юқорининг вакили эканлигини унутиб муносабатда бўлди ва... балога қолди: «Одамлар энди дарвозадан кириб, савдони бошлаган эди, бабиллаб қора «Волга» кепқолди. Одамларга ҳеч нарса дегани йўқ. Менга қараб: «Онаини фалон сани! Санга шапка кийдирганни онасини!» деб ке-етди!..» Эндигина ҳаммани бир оғиз «рухсат» дейишига маҳтал қилиб турган мелиса йигитни бу қадар тўзатиб сўкаётган райком бува бўладилар. Ким билсин, бундан сал илгарироқ бошқа бирови, дейлик, пахта топшириш графиги бажарилмагани учун унинг-да онасини айбдор қилганми? Эҳтимоли асло йўқ эмас, зеро, мустабид тузумда «мушт кетди» қоидаси амал қилади: қуйи поғонадаги шўрлик аввал «Энангни қози...» дея аламини ютади, сўнг... ўзидан қуйидагига сочади. Эҳ-ҳе, қурғур алам сочган билан тугай қолсайкан, кўнглига тошдай чўкавергани ёмон. Мелиса йигитнинг алами ҳали янги, кўнгли ҳануз йиғлаб турибди, «Майли, шу одамларни деб сўкиш эшитаман», – дея ўзини овутмоққа ҳаракат қилади, лекин «биронтаси, эй инсон, сўксанг, ўзини сўк, онасида нима айб демагани ботиб кетади». Кейин ҳамқишлоқларидан гина қилишга ҳаққи йўқлигини ҳис қилиб, алами бир баҳя кўтарилади: «Э-э, бечораларга нима ҳам дейман, ҳаммамиз шундай». Қаранг, мелиса йигит хўрлик кўргач ўзини ҳамқишлоқлари билан битта қайиқда ҳис қилади, лекин кўнглида йилт этган исён учқунини дарҳол сўндириб, ўзини шу қисматга кўнишга чоғлайди: «Кетворай десам – иш бу, тирикчилик деган нарса бор. Ҳе, майли-да, биз бир кичкина одам, мелисаликни ҳам қилиш керак, барибир. Бетни қалин қилиб юрибмиз-да...» Мана, кўз олдимизда мелиса йигитнинг иккинчи қиёфаси ҳам суратланди: у ҳам бошқалар каби муте бир одам... (Боя «ҳар биримиз қай даражада муте бўлсак, шу даражада мустабид ҳам эдик» дегандим, шу фикрга яна қайтгим келди. Можаро муросага дўнгач, ҳикоячи «ҳалидан бери кўнглини босган бир ғашлик, ўжар бир гуноҳқорлик туйғуси» ҳақида сўзлайди, гувоҳномасини кўрсатганига уялиб кетганини айтади. Тўғри, ҳикоячи ўзини ҳимоя қилди, лекин бунга гувоҳномани кўрсатиб, мелиса йигитга унинг ўзи каби, яъни мустабидаларга хос муомала қилибгина эришди. Кўнглини нохуш кайфият чулғгани, уят ҳисси аслида шундан эмасми?!.) Энди юқоридаги андишага келсак, тан олақолай, «Аъламнинг ҳаракати қаҳрамонлик эмас» деганим хато: ўша шароитда ҳам ички эркинлигини сақлаб, инсонлик шаънини баланд тутиб яшашнинг ўзи қаҳрамонлик бўлмасдан нима, ахир?!.

Машғулотларда, сингадиган давраларда бир қарашда оддийгина

хаётий ҳолатда ҳикмат кўришу моҳиятига теран назар солган ҳолда унга бадий-фалсафий қиммат бағишлаш Аҳмад Аъзам ижодий манерасига хошлигини таъкидлаб келаман. Янги китобини ўқиб, бир жиҳат назаримдан четда қолиб келганини сезиб қолдим. Мен ёзувчи хаёлотли билан боғлиқ, чамаси, «Ўзим билан ўзим»да ниш берган ва кейинча иккита шох чиқариб ривожланган жиҳатни назарда тутаман. Бу шохларнинг бири – лириклик, яъни воқеликни тасвирлаш эмас, муносабат ифодалашнинг олдинги планга чиқиши... (Ҳа-я, «Ўзим билан ўзим» эълон қилинган пайтлар шапалоқдай бир нарса ёзиб, унинг лирик асар эканлигини исботлашга уринган, ўзимни янги гап айтолган санаб қувониб юрганам бор. У пайтлари рус адабиётидан дарс берганимга ё рус тилида ёзиш урф бўлганига, мақолани русча ёзиб, «Жанровое своеобразие поэмы А.Агзама «Наедине с самим собой» деб атабман. Номни қаранг! Давомини ёзмаса ҳам бўлаверадигандек эди-ёв...) Китобга новелла деб киритилган «Гул кўтариб кетаётган эркак»да худди шундай: унда эпик асарга хос воқеабандлик, баски, ҳикоячи йўқ, унда кўзи тушиб турган ҳолатни мушоҳада этаётган муаллиф – лирик субъект бор, яъни у моҳиятан лирик асар. Шохларнинг иккинчиси – хаёлда яралган воқеанинг қаламга олиниши: «Соясини йўқотган одам», «Нотўғри туш» ҳикояларида шундай. Албатта, улар шунчаки хаёлот маҳсули эмас, балки шу воқелик таъсирида, у ҳақдаги ўй-қарашларни, ЎЗни ифодалаш воситаси ўлароқ яратилгандир. Ўзи сезмагани ҳолда соясини йўқотиб қўйишу туш ичида туш кўришлар... – сағал модернистикроқ изланишлар иси келмаяптими?! (Хабарингиз бўлгандир, яқинда интернетда икки катта ижодкорнинг мунозараси кетиб, баҳс қизиғида «сизнинг авлодингиз нима қилиб қўйибди?» қабилдаги таналар ҳам ўртага чиқди. Камина томонларнинг бирини ёқлаш фикридан йироқман-у, лекин инсоф юзасидан биздаги модернистик изланишлар илк бор 70-йиллар авлоди, жумладан, Аҳмад Аъзам ижодида бўй кўрсатганини эътироф этиш лозим деб ўйлайман. Фақат, улар истиҳола қилишгани ва ё у пайтлар «модернист» дегани деярли тавқи лаънат бўлганига, ҳар тугул, ўзларини модернист деб аташмаган. Сираси, гап бунда ҳам эмас, гап бадий тафаккур ривожининг узлуксизлиги ва бу жараёнда ҳар бир авлоднинг ўз ўрни борлигида, яна бу ҳолнинг ихтиёримиздан ташқари мавжуд эканлигида...)

Аҳмад Аъзам янги китоби муқовасига «Кўп ишни қилиб кўрдим, турли юмушга қўл урдим. Лекин ҳеч бири ёзишга, ёзиш берадиган машаққатли завққа тенг келмайди...» деган изҳорини ёздириб қўйибди. Ҳақиқатан ҳам, китобга ёзувчи, назаримизда, адабий жараёндан бир оз четлашиб қолгандек, «турли юмушга қўл уриб» юрган вақтлари ёзилган асарлар киритилибди. Муаллиф «ёзиш берадиган завқ» ҳақида айтибди, илло,

Ўқиш берадиган завқ ҳам бундан кам эмас. Шуни ўйлаб, китобга кирган асарларнинг айримларига, шунда ҳам мухтасар тўхталдим – ўқиб оладиган завқингиз ўзингизники бўлсин, дедим-да.

2012 йил

## ЎЙЛАШГА УНДОВЧИ АСАР

«Мангу дарбадар»нинг жанрини муаллиф роман деб белгилабди. Эҳтимол, айти ҳол диди анъанавий романлар руҳида тарбият топган ўқувчида эътироз уйғотар ҳам. Ахир, бунда яхлит бир воқеа бўлмаса, кўп планли сюжет асосида воқеликнинг кенг эпик манзараси тасвирланмаган бўлса, марказида қаҳрамон турмаса... – нимаси роман?! Жаҳон адабиёти тажрибаларидан, хусусан, Ғарбда ярим асрлар илгари бошланган «янги роман» бобидаги изланишлардан озми-кўпми хабардор ўқувчида эътироз туғилмасаям керак. Зеро, «Мангу дарбадар»да анъанавий эпосга хос воқеабанд сюжет ўрнида сиртдан бир-бирига боғланмай турли макон ва замонда, гоҳ реаллик, гоҳи ҳаёлотда кечувчи воқеалар тасвирланган, марказида рисоладагидек қаҳрамон турмаган бўлса-да, уларни бир нарса – ҳаётнинг маъносию башарият тақдири ҳақида ўйга толган муаллиф шахси бирлаштиради, яхлит бутунликка – романга айлантиради...

Исажоннинг битиги анъанавий йўлда ёзилмагани ақлга тайин, лекин уни модернизм ё постмодернизмга тааллуқли этишга-да қийналади киши. Модернистик асар дейин деса, унда ҳам турфа услублар – кўҳна диний ривоятлардан тортиб ҳозирги «интернет тили»гача, ҳам турфа жанрлар – қадим диний дидактикадан тортиб урфдаги «боевик»кача... қуроқ-қоришиқ бир бутунлик касб этаётибди. Ҳай, постмодернистик асар деб қўя қолай деса, муаллиф оламу одам ҳақидаги ўй-ташвишларини ифода этмоқ учун бадиий модель – постмодернистлар инкор қилган метаривоят яратиб қўйибди... Ҳолатдан чиқишга уриниш деманг-у, назаримда, Исажон ўзи билган биздагию хориждаги ижодий тажрибаларнинг барини ичдан ўтказибди – бугун ўзини қийнаб турган муаммоларнинг бадиий идрокю ифодаси учун мақбул шакл излабди, изланишлари синтезга олиб келибди.

Дарвоқе, ғарбда урф бўлган «изм»лар маънавиятимиз учун зарарли дегувчиларнинг ташвишлари, албатта, асоссиз эмас. Марғуб томони шуки, Исажон ўша «изм»лардан мақбул шаклни олгани ҳолда ўзи миллий заминда собит турибди. Жилла курса, бир жиҳатни олайлик: постмодерн кайфият дегани миллатлару миллий маданиятлар қоришувини кўзда тутуди, шундай заминдан униб чиқади. Ёзувчимиз эса бу

руҳ-кайфиятни бутун вужуди билан инкор қилади, профессор Зиёнинг ўгли каби «ўзи севган, амалларидан Ўзи рози бўладиган халқ орасида» яралганига шукрона келтиради, рўзи маҳшарда «ўз жонажон тупроғида, ўз жонажон миллати билан бирга бўлишни орзу қилади»; Ватанни «иймонининг кўрғони» деб билади, «дилининг илдизлари шу ер ости булоқларига боғлаб қўйилгандай, узилса қурийдигандек» ҳис қилади ўзини. Ҳа, асл ижод, агар у миллий-маданий заминда воқе бўлса, асло кўр-кўрона тақлид бўлмайти. Зеро, ижодий синтез дегани бир жиҳатдан алхимияга монанд: кимёгар турли моддаларни қориштириб сар олтин олишга интиларкан, сингишмаган моддалар чўкинди бўлиб шишада қолаверади.

Ёзувчи ҳаётнинг маъносию башарият тақдири ҳақида ўйга толган, дедик. Ахир, инсон ҳаётидан маъни излаш сўнги икки аср мобайнида адабиётнинг марказий муаммосига айланмадими? Ҳа, ҳатто модернизмнинг айрим оқимлари инсон ҳаётини ҳар қандай маънидан айро тушади деб даъво қилди ҳам, озми-кўпми шу кайфиятга тушдик ҳам. Хайриятки, ислом нури билан ёришган диллар бу кайфиятни ўзига сиғдирилмади, сиғдирмади. Жумладан, Исажон ҳам. Ёзувчи муаммонинг илдизига назар солади ва кўрадики, Яратганидан узоқлашиши баробари инсон ҳаётининг мазмуни йўқолиб бораётганини теранроқ ҳис қилган, бу ҳис муттасил кучайиб борган. Ва бу ниҳоясиз жараён. Шунинг учун ҳам романда яралмиш – инсон «тангрининг иродасига исён ўлароқ» яратган энг олий мавжудот – клон ҳам оламнинг нечоғлик мукамал яратилганини идрок этгач, «мазкур силсила аро ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади». Аммо, ҳайҳот... топмайди, тополмайди.

Шу боис ҳам дунёларга сиғмайди, оламини бунчалар мукамал яратган Зотни «излаб топиш ва бутун олам яратилишининг сабабларини Ўзидан сўраш учун» бош олиб чиқиб кетади. У кўзлаган манзил белгили: излагани – «Унинг иродасига ва менинг яратилишимдан мақсадига мос... келадиган макон ва замон». Бироқ, ҳайҳот... у тушган йўл қаён элтади, кўзлаган манзилига етадими ва ё ўша мангу дарабадарга қисматдош бўлиб қоладими?.. Ким билади, «бутун олам илгарилаб бораётган турли-туман йўллар»нинг қай бири ҳақ йўл? Собит ишонч билан «қисматимиз шу саҳрода яшаб Парвардигорга ибодат қилиш ва ажалимиз етганида жонимизни Ўзига топширишдир» дея кундалик юмушларига машғул бадавийларми? Ё ёруғ оламга этак силкиб, бутун борлиғи – қалбию ақли билан Яратганга юзланган авлиёнинг йўлими?..

Асарда саволлар қўйилган, жавоб эса имкондан ташқарида, зеро, учинчи парвона мисоли «аланга ичига кириб оташ ичра ғойиб бўлган»-гина БИЛАДИ ва... ўзи «эришган билим ҳақида гапира олиш имкониятидан маҳрум бўлади»...

Аслида, профессор Зиёнинг ўгли айтмоқчи, «теварагимиз румузларга ва тимсолларга тўладир». Ва шу румузу тимсоллар «ақл қулоғига баланд овоз билан хитоб қилиб турибди». Бироқ биз, биз эшитяпмизми шу хитобларни?! Мабодо, довонга кўтарилган сари қулоқлар битгани каби, башарият сафида юксалишимиз баробари «ақл қулоғи»миз ҳам битиб бормаяптими?!.

Қадимгилар адабиётни табиатга тақлид деганлар. Чамаси, Исажонга ҳам шу йўлдан бориш маъқул кўринибди – романни румузу тимсолларга тўлдирибди. Бу рамзу тимсоллар тафаккуримизга қаратилган – фикр билан уларни чақишимиз тафаккуримизни чарҳлашига имоним комил. Асарни ўқиганда бир-биридан мураккаб саволлар кетма-кет қалқиб чиқаверса ҳам, эҳтимол. Лекин улар ичида энг муҳими, бугунги тараққий даражасию эртанги имконлари уфқининг чамасидан масруру мағрур турган XXI аср кишиси учун энг жўн ва энг мураккаби мана булардир, балки:

**«Мен кимман?»**

**«Отим нима?»**

2010

### **«ИЛК АВВАЛ КЎЗИМНИ ИШҚ БИЛАН ОЧДИМ...»**

Сарлавҳага чиқарилган Чўлпон мисрасида «Анодин қай куни туғдим, сенинг ишқинг билан ёндим» дея фиғон чеккан хижронзада Машраб, умуман, Ҳақ ишқини куйлаб ўтган салафлар аънанасининг таъсири йўқ эмас. Бироқ мудом «кўнгли янгилик қидириб» яшаган Чўлпон салафлари фаол қўллаган «ишқ», «ошиқ», «ёр» образларига янгича маъно юклади: унинг талқинида «ёр» юрт озодлиги-ю, «ошиқ» эрка ташна кўнгилдир...

\*\*\*

Шоир-да, озроқ муболаға қилмаса бўлмайди, дерсиз?! Йўқ, унинг «илк аввал кўзимни ишқ билан очдим» дейиши муболаға эмас. Зеро, танглайи миллат дарди билан кўтарилган, Тараққий ва Истиқлол ишқи вужудига сут билан киргану юрак қонига айланган унинг. Муболағанинг дафъига муболаға келтиряпти, деманг, асли ўзи шундай...

...1913 йилда Русия жадидлари раҳнамоси, «Таржимон» муҳаррири Исмоилбей Ғаспрати номига Туркистоннинг уезд шахарларидан бирида яшаб турган ўн олти ёшли йигитчадан мактуб боради. Унда, жумладан, бундай дейилади: «Анджоннинг баъзи буюқлари менга дерлар: «Сен «Шалола», «Турк юрди», «Шаҳбал», «Таржимон», «Вақт» ва «Иқбол» ўқийсан, на учун Мирзо Бедил ва Хўжа Ҳофизларни ўқимайсан?



Бу саволга жавоб беришга ожиз қолдим. Агар жавоб бор бўлса, «Таржимон»да чоп этилишини қайта-қайта илтимос қиламан. Агар жавоб йўқ бўлса, бу «янги адабиёт»ни сувга, оташга отиб, бор вақтимни Мирзо Бедил ва Хўжа Ҳофизлар мутолааси билан ўтказайин». Бу – ўсмир ёшидаёқ жадид нашрлари билан яхшигина танишиб, улардаги ғояларни руҳига сингдирган, атрофидагилар уларнинг аҳамиятини англамаётгани, қабул қилолмаётгани, қарши турганларидан юраги зада Чўлпоннинг устоздан маънавий кўмак сўраб битган илтижоси. Мактуб оҳангидан сезиладики, муаллиф қайси йўлдан бориш масаласини ўзи учун ҳал этиб бўлган, фақат йўл бошида турган чоғи дилидаги иккиланишлар, шубҳа-гумонларни енгил учун кичик бир далда, рағбат кутяпти, холос...

...ўзига тўқ савдогарнинг ёлғиз ўғли, таҳликали йўлга кириш ўрнига отасининг топганини еб ётса ёки бирини ўн қилай деб астойдил бел боғласа бўлмасмиди?! Йўқ, бўлмас эди. Чунки мурғак дилига инган ишқ қаршисида «Дунёга нега келдинг? Яшашдан муддаоинг не?» тарзидаги саволларни кўндаланг қилиб қўйган эди. Ўсмир ёшидаёқ бу қадар мураккаб саволларга жавоб излашга жазм этгани, тақдим этилган йўллар ичидан ўзига тақдир этилгани – тирикчилик эмас, ТИРИКЛИК йўлини танлагани...

Бу-да бир ўрнат.

\*\*\*

...қалблар туташ бўлса, мулоқот учун масофа аҳамиятсиз. Исмоилбей Боқчасаройда туриб ғойибона шогирдининг ҳолини фаҳм этди. Тасодифми ё савқи табиийси билан мактуб эгасининг КИМлигини ҳис этганми, ҳар тугул, Андижондан «олганимиз ажойиб бир мактуб чоп этиш ва диққатга лойиқдир. Соҳиби мактуб биздан анча гўзал сўйлаганидан ёзганларини айнан келтирамиз» дея мактубни «Таржимон»да эълон қилади. Устоз жавобда «янги адабиёт»ни сувга, оташга отаман» дея пўписа қилган шогирдни бир оз койигач, Бедилу Ҳофизлар мутолааси ҳам зарур, айни чоғда, замона аҳволдан огоҳ бўлиш учун «янги адабиёт»ни ўқиш кераклигини уқтиради. Исмоилбейнинг жавоби, адабиётнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари Чўлпон муҳтожлик сезган далда бўлди, энди у ўйлаганлари, танлаган йўлининг тўғрилигига қаноат ҳосил қилди. Ярим йил мўлроқ ўтгач эълон қилинган «Адабиёт надир?» номли мақоласида у миллат тараққийси учун адабиётнинг нечоғлик муҳимлиги, бунинг учун адабиёт масъуллигини имкони қадар асослади, «Адабиёт яшаса миллат яшар» деган хулосага келди. Бу ёш Чўлпоннинг англаган ижодий кредоси, ижоддаги дастуриламали бўлиб қолдики, илк қадамлариданоқ уни амалга оширишга киришди: «Қурбони жаҳолат»да юртининг забун ҳолатини Эшмурод кўзи билан кўриб эзилди, Муҳам-

мадиёрга қўшилиб бу ҳолнинг сабабларини қидирди, ундан чиқиш йўларини мушоҳада қилди. Публицистик чиқишларида «бутун дунёда манбатликнинг (ҳосилдорлик – Д.Қ.) биринчиси Амриқо бўлса, бизнинг Туркистон ҳам иккинчи»-ю, нега халқимиз ночор кун кечиради тарзидаги куннинг ўта муҳим муаммоларини ўртага ташлади, куюнчаклик билан ечим излади. Чўлпоннинг беҳато баҳолаш мезони – Тараққий, у мавжуд ҳолатни ватанининг эртаси, тараққийси нуқтаи назаридан баҳолайди, шунга мос муносабатда бўлади. У юртининг таназзулига боис ҳолларни кўриб қанча эзилса, истиқболи учун хайрли ҳолларни кўриб шунча қувонади. Мана уни қувонтирган ҳоллардан бири: Андижон станцияси курилишини «шундоғ катта муассасаларнинг фойдасини овруполилар кўруб, уларнинг қўлига ўтиб кетаётганига ичлари ачишган» маҳаллий ишбилармонлардан бири пудратчи сифатида олган. Чўлпон ақл ва тадбир билан иш юритадиган, ўз фойдаси билан бирга миллат манфатини ҳам кўзлайдиган ишбилармонларнинг кўпайиши юртини обод, озод ва маъмур қилишига ишонади. Мақола якунидаги даъват ана шу ишончга йўғрилган: «Абдулла афандидек намуна кўрсатғучи фидокор савдогарларимиздан ибрат олуб, ватанимизнинг бойлигини, тижоратимизнинг фойдаларини четлар чўнтагига солмасдан ва бермасдан, ўз чўнтакимизда олиб юрмакимиз керақдур. Бизга шундоғ ишларга киришмоқға вақт!.. Биз ҳам инсонмиз, инсондек яшайлук!..» Ахир, бу гаплар мустамлакачиликнинг жон жойига урмайдими?! Журъатни қаранг...

...ўн етти ёш – имкониятларинг беадад, қўл чўзсанг сервиқор чўққиларга ҳам етгудай, журъат одатий ҳол бўлиб туюладиган фасл. Бу паллада лоақал бир бор хаёлан оламни лол қилишга чоғланмаган ким бор?! Ёш Чўлпонга ҳам, табиий, бу нарса ёт эмасди, бироқ у бутун иқтидорини миллат тараққийси мақсадига бўйсундирди. Шунчаки, ёзувчи деган ном олиш, кўнгил ушлиги, нон ёки шон топиш учун қалам тебратмади... Бу-да бир ўрناق.

\*\*\*

...Чўлпон ўз йўлини англаган тарзда танлади, уни ўзининг қисмати билиб, собит қадам қўйди:

*Узоқ... оғир йўлга чиққан йўлчимен,  
Бу йўлларда қилоғузим юлдуздир.*

Дарҳақиқат, йўл узоқ ва машаққатли; кўзланган мақсад – Юлдуз, у гоҳ булутлар ортида кўринмай қолади, гоҳ ожиз милтираса, гоҳ чарақлаб кўзни қамаштиради. Бу йўлда бекатлар талай, фақат уларни икки турлигина аташ мумкин – УМИД ё УМИДСИЗЛИК. Умид бекатлари – 1917 йил февраль инқилоби, Бухоро жумҳуриятининг ташкил топиши,

«босмачилик» тамғасини олган миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши... Умидсизлик бекатлари – Қўқон мухториятининг қонга ботирилиши, Бухоро жумҳуриятининг тугатилиши, миллий озодлик ҳаракатининг ягона кучга бирлашолмай пароканда бўлиши...

Жони-жаҳонини тикиб, бутун вужуди билан Юлдузга талпинган йўлчининг Умидсизлик бекатларидаги руҳий ҳолатини тасаввур қила оласизми? Бир бекатдан иккинчисига муттасил кўчиб юриш уни неча бор ўлдириб-тиргизганини-чи? Умрининг баҳори – йигитлик даврининг беш-олти йили мобайнида рўй берган эврилишлар, улардан келувчи изтироблар неча-неча умрни хазон қилишга етарлидек кўринмайдими?! Шунда-да «бор-е, жоним сабилми» демаса, йўлидан қайтмаса, уни йўлида собит қилган нимакин?.. Чўлпон умидсизлик бекатларидан бирида, тушкунликнинг зўридан руҳи синаёзган паллада кўнглига хитоб этади:

*Кўнгил, сен бунчалар нега  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?..*

Шоир эътиқодига кўра, кўнглининг «кишанлар билан дўстлашмоғи» мумкин бўлмаган ҳол, унинг хурлиги дахлсиздир. Чўлпон ўзига хитобан: «Тириксен, ўлмагонсен, Сен-да одам, сен-да инсонсен», – дейди. Зеро, унинг наздида инсон шаъни жуда баланд, тирик одам борки кўнгил хурлигини сақламоғи лозим, фақат шугина уни ИНСОН деган юксак мақомда тутиб туради. Шу эътиқодда мустақийм экани уни эзгу йўлда собитқадам қилди...

... инсонлик шаънини юксак қўйгани, хур туғилган инсон хур бўлмоғи лозим, ҲҶРЛИК инсонликнинг жавҳари деб билгани...

Бу-да бир ўрнат.

\*\*\*

...кўксига муштлаб «ватаним, халқим» дегувчилар, минбарлардан жўшиб-ёндириб сўзлагувчилар, варақ-варақ шеър устидан битгувчилар ҳамиша етарли бўлган. Бироқ масала ўша ватан, ўша халқ учун недандир – ҳаловатдан, молдан ё жондан кечишга бориб тақалса, ғалвир сувдан кўтарилди, деяверинг... Чўлпон буларнинг баридан кеча олди. Зеро, у чинакам «ошиқ», «ёр»га етишдан ўзга муддаоси йўқ. Юрт озодлигини «ёр», унга интилувчини «ошиқ» деб билган шоир ёрга етишмоқ учун ошиқ дилининг бошқа ҳар недан фориғ бўлишини шарт қилиб қўяди. Бироқ, иложимиз қанча, манфаат деганлари ҳам бор нарса, биз кўпда назарга илавермайдиган, аммо ҳар қандай эзгу ниятни ғорат, унинг теғрасидаги ҳамжиҳатликни барбод қила оладиган кучдир у. Ахир, «босмачилик»нинг ягона кучга бирлашиб, кенг кўламли миллий озодлик

ҳаракатига айлана олмагани, Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари орасидаги келишмовчиликлару улардан ғанимларнинг усталик билан фойдаланиб қолганлари заминида шу нарса – манфаати шахсия ётмайдими?! Ўзини «юртимнинг пок истакли кучимен» дея фахр этган Чўлпон, афсуски, маслақдошларининг барида ҳам «пок истак»ни кўролмади, шунда қаламидан «Оқ деб, пок деб юрганларда дил бузуқ», «Англадим: севгида ҳар кўнгил бузуқ!» деган изтиробу аламга тўлиқ сатрлар тўкилди...

...сўзи билан амали, дилидаги билан тилидагининг бирлиги, ватан ва миллат манфаатини ўзиникидан чандон баланд кўёлгани, том маънодаги ФИДОЙИ эканлиги...

Бу-да бир ўрнат.

\*\*\*

...дарвоқе, Бухоро жумҳурияти. Чўлпоннинг унга боғлаган умидлари катта эди. Ҳукумат газетаси муҳаррири вазифасига таклиф этилгач, енг шимариб ишга киришди: Бухорода туриб Туркистон озодлиги учун курашни давом эттиришни кўзлади, уни бу курашдаги муҳим плацдарм деб билди, афсуски... Раҳбарлар орасидаги келишмовчиликлар ғанимларга қўл келгани айтилди. Натижада Бухоро жумҳурияти шўролар билан яқинлашди, сиёсий ҳаётда большевиклар таъсири устуворлик қила бошлади. Ўзи муҳаррирлик қилаётган газетанинг 1921 йил 3 ноябрь сониди эълон қилинган «Тарихдан» номли шеърда Чўлпон юз бераётган воқеаларга муносабатини ошкор этади:

*Қоронги кеч... Кўк юзида юлдузларми отилгон?  
Йўқса элнинг бахтимидир «кўланка»га сотилгон?*

Шоир наздида, жумҳурият ҳукумати олиб бораётган сиёсат «эл бахтини сотмоқ»дан ўзга эмас, шу туфайли ҳам бу ерга келганидан бери хаёл кўкида порлаган юлдузи сўнган, бунда ҳам «қоронги кеч» ҳукмронлиги бошланган. Худди шу ижтимоий-сиёсий шароитда Чўлпон касалхонага ётади ва шу кўйи газетадаги фаолиятини ҳам тўхтатадики, бунинг туб сабаблари шеърнинг якунида ўз ифодасини топади:

*Бу ярамас! – дея оғзим очилмасдан бир буйруқ:  
«Мундоғ аччиғ фигонларга бу ўлкада лузум йўқ!»  
Қоронги кеч... Кўк юзида юлдузларми отилгон?  
Йўқса, маним «оҳларим»ми бўғизимда тутилгон.*

Англаш мумкинки, Чўлпоннинг «Бухоро ахбори»дан кетишининг бош сабаби сўз эркинлигига тажовуз қилина бошлаганидир. Бундай сиқик шароитда газетага муҳаррир бўлишидан на истиқлол мақсадига ва на халқи учун бир наф кўрмаган шоир истеъфо берган...

...амал курсисини шунчаки эгаллаб туришни, виждонига хилоф-у юқорига мақбул иш олиб боришни ўзига эп кўрмагани, эзгу мақсадига бир одим бўлса-да яқинлаштирамай ўтган вақтини зое билгани, эркига тажовузни сингдира олмагани...

Бу-да бир ўртак.

\*\*\*

...1928 йилда ёзилган бир шеърда шоир ўзини зўр денгиз қўйнидаги сомон парчага ўхшатади, «Муҳит кучлик экан, эгдим бўйнимни... Оқишнинг йўлига солдим ўзимни», – дея эътироф этади. Унинг «бўйин эгиши» осон кечмаган, бунгача...

...энди ростмана оёққа туриб олган янги тузум Чўлпон тимсолида жон душманини кўриб янглишмади, зеро, шоирнинг кўз ёшларидан «чеклар униши» муқаррарлигини англади. Йўқ, ҳуррият дея майдонга чиққан «ўртоқлар» шоирнинг ҳазин тортган овозини бўғишни ўзларига эп кўришмади, сопини ўзидан чиқариб, бу ишни ўзлари етиштирган маҳаллий кадрларга қўйиб бердилар. Чўлпонни «кўк шоири», «зиёлилар шоири», ўтмишга юз бурган «йиғлоқи шоир» дея турткилашлар, сондан чиқаришга ҳаракатлар бошланди. Шоир қалб туғёнларини юртдошлари тушунмаётгани, тушунишни истамаётганидан эзилди, «мен кўк шоири эмасман» дея шеърлар битди, бўлмади... Начора, ўн-ўн беш йиллар аввал ёшларнинг барини бирдек ёндирган ғоялар энди ўз ўрнини бошқа – ҳали сароб эканлиги билинмаган янги ғояларга бўшатиб бераётган, саробга алданганлар ОЛОМОНга айланаётган палла эди бу. Шиддатли ўзгаришлар авлодлар алмашинувини ғоят тезлаштирган, «буюк амал»ига содиқ Чўлпон эса ҳамон бир оёғи билан ўтмишда – истиқлол учун кураш жабҳасида қолган эди...

...ўзлигини сақлаган ШАХС оломонга сиғмайди: Чўлпон «йўқсил халқ шоири эмас» дедилар, ижодини халқ учун зарарли деб топдилар, шу халқнинг «зиёли» вакиллари уни маданият ходимлари қурултойидан қувиб солдилар. Қурултой фатвосини олган танқидчиликнинг Чўлпонга хуружлари кучайгандан-кучайди, 30-йилларнинг ҳайбатли суд жараёнларида навбат унга келиб қолгани ишора қилинди... Хуллас, Чўлпон ночор бўйин эгди: Қурултой ҳайъатига «Эътироз» ёзиб, «тушунмаслик» орқасида йўл қўйган хатоларига, яъни шу эл, шу юрт қайғуси билан яшаганига тавба қилди, бутун куч-қувватини «хатоларни ишчи-деҳқон кўнглидан кетказиш»га сарфлашга ваъда берди. Қурултойдан кейин Чўлпон матбуотда кам кўринади, ўзи айтмоқчи, созини «бир неча йил қантариб» қўяди, чунки «кўнгли розини айтиб йиғламаган» шеърни шеърга санамайди. Фақат қаршисида «тузалаётгани»ни кўрсатиш мажбурияти турганидан, ора-чур шунга мос шеърларини эълон қилиб туриш билан чекланади...

...айни ижодий кучга тўлган Чўлпоннинг ўқувчисига айтари ҳали бис-ёр эди, у йўл излади: дардларини таржималари қатига жойлади, шеърлараридаги нозик ишоралар ёрдамида имкон қадар бўшанишга интилди. Бироқ шунинг ўзи уни қониқтиролмас эди. Зеро, масаланинг туб моҳиятига қарагани учун у мавжуд воқелик билан тўла келиша олмас, шорнинг тийран қалб кўзлари кундан-кун мустаҳкамланаётган тузумнинг кўпчиликка қоронғу чизгиларини илғар, бу чизгилар унга элининг саодатидан хайрли фол очишга йўл бермас эди. Чўлпонинг миллат қайғусида ўтказган салкам йигирма йиллик умри давомида кўрган-кечирганлари, изтиробли ўйлашларидан туғилган гаплари бўғзида қотиб турар, «айтсам ўлдирарлар, айтмасам ўлам» дейиладиган ҳолат юзага келганди. Шундай қалтис бир вазиятда у ўзининг «оққуш қўшиғи» – «Кеча» романига қўл урди ва... бошини кундага қўйди. Зеро, Чўлпон унда эркисиз қалами кашф этган имконларни тўла ишга солиб, яқин ўтмишнинг ўз наздида ҲАҚҚОНИЙ, лекин расмий нуқтаи назарга номувофиқ эпик манзарасини чизган, бу билан ўзининг замонга ҳақиқий муносабатини фош этган эди...

...оломон ичида ШАХСлигича қолгани, оқим бўйлаб оқимга қарши суза олгани, ажал қиличи остида ҳам эътиқодидан қайтмагани...

Бу-да бир ўрнат.

\*\*\*

...шундай яшагани, шундай ўйлагани, шундай ижод қилгани – Чўлпоннинг фожиаси: ҳаётида ҳаловат кўрмагани, ҳассос қалби изтиробу аламлардан бир дам фориг бўлмагани, қирчиллама қирқида қирчинидан қийилгани шундан.

...шундай яшагани, шундай ўйлагани, шундай ижод қилгани – Чўлпоннинг бахти: кўз ўнгимизда Қақнус қушдай кулдан бош кўтаргани, бугун барчанинг тилида экани, номини тилга олганимизда кўксимиз ғурурга тўлиб, кўкрагимиз бир кўтарилиб тушаётгани шундан.

Бу-да бир ўрнат.

2009 йил

## ШЕЪРХОНЛИК МАШҚЛАРИ (қайдлар)

Бадиий асарни ўқиш – ижодий жараён, уни ўқиш учун ўқувчи ижодий тасаввурини тўла ишга солиши лозим. Бироқ шеърни ўқиш, ундан чинакам завқ олиш учун ижодий тасаввурнинг ўзи кам. Негаки, шеър – мудом воқе бўлаётган нутқ, у сўзларнинг оддийгина тизмаси эмас. Зеро, ундаги сўзлар шоир дил торларидан таралган оҳангга йўғрилган. Бас, шеър ўқилмайди – тингланади, тинланганда ҳам «ички қулоқ» билан, «қалб қулоғи» билан тингланади. Ўшанда... бир бошдан айти: недир бир нарса, боринги, ДАРД шоир дил торларини титратди – ДАРД ОҲАНГГА дўнди; оҳанг сўзларни ўзига эргаштирди – икки ёрти бир бутун: иккиси бирликда шеърни бунёд этди. Шеър «қалб қулоғи»ла тинланганда шоир дилида оҳангга дўнган дард ўқувчи дил торларини титратади, энди аксинча – ОҲАНГ ДАРДга дўнади. Яъни, оҳанг шоир ва шеърхон дилларини туташтиради, шу жўровозлик сабаб шеърдаги сўз СЎЗга айланади. «Қалб қулоғи» битган ўқувчи сўзни билади, СЎЗни танимади; «қалб қулоғи»ла тинглаган ўқувчи учун СЎЗнинг маъно сифими бениҳоя кенг – у ШУНДАЙ СЎЗки, тўласича қалбни ифодалашга сафарбар этилган, шу боис айтганидан кўпроқни айтади, тасвирлаганидан кўпроқни жонлантиради... Зеро, ўқувчи онгию дилида акс садо берган оҳанг дардга ошно этиб ё кашф шавқидан яралувчи ҳайрату завққа чулғабгина қолмайди, оҳанг қанотида қалбга кириб борган СЎЗ унда ўзга бир ҚАЛБни яшатади...

\*\*\*

...шоира ёзади:

*Сезармисиз, мен бир гул, майса,  
Шабнамимда кулган кўёш бор...*

Жўн қарасак, «кўнгил қулоғи»миз битган бўлса, «ҳа, энди, шоира ўзини гулга менгзабди-да» деб қўя қоламиз. Кимдир «сийқаси чиққан қиёс» деб қош керса, бошқаси «камтарлик ҳам омон бўлсин» дея мийиғда кулар ҳам... буларнинг бари сўзни кўриб-билиб туриб СЎЗни танимаганликдан. Ҳолбуки, ўша сийқаси чиққан қиёс ҳам шеърини матн ичида турибди. Шеър ичидаги сўз эса бошқа сўзлар билан мустаҳкам алоқада – у бошқа сўзга ё тенгланади, ё зидланади, ё тобеланади, ё... Яъни, маъно сўз сўзга уриштирилганда воқе бўлади. Зеро, сўзнинг сўзга урилиши – бамисоли бонг, унинг жаранги тасаввуримизда недир тушунчалар, нарсалар, манзаралар, қиёсларни уйғотади, дил сокинлигини бузади. Қаранг, шоира «мен бир гул» дейди-да, ортиданоқ шошиб буни инкор

қилади – ўзини майсага қиёслайди. Яъни, кулоқларимиз ўрганиб кетган «аёл – гул» қиёси «аёл – майса» қиёси учун кўприк мисоли. Майса тасаввуримизда майинлик, беозорлик, заифлик, синиқлик сингари аёлга хос тушунчаларни уйғотади, ҳайратланамиз: «нега шу чоққача аёл майсага ўхшатилмаган?!» Шу тушунчалар билан боғлиқ ҳолда «шабнам» аёл қалбини – ҳар не гарду ғубордан фориг, ўзига олам ташвишини сиғдира олган митти-улкан маконни суратлантиради. Софлик эталони бўлмиш қатрада эса «кулган қуёш» бор. Аждодларимиз қуёшни «меҳр» деб атаганлари хотирга олинса, аён бўладики, узукка кўз қўйилган экан – бу чизги аёл қалби тасвирини жуда очиқ юборди. «Қўнғил кулоғи»ла эшитолган ўқувчи беихтиёр иқрор қилади: меҳрга тўлиқ, уни «вайрону обод устина» тенг сочигша ҳар дам ҳозир аёл қалби сурати шунчалик бўлар-да?!.. Шоиранинг кашфига шерик бўлолган ўқувчи ўйлаб ҳам қолар: аёлни гулга менгзаш асоси – гўзаллик, гўзаллик эса ўтқинчи. Бас, шоира топган қиёс «гул»дан кўра сиғимли, у аёл зоти учун умумийроқ ва умрзоқроқ хусусиятни мужассам этмаяптими?! Шеър руҳида яшаган онлари ўқувчи буни дилдан иқрор қилади. Демакки, энди у майсада аёлни, шабнамда аёл қалбини кўради, демакки, энди у кўм-кўк майсани депсишга ботинмайди, аёлга-да майсадек авайлаб муносабатда бўлиш кераклигини ҳис қилади...

\*\*\*

...шеърият – тамомила ўзга бир олам. Бас, унда гоҳи «фоний», гоҳи «беш кунлик», гоҳи «икки эшик ораси» дея таърифланувчи моддият дунёсининг ақидаю урфлари бекор. Чегарадан ҳатладими, бас, энди ўша олам қонунларига бўйсуниб, урфларини тутиб яшамоғи шарт кишининг. Акс ҳолда тасаввури, масалан, сайёҳ ўзга юрт ҳақида автобусдаги гиднинг «ўннга қаранг – фалон... чапга қаранг – фистон»ларидан олган тасаввур даражасида қолади, яъни, ҳазратнинг сўзларини ҳолатга мослаб айтсак, «ҳаммомдан нопок чиққан» бўлади шўрлик... Дейлик, дунёмиз ёлғонни хушламайди: ёлғоннинг ёмонлигини ҳамма билади, демак, мантиқан ёлғонни ҳамма ёмон кўради ва... кечирасиз-у, уни ишлатмаган одам топилмайди! Тўғри-да, айрим ҳолларда ёлғонлашга изн берилган, бизга шугина кифоя эмасми?! Ҳа-да, ахир, Архимед айтган-ку: «Менга таянч нуқтани беринг – Ерни кўтараман!» Яъни бизга изн берилганининг ўзиёқ кифоя, «айрим ҳоллар» доирасини кенгроқ ола-миз-қўямиз. Унда ёлғонни ёмон кўришимиз ёлғон экан-да? Унақа эмас, ёлғонни чиндан ҳам ёмон кўра-миз, фақат ёлғонлиги учун эмас, балки алданишни ёмон кўрганимиз туфайли... Узун даромаддан мурод – дунё-мизда турфа талқинларда амал қиладиганимиз бу қонун ҳам шеърият оламида ишламаслигини айтиш, холос. Зеро, дунёмизнинг бу қонуни



шеъриятдаги «айни ҳақиқатдир мажоз» қонуни билан бекор қилинади ва... бу оламда ёлғон билан ҳақиқат қоришиб кетади, аниқроғи, ёлғон ҳақиқатга элтувчи кўприкка айланади. Айтайлик, шоирнинг юртимиз саратонини тасвирлай туриб «ғўдақ уҳича ҳам шамол топилмас» дегани – муболаға, яъни ҳақиқатга рост эмас, соддачасига – ёлғон. Лекин шу ёлғон, албатта, бошқа топиб келтирилган деталлар («сўзсиз қотиб турган бўйчан тераклар», «уфқда саробдан оташин балдоқ», «ҳатто шаршаракнинг ўчгандай саси» ва б.) билан бирга тасаввурда саратоннинг жонли ва ҳаққоний манзарасини жонлантиради, шу даражадаки, ўзингизни «улкан дошқозон»да, «ғўдақ уҳича шамол»га зор ҳис этасиз. Асли, ёлғоннинг ҳақиқатга дўниши, мажознинг айна ҳақиқат экани ҳам шудир?! Ҳа, шундай, кундалик мулоқотда юмшатиброқ лоф ё муболаға дейдиганимиз шоир учун калитки, у ҳикматлар сандиғини очади:

*Балки, ҳув кўринган мовий тўлқинда  
Сув ичган ғўдақнинг нафаси ҳам бор.*

Қаранг, оламда ҳар неки бор – заррадан то коинот қадар бир-бири билан боғлиқ эканлиги ҳақиқат, бу ҳақиқат эса муболаға ёрдамида яна бир тасдиғини топаётир... тасдиқки, анча-мунча илмий хулосадан асослироқ, ишонарлироқ, тушунарлироқдек.

\*\*\*

...шеър олами сўзни-да ўзгартиради: сўз кўз олдимизда ўзининг кутилмаган томони билан гавдаланади, янгича оҳанг ва маъно қирраларини намоён этади. Тағин билмадим-у, «юмшоқ» деган сўзнинг оҳангида недир юмшоқлик, майинлик бордек туюлади менга, гўё шу сўзни эшитишинг биланоқ кўнгил ийиб бораётгандек. Шундай тасаввур билан юрасан-да, иттифоқо бир кун шеър ўқиб қоласан:

*Ушук урган кўсақлар юмшоқ.  
Пахта юмшоқ,  
ғўдақлар юмшоқ –  
Домлага гап қайтармас эдик,  
Ер ҳам юмшоқ – ботарди этик...*

Негадир, илк сатрни ўқибоқ ҳушёр тортасан киши: «юмшоқ» сўзи кўнгилда одатий туйғуларни уйғотмади-я?! Туйқус айна дамда «юмшоқ кўсақлар» уйғотган туйғуларга исм қўёлмай қийналаётганингни сезиб қоласан: армон дейин десанг – соғинчи ҳам бор, алам дейин десанг – қувончлари ҳам ёдга келаверади. Ва шу баробари «юмшоқ пахта» ҳам кўз олдинга келақолади: данак мисол доналаб санаса бўладиган, намлиги бўз этакни шалаббо қиладирган даражадаги пахта. Беихтиёр бо-

лалигинг, ўсмирлигинг, талабалик даврингдан чегириб олинган ойларни санай бошлайсан... сўнг ўша «юмшоқ» болалигингни эслайсан ва истаб-истамайгина кейин ҳам ўша ҳолингча қолаверганингни тан оласан – алам қилади, кафтингдаги данак-данак «юмшоқ пахта» тошга айланиб бораверади... Лекин ер юмшоқ бўлса-да, осмон узоқ, ахир!

\*\*\*

...мантиқ тилига ўгирилган шеър жозиба кучини йўқотади, негаки, шеърнинг мантиғи ўзгача. Кези келса, шеърда мантиқсизликнинг мантиққа дўниши ҳам ҳеч гап эмас. Аммо, гапнинг сираси, шоирнинг «Пайҳон қилар одамни экин» сатрини ўқибоқ ҳамманинг ҳам бирдан бу хулосага келиши маҳол. Ҳар тугул, «шоир хато қилганми, эга билан тўлдирувчи ўрни алмашиб қолибди ё техник хатомикан?» тарзидаги андиша хотирга ўзиброқ келиши табиийдек. Кейинги сатрларни ўқиганда эса, бирдан «чақиб қолади» (ёшлар орасида урф бўлган бу сленг «англаб қолдим», «етиб борди» деган маъноларни бераркан, начора, ҳаётдан орқада қолмасликка уринамиз-да, маъзур тутсинлар), майли-да, ҳечдан кўра кеч:

*Пайҳон қилар одамни экин,  
Ташбиҳ надур, далаларнинг ўзи бий.  
Чўллар уни қувлаб боради,  
Ё раббий.*

Айтиш керакки, мантиқсизликда мантиқ борлигини англаш учун шоир билан шеърхон орасида диалогик мулоқотнинг бўлиши шарт қилинади. Зеро, шеър чорак асрлар илгари ёзилган ва давр руҳ-кайфияти билан чамбарчас боғлиқдир. Давр контексти назарда тутилсагина гап шўронинг мантиқдан айро тушган пахта сиёсати ҳақида бораётгани, шу боис шоирнинг «экин одамни пайҳон қилмоқда» дегани ҳам, «уни чўллар қувиб бораётир» дегани ҳам мантиққа рост эканини тушуниш мумкин бўлади.

\*\*\*

Ёзганларимни хулосаламоққа ҳар не уриндим – бўлмади. Аввало, шеърятнинг сарҳадлари чексиз, чор тарафдан диққатингни тортадиган сатрлар пайдар-пай чиқиб келаверади. Сониян, биз танлаган шакл ҳам шунга мос: учта юлдузчани кўясан-у, янгидан бошлаб кетаверасан... Насиб бўлса, давом этармиз.

2011 йил

## АДАБИЁТ БИЗ КЎНИККАН ТУШУНЧАДАНГИНА ИБОРАТ ЭМАС...

(Ёзувчи У.Ҳамдам билан суҳбат)

**Улуғбек Ҳамдам:** Сир эмас, кейинги қарийб йигирма-йигирма беш йил мобайнида давр тубдан ўзгарди. Бу дегани, янги даврга хос бўлган кайфият ҳам пайдо бўлди. Демак, истаймизми-йўқми, янгиланган кайфиятни ўз асарларида акс эттирувчи авлод ҳам вояга етган бўлиши керак. Агар шундай бўлса, қани улар? Нега «манаман» дея кўзга ташланмаяпти? Бу гапни яна шунинг учун айтаяпманки, давраларда кўпинча 70-йиллар авлодидан кейин бизда бошқа адабий авлод шаклланмади, деган ёзгириқларни тез-тез эшитиб қоламиз. Чиндан ҳам шундайми? Акси бўлса, бунинг исботи борми? Чунки ҳар бир янги авлоднинг ўз ижодий кредоси бўлади, дунёни бадиий-эстетик қабул қилишида ўзига хослик бўлади, хўш, шу хусусиятлар нималарда кўзга ташланади? ХХ аср ўзбек адабиёти тарихига назар ташласак, адабий авлодлар бир-бирларидан жуда кўп жиҳатларга кўра яққол ажралиб турганининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, маърифат, ислоҳот ва озодлик ғоялари билан суғорилган ижтимоий кайфият жадидлар авлодининг; инқилоб ва шўронинг илк йилларидаги ғалабали (бунинг замиридаги қурбонлару йўқотишлардан қатъи назар) юришлари билан боғлиқ ижтимоий кайфият 20-йиллар авлодининг; социализм ғоясига ишончнинг тирилтирилиши билан боғлиқ ижтимоий кайфият 60-йиллар авлодининг; ғояга ишончнинг барбод бўлиши ва туб ижтимоий ўзгаришлар (жумладан, истиқлол) заруратининг ҳис этилиши билан боғлиқ ижтимоий кайфият 70-йиллар авлодининг ғоявий-эстетик мавқеини белгилаган. Хўш, бугун-чи? Бугунги адабий авлоднинг (агар у шаклланган бўлса!) ғоявий-бадиий-эстетик қарашлари нималардан иборат?

**Д.Қуронов:** Сирасини айтсам, мен кўпроқ «70-йиллар авлодидан кейин бизда адабий авлод шаклланмади» дегувчилар фикрига қўшиламан. Бироқ бу фикрни ёзгириқ оҳангида ёки адабиётимизга 70-йиллар авлодидан кейин кириб келганларни камситиш маъносидан айтиш тўғри эмас деб биламан. Назаримда, Улуғбек ХХ аср ўзбек адабиётидаги адабий авлодларни жуда тўғри санаб ўтди, ҳар бирининг ғоявий-эстетик мавқеи, ижодий кредосини белгилаган асосий омил – давр доминант ижтимоий кайфияти моҳиятини ҳам лўнда ифодалади. Ҳақиқатан ҳам, саналган авлодлар ғоявий ва адабий-эстетик қарашлари жиҳатидан бир-биридан аниқ-тиниқ фарқланади. Савол туғилади: мумтоз адабиётимизда ҳозир биз назарда тутаётган маънодаги «адабий авлод»лар борми? Ўйлайманки, агарда йўқ десам, биров эътироз қилмаса керак. Демак, адабий авлод дегани муайян давр, шу давр юзага келтирган

маълум шарт-шароитлар маҳсули экан-да! Фикримча, шундай: у шахс ижтимоийлашган, ўзининг моҳиятию тақдирини жамият билан бирликдагина идрок қилиб, ижтимоийликни шахсийликдан устун қўйган давр маҳсули. Ҳозирги инсон эса, буни хоҳ Фарб таъсири денг ва хоҳ бошқа, тамом бошқа олам: у турмушини яхшилаш, ўзи ва яқинларида мавжуд имконларни намоён этишу фаровон яшаш учун зарур шароитлар яратиш... каби оддий, кундалик ташвишлар билан андармон. Илож қанча, яқин-яқинларгача адабиётимиз «мешчанча» дея қоралаб келган турмуш ва тафаккур тарзи энди одатий нормага айланиб улгурганини тан олишга тўғри келади. Айтмоқчиманки, Улуғбек, сиз айтган «янги даврга хос бўлган кайфият», менимча, шунинг ўзидир. Тўғри, ич-ичимизда бу билан келишолмай турганимиз бор гап: ижтимоий фикрга кенг миқёсда таъсир қила оладиган адабиётни, нафақат бадиий, балки ижтимоий тафаккурнинг ҳам илғорида борадиган ижодкорларни – шу куннинг гапини айтадиган «адабий авлодни» ҳануз соғинаётганимиз шундан. Ҳолбуки, «янгиланган кайфиятни ўз асарларида акс эттирувчи авлод ҳам вояга етган», фақат ундан салафларидаги белгиларни излаш бефойда. Негаки, энди ижод аҳлининг барини бирдек ўртовчи умуммиллий дард йўқ, яъни ижтимоий дардни шахсийлантира олишнинг ўзи кифоя эмас, аксинча, шахсий дардни ижтимоий аҳамиятга молик даражада бадиий талқин қила олиш салоҳияти зарур. Энди бир ўйланг, бугунги санъаткор ҳамманинг дилига бирдек йўл топиши, ҳамманинг дилидагини айта олиши мумкинми? Фикримча, йўқ, унинг айтганлари фақат бир қисмнинг кўнглидагина акс садо беради, чунки оммадаги бадиий дид турфа, маънавий-руҳий эҳтиёжлар хилма-хил. Иккинчи томони, ижодкор бугун аввало ўзини ифодалайди дедик, демак, бугун асарларда воқеланаётган шахсиятнинг даражаси, маънавий-руҳий имконлари-да турфа: бирида олабий муаммоларнинг ташвишли талқини, бошқасида кўнгилнинг олис лучмоқларида ботин шаҳоний ва ё ваҳшиёна майллар муҳри... Ижодкорларнинг кимиси атрофидаги нарса-ҳодиса ва ё воқеадан ҳикмат излайди, бошқаси тамом янги воқелик яратиш пайида, тагин бириси учун айтиридан кўра айтиш жараёнининг ўзи муҳимроқ – сўзларни, рамзу тимсолларни ўйнатиш билан овора.

**Улуғбек Ҳамдам:** Назаримда, бугунги кунда адабиётимизнинг энг катта хусусияти унинг ранг-баранглигидир. Ҳа, замонавий ўзбек адабиёти мавзу жиҳатидан ҳам, жанрий ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам, услуб томонидан ҳам гоят хилма-хил кўринишга эга бўлиб бораётир. Фикримча, шу хилма-хиллик ва унга доимо эга бўлиш имкони бизнинг асл, бебаҳо бойлигимиз бўлса, ажаб эмас. Демак, аввало, шу бойлиكنинг қадрига етмоқ, уни асраб-авайламоқ керак бўлади. Чунки ижод учун эркинлик дегани кўчат учун мўътадил тупроқ, сув ва ҳаводек гап.

Модомики шундай экан, ижод эркинлиги учун бизнинг ҳаммамиз, бутун жамият, айниқса, унинг зиёли қатлами ва айниқса, ижод аҳли масъулдир, тўғрими?

**Д.Қуронов:** Аввало, агар хилма-хиллик бебаҳо бойлик дея эътироф этиларкан, бугун ўзининг ғоявий-эстетик мавқеига эга адабий авлод шаклланмаяпти дея қойишимиз ўринсиз. Ижод эркинлиги масаласига келсак, у бугуннинг кун тартибидан олинган десак бўлаверади. Бироқ, назаримда, бошқа бир масала – эркинликнинг ҳадлари борми ё чек-чегарасизми деган масала долзарблаша бошлади. Сираси, ижод эркинлиги ҳам демократияга ўхшаш нарса: демократия ҳуқуқ ва бурч бирлигини назарда тутаяди, агар бурчлар инкор қилинса, анархия юзага келади. Шунга ўхшаш, ижодкор ҳам эркин, лекин у бурчини – миллий маданият вакили эканини, кадриятлар, урф-одат ва анъаналарга ҳурмат билан қарашга бурчли эканини ич-ичидан ҳис қилмоғи керак.

**Улуғбек Ҳамдам:** Бошқа томондан, ранг-баранглик деганимиз авлод деган тушунчани инкор этмайдими? Ахир, авлод бўлиш учун муҳитнинг бир хиллигию шунга яраша дунёқарашдаги яқрамлиқ ҳам керак бўлади-да. Ҳозир истеъмолда ҳамма «изм»лар мавжуд. Ким анъанада, ким мумтозда, ким модерн ва яна ким «супермодерн», яъни ҳамма йўналишларнинг кесишувида ижод қилаяпти (Буни оптимистлар «синтез» дейди, пессимистлар бўлса «бўтқа»). Шундай бир вазиятда дунёни бадиий-эстетик қабул қилишдаги яқинликка таянадиган адабий авлод ҳақида гапириш қанчалик ўринли экан?

**Д.Қуронов:** Албатта, ўринли эмас, буни юқорида ҳам айтдим. Энди адабиётимиз қиёфаси мозаикасимон эканига кўнишимиз, кўникишимиз лозим. Зеро, бу табиий ва қонуний бир ҳолдир. Шунақа экан, аввало, бугунги адабий жараёндаги ҳодисаларга муносабатни шунга мослаш, уни дунёни бадиий идрок қилиш бобидаги ҳар қандай ғоявий, бадиий-услубий изланиш яшашга ҳақли деган тамойилга қуриш керак бўлади. Яъни турли «изм»лар ҳақида баланддан туриб, бурун жийриб гапириш тўғри эмас. Аксинча, адабиёт ривожини эндиликда ўша «изм»лар орасидаги соғлом рақобат муҳитини тақозо этади. Майли-да, ахир, бир-бирига яқин ижодкорлар ўз клублари, адабий мактабларини ташкил қилсинлар, ижодий-эстетик дастурларини ишлаб чиқсинлар, ўзларининг матбуот ва интернет нашрларини таъсис этсинлар... Равшанки, мавжуд шароит ижодий уюшмаларда ҳам шунга мос таркибий ўзгаришлар қилиш, уларнинг фаолиятини уюшмалар уюшмаси тарзида йўлга қўйишни заруратга айлантиради.

**Улуғбек Ҳамдам:** Адабиёт биз кўниккан тушунчадангина иборат эмас албатта, унинг миссияси хийла теран, шунчаларки, инсоннинг аслий ва энг асосий, ичкин эҳтиёжларига ажабтовур тарзда жавоб бера

оладигандек туюлади менга. Чунончи, қадимдан «Биз қайдан келдигу кетурмиз қаён?» (Умар Ҳайём) деган савол фикрловчи инсон учун саволларнинг саволи бўлиб келган. Бунга муқаддас китобларда жавоб айтилган. Одатда, ўлмас битикларнинг жавоби ғоят умумий тарзда бўлади. Фикр одами эса шу умумийликни ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаёти мисолида конкретлаштиргиси, унга индивидуал либос кийдиргиси, яқиндан тушунгиси, ҳис қилгиси келади. Шу ерда адабиёт ўзининг образлар олами ва рамзий табиати билан унга ёрдамга бел боғлайди, назаримда. Румий ҳазратлари «Ичиндаги ичиндадир» асарида у дунёни, руҳлар оламини бу дунё орқалигина, бу дунёдан олинган мисоллар воситасидагина тушунтириш мумкин, дейди. Бу борада Карл Густав Юнгда ҳам ажойиб фикр бор экан. Унинг «Хотиралар, тушлар, мушоҳадалар» номли асарида ўлимдан кейинги ҳаётга ишора бор, булар туш, онг ости ҳаётимиз, деган фикр илгари сурилади. Аслида, адабиёт ўз табиатига кўра худди шундай жиҳатларни ҳам қамраб олади ва қамраб олмағи керак эмасми? Фақат уч ўлчовли оламга, бу дунёнинг ақидаларигагина суяниб, унинг талабларигагина мўлжаллаб битилган адабиёт инсон кўнглининг яримигагина малҳам бўлиши мумкин, ҳа, шаксиз, у мавжуд ҳақиқатнинг бир палласигагина бўла олади. Ҳақиқий адабиётда ҳар икки оламга ишора бўлмоғи ва энг муҳими, ҳақиқий катта адабиёт ҳар икки оламдан маънавий туртки олиб яратилмоғи керак, деб ўйлайман. Чунки бу адабиёт бизнинг ўзимиз, кўнгли ҳолимиз, онг устию онг остидаги борлиқ «Мен»имиз экан, унинг «беш кунлик дунё»нинг малайи бўлиб, ундаги бирон-бир ўткинчи мафкурага хизмат қилибгина «кун кўриши» ҳар қандай жиддий адабиётнинг кечирилмас нуқсонидек туюлади менга... Шу хусусда ҳам фикрлашиб олсак.

**Д.Қуროнов:** Кечирасиз-у, Улуғбек, фикрингизда ички зиддият кўр-япман: агарки адабиёт «мен»имиз экан, у «беш кунлик дунё»дан айро тушолмайди, негаки «мен»имиз дунё билан муносабатдагина мавжуд. Бас, адабиёт ўша «мен»ни дунё билан узвий алоқада, яъни дунёдаги «мен»ни ёки «мен» орқали дунёни ўрганади. Шунақа экан, уларни бир-бирига бу қадар кескин қарши қўймаган маъқул кўринади. Ахир, бизга шу беш кунлик дунёнигина қисман билиш имкони берилган, буни сиз Румийдан келтирган фикр ҳам тасдиқлаб турибди. Тўғри, адабиётнинг воқеликка бадий иллюстрация бўлиши ҳам, мафкура хизматчиси бўлиши ҳам нораво, лекин улардан буткул холи ҳам бўлолмайди. Зеро, ижодкор воқеликни бадий идрок этаркан, у ҳақдаги муайян фикр-қарашларини ифода этади. Бас, жамиятда яшаб турган шахс сифатида ижодкорнинг фикр-қарашлари мавжуд мафкуралардан бирига яқин бўлиши ажабланарли эмас. Ҳа, биз шўроча андозадаги адабиёт ва мафкура муносабатидан задамиз, шунинг таъсирида иккисини бир-биридан

тамом айиришга ҳаракат қиламиз. Ҳолбуки, бир томони онг соҳаси бўлиши адабиётнинг ички моҳиятидан келиб чиқувчи мафкуравийликни инкор қилиш зўрликнинг бошқача кўринишидир.

**Улуғбек Ҳамдам:** Дунё дунё бўлибдики, эзгулик ва ёвузлик курашиб келади. Кеча адабиёт эзгулик, яхшилик, ёруғликнинг ёнида туриб «жанг» қилаётган эди. Бугун-чи?.. Бугун адабиёт эзгулик учун курашишдан «уялмаяптими», «ор-номус» қилмаяптими? Кўпчиликнинг назарида кулгили аҳволга тушиб қолган эзгуликнинг ёнида, эзгулик учун «жон олиб, жон бериш» адабиётга ғалати, соғлом мантиқдан узоқ тутим, «романтика» бўлиб кўринмаяптими? Хуллас, адабиёт бугун кимнинг, ниманинг ёнида ва нима учун?..

**Д.Қуროнов:** Ҳа, сиртдан қарасанг, адабиёт ҳануз эзгулик томонида тургандек эса-да, афсуски, ташвишингизда асос йўқ эмас... Ҳаммага маълум, бадиий асардаги ошкор дидактика – насиҳатбозлик қанчалик ғашга тегса, намойишкорона эзгулик байроқдори бўлиш ҳам шунчалик эриш туюлади. Мен сариқ матбуот саҳифаларида урчигандан-урчиб ётган «ибратли» ҳикояларни назарда тутяпман. Эҳтимол, ўзини шулардан фарқлаш учун чин адабиёт эзгулик учун курашишдан «уялиброқ» турган бўлса бордир. Албатта, бу нотўғри, бу ўз мавқеини кўшқўллаб топшириш, жанггоҳдан ура қочишдан бошқа эмас. Умид қиламизки, чин адабиёт бу хатосини тез англайди ва яна ўз мақеини эгаллайди. Бироқ бу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳати муҳимроқ кўринади. Айтайлик, жангари фильмларни кўп кўрганмиз – уларда қаҳрамон ҳамиша эзгулик тарафида. Лекин эзгулик тантанаси кадр ортида қолади, томошабинни эса кадрдаги муштлашувлар, отишмалар, қон тўкишлар, фаҳш саҳналар ўзига жалб этади... Албатта, бунинг инсон психологияси билан боғлиқ асослари бор, лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Гап шундаки, адабиётда ҳам шу ҳол бот-бот кўзга ташланиб қолаётир. Масалан, биров фоҳиша ҳаётини қаламга олади-да, унда-да аввало бир инсонни кўрмоқни, тақдир дегани кутилмаган эврилишларга бойлигию инсон ҳаётининг у ё бу ўзандан кетишига атрофдагилар ҳам сабабчи бўлишларини кўрсатмоқчи бўлади. Ният-ку яхши, лекин шўрлик ният фаҳш саҳналар соясида кўмилиб кетади-да! Энг ёмони, аксар эпизодлар миллий руҳга озор етказди, бадиий дидга ўтиришмайди. Қизиғи, биров буни беаёв танқид қилса, бошқаси шуни ўқимасдан адабиётшуносман деб юрганларни койийди, тағин бириси буни Чўлпон бошлаган аъёналарнинг давоми дейди. Майли, Чўлпоннинг ёзганлари ўз даври учун жудай-ла ошқора, бунга кўшилалик ҳам. Ҳолбуки, Чўлпон тасвиридаги фоҳиша ўзи тушиб қолган ботқоқдан чиқиш умидида пул йиғиб, кун санаб юрган бир мазлума, Мирёқуб бўлса ўзидаги «итлик»дан қутулиб, одам бўлишга чоғланган инсон. Чўлпон фаҳшни таназзул сабабларидан бири си-

фатида талқин қилади, энг муҳими, унинг ёзганлари инсоннинг шахвоний майлларига эмас, онг-тафаккурига қаратилган. Афсуски, ҳозирда яратилаётган айрим асарларга нисбатан бу гапни айтиб бўлмайди. Демокриманки, ижодкорнинг ўз олдига эзгу ният қўйганининг ўзи кам, бу ниятнинг қай йўсин амалга оширилиши пировард натижани – ўқувчида қандай таассурот қолдирилишини белгилайди.

**Улуғбек Ҳамдам:** Истаймизми-йўқми, бугун постмодернизм ҳақида тўхталмай ўтолмаймиз. У нима, бугун дунё олаётган ҳаво-нафасми? Унинг хусусиятлари XX аср ўзбек адабиёти мисолида қандай ва нималарда кўринади? У бизни қаерга бошлаб кетаяпти? Аслида, модомики, постмодернистик кайфият кўнглимизга ташриф буюрган экан, яхшиси, унинг кўлидан бизнинг етаклаганимиз беҳроқ эмасми? Ахир, унинг «манifestи»да мутлоқ эркинлик деган, бир қарашда хуш, моҳиятан эса инсониятни нималарга гирифтор қилиши номаълум бўлган (аслида, тахмин қилиш қийин эмас!) бош «модда» бор. Бу «модда» маддалаб кетмайдими?.. Чунки Ҳаёт (Реализм) деб аталган «Шоҳқўча»га нисбатан у (ва ҳар қандай бошқа «изм» ҳам) бор-йўғи бир «ёндош кўча» бўлса-ю(ва у ўша «Шоҳқўча» туфайлигина қадриятга эга эса), бу кўчага ихтиёри-ни, сўнг ўзини бутунлай топшириб, ичкарига оёқ босган инсон адашиб кетмайдими?.. (Бу борада фикр билдираётганда у ёки бу «изм»га бўлган муҳаббатимиз ва ёки нафратимиз қобигидан чиқиб олсак, ҳақиқатга яқинроқ келармиканмиз, дейман).

**Д.Қуронов:** Биласизми, Улуғбек, адабиётимиздаги Фарб таъсири масаласи кўтарилсаёқ ваҳима оҳанги ўз-ўзидан баланд пардага кўтарилиб кетаверадигандек туюлаверади менга. Умуман айтаман-да, ҳозир гап келиб қолди... Ойбекни эсланг: Блок шеърляти билан танишгач шеърлят ҳақидаги фикрларим буткул ўзгариб кетди дея эътироф этгани у. Жумладан, шоир Блокдан рус символизмига хос ва кейинча импрессионизм мутлақлаштирган «оний лаҳзани» тасвирлаш манерасини ижодий ўзлаштирдик, шунинг маҳсули ўлароқ 20-йилларнинг охирларида пейзаж лирикасининг гўзал намуналари дегулик қатор бетакрор шеърлярини яратди. Лекин бу билан Ойбек символист ҳам, импрессионист ҳам бўлиб қолмади – миллий шоиримизлигича қолди. Бир пайтлар Чўлпонга Фрейд талимоти таъсири ҳақида ёзгандим: адиб психоанализга хос ёндашувни Мирёкуб руҳияти таҳлилида қўллайди. Чўлпон ҳам бу билан фрейдчи бўлиб қолмади – бор-йўғи миллий романчилигимизни бир одим илгарилатди, холос. Бунақа мисолларни яна келтиравериш мумкин, лекин бунга зарурат йўқ деб ўйлайман. Фақат айтмоқчиманки, миллий маданиятимиз ўзга маданиятлар билан алоқада ўзлигини йўқотар даражада ғариб эмас, аксинча, ғоятда бой ва томирлари теран маданиятдир. Бас, маданиятлараро мулоқот жараёнида у ўзига синги-



шадиган, ЎЗИНИКИ бўлиб кета оладиган жиҳатларнигина олиб, бошқаларини сиқиб чиқаришга қодир. Аминманки, постмодернизм ҳам бундан истисно эмас. Мазкур қонуниятнинг мудом амал қилиши учун кўп нарса талаб этилмайди – ижодкорларимиз миллий ўзлигини, қайси ва қандай маданият вакили эканларини унутмай қалам тебратсалар кифоя.

**Улуғбек Ҳамдам:** Адабиётнинг табиатида ўйинлик хусусиятининг тобора тош босаётганлигини кўриб-сезиб турибмиз. Бу албатта, янги гап эмас. Қадимдан адабиётда «фойда» (меҳнат) (utile) ва «ўйин» (ducle) деган икки қанот мавжуд бўлиб келган (негадир учинчи хусусият – сиғиниш, илтижо ҳисси ҳақида айтилмаган. Чунки бадий асарнинг яратилиш асносида меҳнат ва ўйин завқидан ташқари илтижо, сиғиниш ҳиссиёти ҳам иштирок этади). Фақат кейинги вақтларда ўйиннинг ҳиссаси кучайиб кетди. Бу дегани шуки, нимани айтишдан кўра қандай айтиш, дард айтишдан кўра, «ниманидир» бўлсаям гўзал шакллар ёрдамида ўқувчига етказиш биринчи ўринга чиқиб бораётир. Аслини олсангиз, модерн, постмодерн суянадиган асосий устунлардан бири ҳам шу: ҳамма нарсани ўйинга, санъатга айлантириш. Нима деб ўйлайсиз, «ўйин»га берилиб, инсоннинг катта ҳарфлар билан ёзиладиган ДАРДдан узоқлашиб кетмаймизми? Бу кетишда адабиёт чиндан ҳам бошқотирма – кроссворднинг бошқачароқ хилига айланиб қолмайдими?..

**Д.Қуронов:** Йўқ, чамаси, бу масаладаги қарашим бирмунча оптимистикроқ ва у, аввало, инсоннинг, сониян, адабиётнинг табиатидан келиб чиқади. Инсон бир жиҳати ижтимоий махлуқ экан, унинг дарддан мутлақ холи бўлишига кўзим етмайди. Модомики, дард бўлар экан, инсон изҳор эҳтиёжини туяди. Изҳор воситаларидан бири адабиёт бўлса, у инсон томонидан инсон учун яратилади ва ижтимоий муносабатлар тизимида яшайди. Шуларнинг ўзиёқ, фикримча, адабиётнинг кун келиб тамом ўйин бўлиб қолмаслигига кафилдир. Ўйинга келсак, у ижод табиатига ёт эмас, ўзингиз айтгандек, ижодда ўйин momenti қадимдан бор: сўз ўйинлари, ўткир қочиримлар, турфа кўринишдаги шакл ўйинлари... Ижодкор учун булар бари восита эди: фикр-ҳисни ўзига хос тарзда ифодалаш ва эстетик завқни кучайтириш воситаси. Вақти келдики, постмодернчилар воситани мутлақлаштирдилар, унга тугал мақсад деб қарай бошладилар: уларнинг ижодий изланишлари боис ижоддаги ўйин кўлами, имконлари бағоят кенгайди. Бироқ бу ҳол, фикримча, мангу қололмайди: қазисан, қартасан – аслинга қайтасан деганларидек, ўйин яна восита мақомига қайтади. Зеро, ўзни ифодалаш эҳтиёжисиз ижод йўқ, бас, ўйин яна ўзни ифодалашга, постмодернчилар кенгайтирган имконлари билан энди янада самаралироқ хизмат қилади. Дарвоқе, бу қадар ишонч билан гапиришим бежиз эмас: бадий тафаккур тарихидаги фактлар шунга асос беради. Эсланг-а, шовқин-сурон билан майдонга чиққан

импрессионизм, экспрессионизм, онг оқими, абсурд каби «изм»лар ўз даврида ниманидир мутлақлаштирган, ўшани асосга қўйиб, адабиёт шундай бўлур деган даъвони ўртага ташлаган эди. Эътироф этиш керак, уларнинг ҳар бири ўзи асосга қўйган нарсани юксак даражада ривожлантирди. Оқибат шу бўлдики, улар ривожлантирган нарса бадиий тафаккурга сингиб кетди – адабиёт эса аслича қолди, фақат уларнинг ижодий изланишлари ҳисобига имконлари кенгайди, холос.

**Улуғбек Ҳамдам:** Юқорида айтилган шунча мулоҳазалардан келиб чиқиб, битта гапни алоҳида урғу билан айтиш лозимга ўхшайди: бугун жиддий, оқни оқ, қорани қора деб айтишга билим, тафаккур кучи ва жасорати етадиган адабий танқид ҳар қачонгидан-да зарурроқ экан. Унинг тушунтирувчи, қарашларимизни тиниқлаштирувчи, адабий-маънавий ўзагимизга озуқа бергувчи, унга янги руҳ ҳада этгувчи кучига жамиятда катта эҳтиёж пайдо бўлганига ортиқ шубҳа йўқ. Шу маънода кунимизда бадиий асар қайси мезонлардан туриб баҳоланаяпти: унинг сифати, янгилиги, илмийлигидан ташқари танқидчининг ХОЛИСЛИК даражаси қай аҳволда деган ҳақли саволлар туғилади. Чунки, кўпинча, бадиий асарлар баҳоланган танқидий мақола, илмий тадқиқот ва ёки тақризни ўқиб, ўзингга ўзинг савол бериб қоласан киши: қайси бири паст, қайси бири ўрта-ю, қайсиси баланд асар ва нима учун?.. Аксарият ҳолларда ҳаммаси бирдек дурдона ўлароқ тақдим этилади (ёки кўр-кўрона «уриб» ташланади). Назаримда, бу ўринда танқидчиларимиз ўқувчилик муҳаббати (ёки нафрати) изҳоридан олим-мутахассис муносабатини билдириш даражасига ўсиб боролмаяпти. Яъни у ўзининг у ёки бу асарга ёки унинг муаллифига бўлган симпатия (ёки антипатия)сини олимнинг қарашини деб ўйлаяпти. Шулардан битта ҳақли савол туғилади: бугунги ўзбек адабий танқиди мавжуд ҳақиқатни қай даражада ўзида акс эттирмоқда?

**Д.Қуронов:** Менга қолса, гапнинг пўсткалласини айтиб, танқидчилигимиз бир жойда депсиниб қолгани тобора равшан бўлиб боряпти, у ўз миссиясини бажаролмай қолди деган бўлардим. Майли, жавоби қанчалар нохуш бўлса ҳам, аввал мана бу саволларни қўйиб кўрайлик: «Бугун адабий танқидий асарлар ўқияптими? Ўқилса, кимлар ўқияпти?» Афсус, биринчи саволга дадил «ҳа!» жавобини беришимиз мушкул. Сир эмас, адабий танқидий чиқишларни, асосан, мутахассислар ҳамда матбуотни мунтазам кузатиб боришга ўрганиб қолган айрим катта ёшли ўқувчилар «тарки одат – амри маҳол» қабилида ўқийдилар. Мен бу гапларни педагогик фаолиятим давомидаги кузатишлардан келиб чиқиб айтаётирман: эртага филолог мутахассис бўлиб етишадиган талабаларни оласизми ё малака оширишга келаётган тил-адабиёт ўқитувчилариними – адабий-танқидий материаллар чоп этиб бориладиган нашрларни ўқийдиганлари юздан бири ҳам ташкил қилмайди десам,

лоф эмас. Мазкур шароитда «танқид омманинг бадий дидини тарбиялашга масъул» дегани куруқ гап, негаки амалда «танқид –танқид учун» тамойили ҳукм сурмоқда. Тўғри, адабий танқидий ишларни чоп этадиган нашрлар ҳам, уларнинг тиражи ҳам кам, боз устига, уларнинг талаблари ҳам танқидчиларни бир оз чеклайди. Лекин бу асосий сабаб эмас. Фикримча, танқиднинг ўзи ўзгариши зарур. Биласиз, ҳозир танқидчи ўзини аввало адабиётшунос ўлароқ ҳис қилади, ёзганларида ҳам олимнинг назари устивор. Балки, адабий танқидий асарларни кўпроқ мутахассислар ўқишининг сабаби шундадир?! Ҳолбуки, танқид ўқувчи омма билан мулоқот қилиши, уни адабий асар моҳиятига яқинлаштириши, муҳими, унда ўқиш эҳтиёжи ва ўқиш малакасини шакллантириши лозим. Бу эса, ўз навбатида, шу мақсадларга мос услуб ва ифода тарзини тақозо этади. Айтмоқчиманки, адабий танқидий асар илмий мақоладек эмас, адабий асар каби ўқилиши, бир сўз билан айтсак, ЎҚИШЛИ бўлиши керак. Айни чоғда, мунаққид ўз фикрларини пухта адабий-назарий асосда турган ҳолда ифодалаши лозим бўлади. Фикримча, танқидчилик шу талаблардан келиб чиқиб ўзини ўзгартирса, ундаги сиз айтган муаммолар ҳам навбати билан ҳал бўлади. Буниси энди бошқа, алоҳида масала...

2012 йил

## ТАНҚИДДА ХОЛИСЛИК БЎЛИШИ ШАРТ (Ёзувчи Н.Жалолiddин саволларига жавоблар)

**Н.Жалолiddин:** Мамлакатимизда кечаётган бугунги адабий жараён ҳақидаги фикрларингиз? Сизнингча, миллий адабиётимиз ўз салмоғи ва камрови жиҳатидан олдинга кетяптими ёки?..

**Д.Қуронов:** Назаримда, бугунги адабий жараённинг асосий хусусияти – турфалик. Унда саёз, олди-қочди воқеаларга тўлиқ ёзмалардан тортиб то жиддий бадий изланишлар, топилмаларга бой асарларгача бор. Бу – эркинлик меваси. Зеро, ҳаммани, жумладан, ижод аҳлини ҳам бирхиллаштиришга интилган шўро даврида буни хаёлга келтириб ҳам бўлмас эди. Бироқ, «ҳар яхшининг бир ёмони бор» деганларидек, бунинг ҳам салбий томонлари кўзга аниқ ташланиб қолди. Жумладан, матбуот нашрлари сони кўпайгани, китоб чоп этиш имкониятининг кенгайгани кўпинча бадий жиҳатдан бўш асарларнинг чиқишига ҳам изн бермоқда. Бошқа томони, бу табиий ҳол ҳам: талаб бор экан, таклиф бўлаверади, бозорнинг қонуни – шу. Бас, адабий жараёндаги мавжуд ҳолдан зорланиш эмас, яхши асарлар ёзиш билан ўқувчи учун курашмоқ керак. Шу ўринда «Нега энди яна «курашиш», кураша-кураша шу

ҳолга келмадикми?» тарзида эътироз бўлиши мумкин. Бунга изоҳ зарур. Биласиз, адабиётнинг ривожининг унинг жамият ҳаётидаги ўрни, омма-нинг китобхонлик даражаси эмас, балки бадиий тафаккурдаги ўсиш-ўз-гариш билан бегиланади. Шу маънода, бугунги адабиётда, менимча, ўсиш бор: инсон ва у орқали жамият, умуман, мавжудлик моҳиятини чуқур идрок этиш, англаган ҳақиқатни яланғоч эмас, чинакам бадиий образларда ифодалашга интилиш шундан далолатдир. Афсуски, адабиётимизнинг яхши намуналаридаги бу ютуқлар оммалаша олмаётир, очиги, баъзан бу янгиликларга эҳтиёжнинг ўзи йўқдай туюлади. Сир эмас, ҳозирда телевидение ва умуман, визуал санъатлар билан рақобатда бадиий адабиёт ўзининг мавқеини анча йўқотган. Ўтган асрнинг сўнги чорагида юртимизда китобхонлик даражаси жуда юқори бўлган, сабаби, маънавий-руҳий, эстетик ёки информацияга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг асосий манбаи китоб эди. Ҳозир ундай эмас: осонгина телевизор мурвати буралади, вассалом... Мен «курашиш» деганда шу ҳолни назарда тутдим. Бунда кўпчиликнинг бир ёқадан бош чиқариши зарур. Аввало, адиб ва шоирларимиз «менинг ишим асар ёзиш, уни тарғиб қилиш менинг ишим эмас» тарзидаги кайфиятдан фориг бўлиб, «маҳсулот»ларининг сотилиши ҳақида ҳам қайғуришлари керак бўлади. Иккинчидан, бозор шароитида адабий танқид «реклама» вазифасини юқори савияда уддалаши, оммавий ахборот воситалари ҳам бу ишга бош қўшишлари зарур. Учинчидан, таълим тизимида адабиёт ўқитишнинг бош мақсади ўқувчиларда адабиётга, сўзга меҳр уйғотиш орқали китоб ўқишга эҳтиёжни шакллантириш бўлмоғи лозим.

**Н.Жалолiddин:** Бугунги ўзбек насри ҳақида нима дейсиз? Қайси мавзулар, анъаналар, услублар ривож топапти-ю, қайсилари унутиб қолдирилипти?

**Д.Қуроноф:** Юқорида бугунги адабиёт ҳақида айтганларим, асли, кўпроқ насрга тааллуқли. Анъаналар масаласига келсак, менимча, анъана ҳеч қачон унутилмайди, янги деб тақдим этилаётган нарсада анъанани кўрмаслик ёки ундаги айрим жиҳатлар анъана бўлганини унутиш мумкин, холос.

**Н.Жалолiddин:** Сизнингча, ўзбек адабиёти қачон том маънода жаҳонга чиқади? Улуғ устозларимизнинг ютуқларини, меҳнатларини инкор этмаган ҳолда, фалон тилда фалончининг иккита шеъри чиқди ёки битта ҳикояси босилди, дея ўзимизни алдашимиздан наф йўқ, назаримда...

**Д.Қуроноф:** Бу саволда, хусусан, «қачон жаҳонга чиқамиз» дейилганда, менимча, ўзимизни бир оз камситиш, паст олишга мойиллик бордек кўринади. Биз шундоғам жаҳондамиз, яъни, ўзбек адабиёти ҳам жаҳон адабиётининг бир бўлаги. Айтайлик, дунёда машҳур асар-

ларнинг кўпчилиги ҳали ўзбек тилига ўгирилмаган, ўзбек китобхонининг маънавий мулкига айланмаган. Шунинг учун уларни «жаҳон адабиётига чиқмаган» деса бўладими?! Яъни, «жаҳонга чиқиш» деганда сара асарларимизнинг жаҳондаги бошқа тилларига таржима қилиниши ва суйиб ўқирилиши назарда тутилиши мумкин, бироқ бу дегани бизда ҳали «жаҳон талаблари» даражасидаги асарлар йўқ дегани эмас. Биласиз, ҳозир бозорларда турли мамлакатлардан келтирилган сархил мевалар сотилмоқда. Қизиғи, уларнинг кўпи ўзимизда ҳам етиштирилади. Хўш, нега улар «жаҳонга чиққан»-у, бизникилар чиқмаган? Ахир, меваларимизнинг мазаси, табиийлиги улардан устун бўлса устун, кам эмас-ку?! Демак, буни «жаҳон»га англатиш, маҳсулотни чиройли қилиб етказиб бериш керакки, бунда оқсоқланаётганимиз ачинарли. Шунга ўхшаш, бизнинг асарларимизни ҳам биров «жаҳонга олиб чиқмайди», «ўзинг учун ўл етим» деганларидек, ўзимиздан яхши таржимонлар етиштиришимиз лозим. Тўғри, сиз айтмоқчи, айрим асарлар бошқа тилларга ўгирилган. Бошқаларини билмадим-у, лекин, мен рус тилига қилинган таржималарни кўриб айтаманки, улар жуда ожиз. Демак, биринчи масала «кимнинг асарлари таржима қилинмоқда» тарзида эмас, «қандай таржима қилинмоқда» тарзида қўйилиши лозим.

**Н.Жалолиддин:** Шу маънода адабиётимиздаги қайси асарларни таржима қилиб, жаҳонга кўрсатиш мумкин, деб ўйлайсиз?

**Д.Қуронов:** «Ўткан кунлар»ни, Чўлпон ва Ойбекнинг 20-йиллардаги айрим шеърларини... Санокни давом эттириш мумкин, лекин шартми?! Муҳими, таржималар бирон-бир ижодкорни танитишга эмас, миллий адабиётимизнинг юзини кўрсатишга хизмат қилсин.

**Н.Жалолиддин:** Менимча, бизнинг танқидчилигимизда холислик етишмайдигандек. Гоҳо баъзи танқидчиларимиз тарафкашлик қилаётганликларини ҳам сездириб қўйишади. Умуман, сизнингча, ёзувчининг шахси биринчи ўринда туриши керакми ёки асари?

**Д.Қуронов:** Танқидда тенденциозлик бўлиши табиий, чунки ҳар кимнинг диди, бадиий-эстетик талаблари ўзига хос. Лекин танқидда холислик, самимият бўлиши, адабиётнинг фойдаси нуқтаи назаридан фикр юритилиши шарт. Шу пайтгача кўп олимлар билан баҳслашишга тўғри келди, ҳар вақт шу принципларга таянишга ҳаракат қилдим. Лекин, бейпарвардигор дейдилар, баҳс қизиғида баъзан бир оз чалғиган бўлишим мумкин. Сиз ҳақсиз, афсуски, айрим ҳолларда тарафкашлик бўлаётгани, танқидчи муносабатини асарнинг ўзи эмас, бошқа омиллар белгилаётгани сезилиб қолади.

**Н.Жалолиддин:** Танқидчиликдаги мавжуд ҳолни тузатиш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

**Д.Қуронов:** Бадиий асар турли кишилар томонидан ҳам, турли

даврларда ҳам турлича тушунилиши мумкин, бас, биз асар ҳақида билдираётган фикр субъективликдан холи эмас, у ҳақда ўзгача фикр ҳам мавжуд ва у яшашга ҳақли деган оддий ҳақиқатни тан олиш; танқиднинг вазифаси бадиий дидни тарбиялаш орқали адабиёт равнақиға хизмат қилиш эканлигини назарда тутган ҳолда фикрлашнинг ўзи, назаримда, кифоя қилади.

**Н.Жалолiddин:** Адабиёт бир бутунлиқдир. Уни фалон вилоятга ёки бошқа ҳудудга дахлдор ҳисоблаш мумкин эмас. Зўр санъаткорона асар бор ва ҳаваскорона машқлар бор. Асосий эталон шу. Шундай бўлса ҳам, вилоятимиз ижодкорлари томонидан яратилаётган, ёзилаётган асарлар ҳақида нима дейсиз?

**Д.Қуროнов:** Яхши айтдингиз, «адабиёт – бир бутунлик». Бироқ «вилоят миқёсидаги адиб ё шоир» бўлиб юрган, асарлари, А.Қаҳҳор айтмоқчи, «Тўйтепадан нарига ўтмаётган» ижодкорлар қанча? Мен вилоят ижодкорларини камситмоқчи эмасман, асло. Фақат уларнинг ўша «бир бутун» адабиётга жўровоз бўлишларини, умуммиллий адабиётимиз пардасида ижод қилишга интилишларини истардим. Афсуски, айрим ижодкорларга журъатдан кўра «биз вилоятданмиз-да» дея ўзини овутиш, тасалли бериш қулайроқ кўринади, чоғи. Ҳозирги адабий жараёнда андижонлик ижодкорларнинг мавқеи у қадар баланд эмаслиги шундан бўлса, эҳтимол. Ҳолбуки, истеъдодлар бисёр, журъат ва меҳнат етишмаётганга ўхшайди...

**Н.Жалолiddин:** Ижодий режаларингиз?

**Д.Қуროнов:** Режалар ҳам бисёр. Афсус, уларни амалга оширишга вақт доим ҳам етмайди, аниқроғи, кейинги вақтда ўзимга шундай баҳона топишни одат қиляпман, шекилли. Асли, бир оз дангасароқ, ҳафсаласизроқ бўлиб қолганга ўхшайман. Яқинроқ режалар ҳақида айтсам, Абдулла Қодирий бадиий фалсафаси ҳақида рисола, адабиёт назариясига оид қўлланма тайёрламоқчи бўлиб турибман.

2010 йил

## МУНДАРИЖА

Роман ҳақида айрим мулоҳазалар .....	3
Лирик қаҳрамон термини ҳақида .....	17
Яна даврлаштириш масаласига доир .....	21
Шеърхонлик машқлари.....	47
Адабиёт биз қўниккан тушунчадангина иборат эмас... ..	51
Танқидда ҳолислик бўлиши шарт .....	59

*Адабий-бадиий нашр*

**Дилмурод ҚУРОНОВ**

## **ЗАВҚИМДАН БИР ШИНГИЛ**

**Муҳаррир:** Шаҳноза ТЎРАХЎЖАЕВА

**Мусахҳиҳ:** Марҳабо ЖЎРАЕВА

**Бадиий муҳаррир:** Феруза НАЗАРОВА

**Техник муҳаррир:** Хуршид ИБРОҲИМОВ

Наشريёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: \_\_.12.2012 й.

Босишга рухсат этилди: \_\_.12.2012 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

Agial гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-наشريёт т.: \_\_. Шартли б.т.: 1,86.

Адади: 500 нусха.

Буюртма №

«Akademnashr» нашриётида нашрга тайёрланди  
ва чоп этилди.

100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
20<sup>А</sup>-мавзе, 42-уй.

**Тел.:** (+998 71) 217-16-77

**e-mail:** akademnashr@mail.ru

**web-site:** www.akademnashr.uz